

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

ТДПУ хузуридаги педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва  
уларнинг малакасини ошириш  
тармоқ маркази директори

\_\_\_\_\_ Н.Муслимов  
“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2015 йил

**“КАСБИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ”**

**модули бўйича**

# **ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: Проф. Ў.Қ.Толипов**

ТОШКЕНТ-2015

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	9
1-Маъруза. Касбий педагогиканинг ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.....	9
2-Маъруза. Касбий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари .....	27
3-Маъруза. Касбий педагогикага оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар.....	34
4-Маъруза. Касбий педагогиканинг методологияси ва замонавий ёндашувлар.....	39
5-Маъруза. Касб таълими мазмунини модернизациялаш.....	49
6- Маъруза. Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.....	69
7- Маъруза. Касбий таълимда инновациялар .....	84
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	94

# ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий ва педагогик компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

“**Касб таълими**” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Касб таълими” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича бўйича тингловчиларнинг малакасига қўйиладиган талаблар**

– касбий педагогиканинг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини;

– касбий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари;

– олий таълим тизимида касб таълими соҳасидаги кадрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларни;

– касб таълими мазмунини модернизациялашни;

– касб таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини;

- касбий таълимдаги инновацияларни **билиши** керак.
- касбий фанлардаги инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- касбий таълим фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- касб таълими фанларини ўқитишда ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- касб таълими жараёнида талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмлари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- касб таълими жараёнида талабаларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш **қўникмаларига эга бўлиши лозим.**
- касб таълими ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
- касб таълими фанларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг билимларини ҳолисона баҳолаш механизмларини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- касб таълими бўйича ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;
- касб таълими жараёнида талабаларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш;
- касб таълимининг дидактик таъминотини такомиллаштириш каби **малакаларига эга бўлиши лозим.**
- касбий педагогиканинг замонавий йўналишларига оид назарий қарашлар, етакчи концепцияларини педагогик фаолиятда қўллаш олиш;
- касб таълими бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;
- касб таълими жараёнида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самарали фойдаланиш;
- ривожланган мамлакатларда педагогика ва психология ҳам мутахассислик фанларни ўқитиш методикасидаги илғор тажрибаларни таълим-тарбия жараёнига модернизация қилган ҳолда қўллаш **компетенцияларига эга бўлиши лозим.**

## Модул бўйича соатлар тақсимооти:

№	Ўқув модуллари	Ҳаммаси	Жами ўқув юқламаси	Жумладан			Мустақил таълим
				назарий	амалий	кўчма машғулот	
1.	Касбий педагогиканинг умумий ва хусусий тушунчалари. Касбий педагогиканинг ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.	2	2	2	-	-	
2.	Касбий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари.	2	2	2	-	-	
3.	Касбий педагогикага оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар.	4	2	2	-	-	2
4.	Касбий педагогиканинг методологияси ва замонавий ёндашувлар. Касбий педагогикада интеграция.	6	4	2	2	-	2
5.	Касб таълими мазмунини модернизациялаш. Касб таълими ўқитувчисининг модели.	2	2	2	-	-	
6.	Касб таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.	2	2	-	2	-	
7.	Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари: гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилотчилик.	6	6	2	4	-	
8.	Касбий таълимда инновациялар.	6	6	2	4	-	
Жами		30	26	14	12	-	4

### Асосий қисм:

#### Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантикий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиқ берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодий эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислохотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## **Маъруза машғулоти**

### **Касбий педагогиканинг ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари. (2 соат)**

Касбий педагогиканинг ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари. Касбий педагогиканинг умумий ва хусусий тушунчалари.

### **Касбий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. (2 соат)**

Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг касб-хунар таълими ва тарбиясига таъсири. Касбий таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабати.

### **Касбий педагогикага оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар. (2 соат)**

Шарқ мутафаккирларининг касбий педагогика оид қарашлари. Касбий педагогиканинг мазмуни. Касбий педагогикага оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар.

### **Касбий педагогиканинг методологияси ва замонавий ёндашувлар. (2 соат)**

Касбий педагогиканинг методологияси ва замонавий ёндашувлар. Касбий педагогикада интеграция.

### **Касб таълими мазмуни модернизациялаш. (2 соат)**

Касб таълими мазмуни модернизациялаш. Касб таълими ўқитувчисининг модели.

### **Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари. (2 соат)**

Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари: гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилотчилик.

### **Касбий таълимда инновациялар. (2 соат)**

Касб хунар таълимида инновациялар. Касб таълимини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш. Ўқитувчининг инновацион фаолияти.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар касбий педагогиканинг методологияси ва замонавий ёндашувлар, касбий педагогикада интеграция, касб таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари: (*гностик, лойиҳалаш, конструкциялаш, диагностик, прогностик, коммуникатив, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилотчилик*) ва касбий таълими соҳасидаги инновациялар билан танишадилар ва улар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион

технологияларга асосланган ҳолда кичик гуруҳларга бўлиб ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модуллари ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

### **Адабиётлар ва манбалар рўйхати**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

1. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтаўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
3. Абдуллаева Қ., Гаипова Н., Гафурова М., Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш, моделлаш ва бадий безаш. //Ўқув қўлланма. – Т.: «Ношир», 2010. 240 б.
4. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Газламага бадий ишлов бериш, каштачилик ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: “Нисо”, 2012. – 260 б.
5. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Пазандачиликка ўргатиш методикаси. – Т.: ТДПУ. 2012. – 104 б.
6. Гаипова Н.С., Абдуллаева Қ.М. Тикувчилик технологияси ва жиҳозлари. – Т.: “Ворис”, 2007. – 230 б
7. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
8. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2004. -102 б.
9. Қўйсинов О.А. ва б. “Касб таълими методикаси” фанидан мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: “Юсуф янги нашр”, 2012. – 60 б.
10. Қўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулоти. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
11. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 128 б.
12. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
13. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

### IV.Электрон таълим ресурслари

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edy.uz](http://www.edy.uz)
3. Infokom.uz.электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.nuuz.uz](http://www.nuuz.uz)
5. [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)



## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### **1-Маъруза. Касбий педагогиканинг ғоялари, назариялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари**

#### **Режа:**

1.1. Касб-хунар таълими педагогикасининг мақсади, вазифалари ва долзарб масалалари.

1.2. Касб-хунар педагогикасининг қонуниятлари ва принциплари.

**Таянч иборалар:** Педагогика, касб-хунар таълими, касбий педагогика, қонуният, принцип.

#### **1. Касб-хунар таълими педагогикасининг мақсади, вазифалари ва долзарб масалалари**

Касб-хунар таълими педагогикаси умумий педагогиканинг махсус тармоғи бўлиб, у бизнинг республикамизда етарли даражада ишланмаган соҳа ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодиётининг барча соҳаларига замон ва истиқбол талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлаш том маънода Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори ҳисобланади.

Мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимида касбий педагогикани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ихтисосликка оид билим, хатти-ҳаракат усуллари (кўникма ва малакалар) ҳамда шахсий фазилатлар асосан касбий педагогикани ўрганиш жараёнида шаклланади. Бундан касбий педагогика мазмунини ўзлаштирилиши билан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг маданий-техник тайёргарлик даражаси бевосита боғлиқлиги келиб чиқади. Бу боғлиқлик энг аввало “ихтисос”, “касб”, “хунар”, “мутахассислик”, “касбий” каби тушунча ҳамда атамалар моҳиятини аниқлаб олиш заруриятини кўрсатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида:

Ихтисос – (арабча-иш - вазифа доираси; чуқур билимлардан хабардорлик; ўзига хос хусусият). Илм-фан, техника, санъат соҳаларида ҳар бир мустақил касб; мутахассислик; касбий малака.

Ихтисосли – илм-фан, техника ёки саноатнинг маълум бир соҳаси бўйича ихтисос олган, билим, малака ҳосил этган; ихтисосга оид.

Касб – (арабча- бирор нарсани ўрганиш, эгаллаш, фойда; хунар, машғулот). 1. Иш фаолиятнинг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган бирор тури, соҳаси; хунар. 2. Умуман, одат қилинган иш; одат.

Касбий – касб-хунарга оид.

Мутахассис – [арабча – бирор соҳада ихтисос олган, ихтисос эгаси]. Бирор соҳада махсус билим ва тажрибага эга бўлган киши, ихтисос эгаси. Хунар – [арабча – санъат, билим, кўникма, маҳорат, усталик, касб]. 1. Муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; касб. 2. Бирор ишдаги маҳорат, санъат;

моҳирлик, усталик талаб этувчи иш, хатти-ҳаракат. 3. Одат тусидаги иш, ҳаракат.

Хунарманд – [форсча-санъат арбоби; моҳир, юксак маҳоратли; истеъдодли, қобилиятли]. 1. Уйида ёки ўз дўконидида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи касб-хунар эгаси; касиб. 2. Ўз иш-касбининг моҳир устаси.

Н.И. Макиенконинг фикрича “Хунар мактабининг хусусияти хунар-техника таълимининг муҳим қисми ҳисобланган амалий ишлаб чиқариш таълимининг мавжудлигидадир. Хунар-техника таълими педагогикаси мактаб педагогикаси ютуқларига асосланади, унинг асосий қоидаларидан хунар-техника билим юртлари шароитида фойдаланилади... Умумтаълим мактабларидан фарқли ўлароқ хунар-техника мактабидида “оғирлик маркази” мутахассис (ишчи) га маълум ихтисос ва малака эгаллаши учун зарур бўладиган махсус билим ва малакаларга кўчади”.

Касб-хунар таълими билим юртларида умумкасбий ва касбий педагогикани ўқитиш методикаси бўйича етук рус мутахассиси В.А. Скакуннинг фикрича “... малакали мутахассис (ишчи)лар тайёрлаш мазмунининг умумий структурасида умумтехника фанлари ва махсус фанлар асосий ўринни эгаллайди ва малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бу фанлар, бир томондан умумтаълим фанлари билан, иккинчи томондан эса ишлаб чиқариш таълими билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва улар диалектик бирликда туради. Бу ҳол умумтехника ва махсус фанлар мазмунини ўқувчиларнинг умумтаълим доирасидаги билимларига асосланадиган, бу билимларини кенгайтирадиган, шу билан бирга ишлаб чиқариш таълими учун асос бўладиган ва шу ишлаб чиқариш таълими билан бойитадиган қилиб тузишни талаб этади.

Умумтехника фанлари ва махсус фанларнинг асосий қоидаси уларни ўрганишнинг шакл ҳамда методларига нисбатан алоҳида талаблар қўяди. Бу ерда ўзига хослик шундан иборатки, умумтехника фанлари ва махсус фанларни ўрганишда умумтаълим фанларини ўрганишда татбиқ этилган шакл ҳамда методлардан фойдаланиш зарур. Бошқа томондан эса уларнинг катта амалий аҳамиятини ишлаб чиқариш таълимига ўтиш учун “эшик” эканлигини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқариш таълими учун хос бўлган методлар ва методик усуллардан кенг кўламда фойдаланиш лозим”

Ватандошимиз К.Ж. Мирсаидов ўзининг қатор шоғирдлари билан бирга “Махсус техника фанларини ўрганишдан мақсад – ўқувчиларда ҳозирги замон техникаси ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича касбий маҳоратни шакллантиришдир” – деб билладилар. Бунда устоз К.Ж. Мирсаидов касбий билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни касбий маҳорат деб талқин этган бўлсалар керак.

Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги сабабли ўзига хослиги умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатади. Давлат таълим стандарти асосида тузилган ўқув режасидаги махсус фанлар ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, фан дастурларини оддийдан мураккабга қараб

тузиш, ўқитишнинг самарали методларини танлаш, ўқув мақсадларини белгилаш ўқувчиларнинг муайян касб бўйича билим ва кўникмаларини ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз томондан махсус фанларни ўқитиш методикасига доир ўтказилган изланишлар натижасида ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларни шакллантиришда модулли ўқитиш тизими яхши самара бериши аниқланди.

Модулли ўқитишда махсус фан таркибидаги модуллар орасидаги узвийликни таъминлашга, ўқитишни жадаллаштиришга, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини мунтазам назорат қилишга ва баҳолашга, қизиқтириш асосида амалий фаолиятга ўргатишга ва ўқув материални босқичма-босқич ўқитиш орқали фанни самарали ўзлаштиришга эришиш мумкинлиги аниқланди.

Касб-хунар коллежларида махсус фанларини ўрганишда одатда “Қўш” дарслар яъни, ҳар бири 45 минутдан бўлиб, орасида 5 минут танаффус қилинадиган икки бўлимдан иборат дарслар қўлланилади. Бу ҳол машғулотлар тизимини режалаштиришни осонлаштиради ва дарсларда мустақил график ишлар ва ҳисоблашлар, машқлар ва шу қабилар ўтказишни енгиллаштиради.

Махсус фанларни ўқитишда кўрсатмалиликдан фойдаланиш, коллеж умумий таълим фанларини ўқитишдагига нисбатан муайян хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар умумтаълим фанлари мазмунининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ўрганиш методикаси билан боғлиқ. Агар, умумтаълим фанларини ўрганишда кўрсатмалилик тартиби асосий ғояни яхшироқ ўзлаштиришга ёрдам берса, махсус фанларни ўқитишда, жиҳоз ёки асбобнинг тузилиши ва ишлаш тамойили, технологик жараёнларини ва ишчи органларининг ўзаро ҳаракатини ўрганиш талаб этилади.

Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан фарқли эканлигини кўрсатади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари махсус фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади. Махсус фанларни ўрганишда кўпроқ амалийлик юқори бўлганлиги, ҳамда ишлаб чиқаришга яқинроқ ҳисобланганлиги умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатди. Махсус фанларни ўқитиш услубларини танлашда ўқув мақсадларини белгилаш ўзига хосликни талаб этади. Ўқувчиларни касб-хунарга ўргатишда махсус фанлар бутунлигича шу касб хусусиятига мос бўлиши билан бирга ўқув материал мазмунида муайян касб бўйича махсус фанга тегишли фаолият турлари тўлиқ ёритилиши зарур. Касб-хунар таълимида махсус фаннинг етакчи компоненти бўлиб «Фаолият турлари» ҳисобланишига ишонч ҳосил қилинди.

Махсус фанлар мазмуни муайян касб йўналишининг тавсифига мос тушиши, яъни касб бўйича бажариладиган фаолият усулларини ўзида қамраб олиши керак.

Махсус фанлар мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади;

**1. Ўқув материалида техникага боғлиқ масалалар ёритилган махсус фанлар.** Буларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнида ишлатиладиган машиналар ва ускуналарнинг тузилишлари, ишлаш принциплари, созланишлари, ҳамда ишлатиш қоидалари; меҳнат воситалари, мосламалар, асбоблар ва улар қисмларининг тузилишлари; меҳнат объектлари ҳисобланган машина ва ускуналарни ўрнатиш, йиғиш, таъмирлаш, созлаш методлари ва усуллари; механизм ва деталларни қайта тиклаш, ҳамда таъмирлашнинг замонавий усуллари ёритилган ўқув материаллари киради.

**2. Ўқув материалларида маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига боғлиқ масалалар ёритилган махсус фанлар.** Буларга алоҳида касбларнинг бутунлигини тавсифлайдиган технологик ва меҳнат жараёнлари, уларни амалга ошириш, назорат қилиш ва бошқариш тавсифлари; хавфсизлик қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси, ҳамда меҳнат қонунчилиги асослари киради.

**3. Ўқув материалида хом ашё материалларига боғлиқ масалаларни ёритувчи махсус фанлар.** Буларга ишлаб чиқаришда қўлланиладиган турли материаллар ва хом ашёларнинг кимёвий-физикавий хусусиятлари, механик –технологик хоссалари ва тайёрланиш технологиясини ёритувчи ўқув материаллари киради.

**4. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва иқтисодиёти тўғрисида ўқув материалларини ўзида қамраб олган махсус фанлар.** Ушбу гуруҳга барча касблар бўйича малакали кичик мутахассисларни тайёрлашда ўрганиладиган (ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва иқтисодиёти асослари) ўқув материаллари, хўжалик ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, юритиш, бошқариш ва ахборот технологиялари, илғор услублар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Махсус фанларни ўқитиш ўзининг кўпгина белгилари, яъни мазмуни, мақсад ва вазифалари, методлари, воситалари, ташкил этилиши, ўтказилиш жойи, жиҳозланиши, шакллари, тузилиши, ажратиладиган вақти билан ҳам умумтаълим фанларидан кескин фарқ қилади.

Махсус фанларни ўрганишда чизмалар, жадваллар, ҳисоблашлар ва ўлчашлар ўтказиш каби алоҳида кўникмаларни шакллантирувчи лаборатория – амалий машғулотларни, техника ва технологияни бевосита ёки билвосита тасаввур этишга ёрдамлашадиган ишлаб чиқариш машғулотларини ҳам ташкил этишга тўғри келади. Кейинги ҳол эса, ўқувчилардан махсус йўналтирилган касбий кўникма ва малакаларнинг маълум даражада шакланганлигини талаб этади.

Касб-ҳунар таълимидаги махсус фанлардан ўқув адабиётларини яратиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тажрибали муаллифлар касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиётларини яратишда кичик мутахассисларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини ва уларга қўйиладиган дидактик ҳамда психологик талабларни эътиборга олишмаган. Ушбу муаллифларнинг

дарсликлари илмий жиҳатдан чуқурлаштирилган бўлиб, мазмуни ва тузилиши жиҳатидан олий таълим махсус фанлари дарслигига ўхшаб қолган.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимида махсус фанлар ўзига хос аҳамиятга ва хусусиятларга эгадир. Махсус фанлар ихтисосликни ўрганиш асосини ташкил этиб, турли малака ва кўникмаларни ўз ичига олади. Махсус фанларнинг етакчи компоненти бўлиб «фаолият усуллари» хизмат қилади.

Ватандош олимларимиз томонидан яратилган “Педагогик атамалар луғати” да бу атамалар қуйидагича изоҳланган:

**Ўқув предмети** – у ёки бу фаннинг асосий мазмунида ифодаланган дидактик асосланган билим, кўникма ва малакалар тизими.

Бу муаллифлар ўқув предметида тарбиявий аҳамиятини назардан четда қолдирганлар.

**Ўқув предмети** – ўқув муассасасида ўқитиш учун фаннинг мувофиқ соҳаларидан танлаб олинган билимлар, малакалар, кўникмалар, меъёрлар ва кадриятларнинг дидактик асосланган тизими.

Юқорида изоҳланган тушунчаларнинг мазмунидан умумий хулоса чиқарган ҳолда ихтисослик ўқув предмети тушунчаси, бизнингча қуйидагича изоҳлашга имконият беради, яъни:

**Касбий педагогика** – таълим муассасаларида ўрганилиши кўзда тутилиб, бўлажак мутахассисга иқтисодиётнинг маълум аниқ соҳасида фаолият кўрсатиши учун фан, техника, ишлаб чиқариш фаолияти, санъат кабилардан мақсадга мувофиқ ажратиб олиниб, дидактик ишлов берилган билим, хатти-ҳаракат усуллари ҳамда шахсий фазилатлар тизими.

Ихтисослик қайси касбга мансублиги, шунингдек, касбнинг ўзи қандай соҳадаги фаолият турига тегишли эканлигини ҳам аниқлаштиради. Аниқ йўналишда танлаб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга “қаватма-қават” таҳлил этилади. Юқори қатлам иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлса, ўрта қават касб-хунарга ва пастки қават алоҳида ихтисосликларга тўғри келади. Бундай ёндашув замонавий касб-хунар таълими мазмунини шакллантириш муаммоси ечими сифатида эътироф этилмоқда. Чунки бунда касб ёки ихтисослик нуқтаи назаридан пастдан эмас, балки аниқ йўналиш доирасидаги касбий таълим мазмуни яхлит тизим сифатида юқоридан пастга томон тадқиқ этилади.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакли ва амалга ошириш методлари кўпроқ мақсадга, ўрганилаётган ўқув материалнинг характериغا кўра аниқланади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнининг оқилона ташкил этиш шакли ва методларини аниқлаш мақсадида ўқув материали мазмуни дидактик таҳлил этилиб, ўқув материалнинг алоҳида қисмини моҳияти, муҳимлиги унинг таркибига кирган тушунчаларнинг характери ва шу каби хусусиятларига кўра гуруҳларга бўлинади.

Ўқув дастурий материалга фундаментал тушунча ва иборалар киритилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- Барча касб ва ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашга тегишли бўлган тушунчалар:

- техник қурилмалар моҳияти ва ишлаб чиқариш объектларини ёритувчи ўқув материали. Бунга жиҳозлар тузилиши ва ишлаш тартибининг назарий асослари (электротехника, иссиқлик техникаси, гидравлика, пневматика, техник механика, механизмлар ва машина назарияси, материаллар қаршилиги, машина деталлари ва шу каби назарий маълумотлар);

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширувчи жиҳозларнинг тузилиши ва ишлаши тартибини тушунтириш;

- меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, мосламалар, приборлар ва шу кабилар, меҳнат жараёнида қўлланиладиган сунъий қурилмалар;

- деталлар, звенолар, механизмлар, машиналар, приборлар, аппаратлар ва буюмлар тузилишининг баёни, йиғиш, қисмларга ажратиш, тузатиш, тайёрлаш, хизмат кўрсатиш, синаш кабиларни ифодаловчи ўқув материаллари. Бу материалларга техника тили ҳисобланган график материаллар: диаграммалар, схемалар, расмлар, чизмалар технологик ва йўриқли технологик хариталар кабиларни мисол келтириш мумкин.

II. Ишлаб чиқариш технологиясига оид материаллар:

- технологик жараёнлар асосини ёритиш (қирқиш назарияси, термодинамика асослари кабилар);

- алоҳида соҳа ёки ихтисосликка оид меҳнат ва технологик жараёнлар моҳиятини ёритувчи материаллар;

- техника хавфсизлиги, гигиена ва ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғинни олдини олиш техникаси кабилар.

III. Ишлов бериладиган ва қўлланиладиган материал ва хом ашёларнинг физик, химик, механик, технологик каби хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни ўзига қамраб олади.

IV. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг иқтисодиётга оид ўқув материаллари. Бунга “Меҳнат ва ишлаб чиқариш иқтисодиётининг асослари”, “Менежмент ва маркетинг асослари” га оид ўқув предметларининг мазмунини мисол келтириш мумкин.

Бундай материални барча ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлашда ҳам учратиш мумкин.

Касб-ҳунар таълими асосчиларидан бири, академик С.Я. Батышев ва С.А. Шапоринскийлар ихтисослик (мутахассислик) ўқув предметларининг вазифалари, ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларни мазмунини қуйидагича таркибий қисмларга ажратиб кўрсатган:

1. Техник қурилмалар ва уларнинг ишлаш тартибига оид материаллар 40-50 %

2. Технологик жараёнларнинг моҳияти ва бажарилиш кетма-кетлигига оид материаллар 30-40 %

3. Ишлатиладиган хом ашё материалларининг хусусиятларини ёритувчи материаллар 10-15 %

4. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва иқтисодиётига оид материаллар.

Юқорида зикр этилган гуруҳ ўқув материалларининг муҳимлиги нуқтаи назаридан унинг ўзига хос жиҳатларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) Тарихийлик хусусиятига эга. 2) Касб ва мутахассислик асоси. 3) Умумтаълим ва умумкасбий ўқув предметларидан ўзлаштирилганларга таянади. 4) Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига асос ҳисобланади. 5) Техник ва технологик қурилмалар, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини, уни ташкил этиш, амалга ошириш ва иқтисодий кўрсаткичлари кабиларни ёритади. 6) Ўрганиш учун махсус жиҳозлар, қурилмалар, воситалар, шарт-шароит кабиларни талаб этади. 7) Мазмуни сабаб-оқибатли алоқадорликка, баъзан мураккаб жумбоқ тавсифга эга бўлиб, ўрганиш учун нисбатан кўп вақт талаб этади. 8) Фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш жараёнларини ўзида ифодалаганлиги боис динамик ўзгарувчан бўлади. 9) Аниқ технологик қурилмалар ва технологик жараёнлар моҳияти ёритилганлиги боис унинг мазмуни амалий характерга эга. 10) Ўрганиш объектлари ҳар томонлама ёритилганлиги боис мажмуавий характерга эга. 11) Амалда касбий, ихтисослик, мутахассислик, махсус фан сифатида қўлланилади. 12) Тизимли-интегратив ёндашув ҳамда унга мос ўқитиш, ўрганиш методикасини талаб этади ва шу кабилар.

Юқорида зикр этилганларнинг барчаси бир томондан уларнинг мазмунини таҳсил олувчиларга оқилона баён этишни талаб этса, иккинчи томондан, уларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, амалда қўллашни талаб этади.

Сўнгги йилларда республикамиз педагог олимлари ишларида ихтисосликка оид ўқув предметлари бўйича машғулотлар самарадорлигини оширишга оид улкан ижодий ишлар олиб борилмоқда. Бу ижодий изланувчанликка йўналтирилган ишларни қуйидаги йўналишларини кўрсатиш мумкин:

- узвий алоқадорликни таъминлаш;
- дарсларни ўтказишда шаблон ва бир қолипчиликни бартараф этиш, ўқув жараёнида турли тузилмадаги дарсларни қўллаш;
- янги материални таҳсил олувчиларга етказиш билан уни шу дарсни ўзида мустаҳкамлашнинг турли шакллари, метод ва воситаларини уйғунлаштириш;
- таълим-тарбия жараёнида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида машқлар тизимини киритиш;
- ишбилармонлик, ролли, лабирент ва бошқа дидактик ўйинлардан фойдаланиш;
- таҳсил олувчиларнинг мустақил ишлари турлари ва миқдорини аниқлаш;
- ўзлаштирилган ўқув материални мустаҳкамлашнинг аниқ тизими ва механизмини яратиш;

- ўқув материалнинг асосий, бош ғояни ифодаловчи тушунча ва ибораларни ҳар томонлама мукамал ўрганиш ва мустаҳкамлаш;
- таҳсил олувчиларни мустақил равишда ўқиб-ўрганишга ўргатиш;
- таҳсил олувчиларнинг уй ишларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;
- касбий педагогика бўйича ўрганилаётган назарий ўқув материалларини ишлаб чиқариш таълими билан узвий боғлаб ўрганиш;
- индивидуал сўровларни камайтириш ва фронтал сўровлар доирасини вақт нуқтаи назаридан кенгайтириш;
- индивидуаллаштириш имкониятларини берадиган ижодий мустақил ишларни қўллаш кабилар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида касбий педагогика ўзига хос аҳамиятга ва хусусиятларга эгадир. Касбий педагогика ихтисосликни ўрганиш асосини ташкил этади. Уларнинг етакчи компоненти бўлиб “хатти-харакат усуллари”, яъни кўникма ва малака ҳамда шахсий фазилатлар ҳисобланади.

Тадқиқотларимиз таҳсил олувчиларда касбий – политехник ва касбий - техникавий тушунчаларни шакллантириш учун касбий педагогиканинг мазмунини модернизациялаш ва ўқув мақсадини белгилашда касбий политехник тамойилларга яъни маълум бир ишлаб чиқариш соҳаси бўйича жиҳозлар ва машиналарнинг ишлаш тартиблари; ишлаб чиқариш технологияларининг бажарилиш кетма-кетлиги; касбий фаолиятни ташкил этишнинг илмий асослари; соҳа бўйича меҳнат фаолиятининг иқтисодий тамойилларига риоя қилиш лозим деган хулоса чиқариш имконини беради.

Изланишларимиз натижасида касбий педагогика мазмунида бошқа ўқув предметларидан фарқли равишда ўз аксини топиши керак бўлган куйидаги жиҳатлар ҳам аниқланди:

**Назария ва амалиётнинг бирлиги.** Одатда, касбий педагогиканинг ўқув дастурида амалиётдан аввал назария ўқитилишини талаб қилади. Аммо касбий педагогиканинг асосий хусусиятларидан бири шундаки, унда назарий ва амалий машғулотлар ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Шунинг учун ҳам касбий педагогика бўйича ўқув материалнинг назарий қисмини шакллантирувчи муаллифлар ўқув дастуридаги амалий машғулотлар мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш шарт-шароити билан ҳам таниш бўлиши ва уни ҳисобга олиши шарт. Шунингдек, амалий қисм бўйича ўқув материални шакллантирувчилар ўқувчи қандай назарий билимга эга эканлигидан хабардор бўлишлари керак.

**Предметлараро алоқадорлик.** Барча касбий педагогика ўқитувчилари ўз таҳсил олувчиларининг келажак ҳаётда, жамиятда ва касбий фаолият дунёсига киришиб кетишларини истайди. Муаллифлар турли ўқув предметлари соҳаларини бир-бири билан боғлаб барча соҳаларда фойда келтирадиган билим, кўникма ва малака беришни ўйлашлари керак. Шу сабабли ҳам касбий педагогикадан ўқув-услубий мажмуалар ва дарсликларни яратишда ўқув режасидаги бошқа ўқув предметлар билан ҳам боғлиқлик ўрнатилишини назарда тутиш лозим.



**Мисоллар, амалий характерли топшириқлар.** Касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган ўқувчилар нафақат назарий билим олишлари, балки ўз назарий билимларини амалиётда қўллашни билишлари муҳим аҳамиятга эга. Касбий педагогика бўйича ўқув услубий мажмуалар ва ўқув адабиётларини яратишда муаллифлар қуйидагиларга эътибор беришлари керак: муаммоларни ҳал қилиш; тадқиқотлар олиб бориш; турли вазиятлар ва ҳолатларни таҳлил қилиш, сабаб-оқибат муносабатларини ўрнатиш; тажрибалар ўтказиш ва машқлар бажариш; ижодий фаолият кўрсатиш, янгиликлар яратиш, ихтиро қилиш кабилар.

Юқоридагиларнинг аксарияти касб-хунар коллежлари таҳсил олувчиларига матн ўқиш ва саволларга жавоб беришдан кўра кўпроқ мос келади. Амалий машғулотларда таҳсил олувчиларни амалий муаммо, топшириқ ёки вазифани таҳлил қилиш, уларнинг ечимини топиш ва амалда қўллашни ўргатиш мумкин.

**Тасвирий материаллар.** Касбий педагогиканинг асосий хусусиятларидан яна бири фаннинг мазмунини ёритиб беришга хизмат қиладиган тасвирий материаллардан фойдаланиш даражаси юқорилигидадир. Масалан, дарсликда турли объектлар расмлари, технологик жараёнларнинг бажарилиш кетма-кетлигини кўрсатувчи схемалар, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш кўрсаткичларини тасвирловчи диаграммаларнинг берилиши ўқув матнини тушунишни енгиллаштиради.

Чизмалар, схемалар, расмлар, график ва диаграммалар оддий маълумот етказиб беришда асосий восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Чунки, тасвирий материаллар ўқувчини ўқув предметиға қизиқишини орттиради.

Ватандош тадқиқотчиларимиз фикрича касб-хунар таълимида ўқувчиларнинг ихтисослик ўқув предметида маълум бир техникавий ва технологик топшириқни мустақил равишда бажаришлари учун дарсликлар, турли техникавий адабиётлар, услубий кўрсатмалар, чизмалар, схемалар, маҳсулотлар, хом-ашё материаллари, макетлар ва жиҳозлар, асбоб ва ускуналар, ўқув-услубий мажмуалар билан таъминланиши ўқитишни фаоллаштиради ва ижодий ёндашувни таъминлайди.

Касб-хунар коллежлари олдига қўйилган ижтимоий буюртма, яратилган шарт-шароит, ўрганиш учун ажратилган вақт, жамият ва давлатнинг талаблари ҳамда эҳтиёжлари, касбий тайёргарлик жараёни иштирокчиларининг ўз бурчларини нечоғлик англаб етганликлари, касбий педагогиканинг юқорида зикр этилган ўзига хос жиҳатлари каби кўплаб омилларға биноан уларни ўрганиш методикаси танланади.

Демак, ихтисослик ўқув предмети ўқитувчисидан юқори маданий-техник даража талаб этилади. Бундай даражаға ўз-ўзидан, тез фурсатларда эришилмайди. Унга ҳаёт деб аталмиш кўп йиллик тажрибалар, сабр-тоқат, бетиним изланиш, машаққатли меҳнат натижасида эришилади.

Касбий тайёргарлик жараёнини ўзига хос тизим деб қараш, уни ташкил этувчи компонентлари орасида функционал алоқадорлик мавжудлигини эътироф этишға имкон беради. Касбий педагогика мазмуни амалий характерға эга бўлиб, бунда нисбатан кўпроқ касбий хатти-ҳаракат усуллари

ва шахсий фазилатларни шакллантириш кўзда тутилади, шу боис шакллантирилиши кўзда тутилган билимлар етакчи вазифага бўйсундирилади.

Хулоса қилиб айтганда, касбий педагогика касбий тайёргарликнинг асоси ҳисобланиб, тизимли-интегратив ёндашув ҳамда унга мос ўқитиш, ўрганиш методикасини талаб этади. Бу жараёнда ўзлаштирилган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлар амалиётда қўлланилиб сайқалланади ва касбий маданият даражасигача такомиллаштирилиши кўзда тутилади.

## **1.2. Касб-ҳунар педагогикасининг қонуниятлари ва принциплари.**

Жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин излаётган мустақил республикамизнинг йигирма йиллик тараққиётида асрлар давомида қўлга киритилиши мумкин бўлган улкан ютуқларга эришилди. Бу республикамиз узлуксиз таълим тизимида мавжуд бўлган 9979 та умумтаълим мактаблари, 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар ва 69 та олий таълим муассасалари ҳамда 6 та турли хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими энг мураккаб бўғин сифатида эътироф этилган. Чунки бу бўғин биринчидан янги, иккинчидан ўзига хос жиҳатларга эга. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг ўзига хослиги аввало унинг дидактик, гносеологик, психологик, кибернетик, социологик, ташкилий, иқтисодий, ишлаб чиқариш қонуниятларига асосланишида ўз ифодасини топади. Маълумки, “Қонуният” – объектив, муҳим, зарур, умумий, барқарор ва маълум шароитларда такрорланувчан ўзаро алоқадорликда ўз ифодасини топади ҳамда принциплар орқали амалга жорий этилади.

Қатъий қайд этилган қонуниятлар қонунлар ҳисобланади. Қонуниятлар қуйидаги ҳолатларда илмий қонунлар сифатида эътироф этилиши мумкин: ўрнатилаётган объектларнинг алоқадорликлари аниқ белгиланса; бу алоқадорликнинг кўриниши, шакли ва характери тадқиқ этилган бўлса; алоқадорликнинг таъсир доираси ўрнатилса қонуният ва қонунлар илмий назариянинг бош компоненти ҳисобланади.

Рус педагог олими И.П. Подласый фикрича таълим-тарбия назарияси тузилмаси қонуниятлар, қонунлар, аксиомалар, принциплар ва қоидалар, амалиёт билан назариянинг боғлиқлигидан иборат. Қонуниятлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи барча таркибий қисм (компонент) ларига тегишли бўлади

Таълим мақсадига тегишли қонуниятлар қуйидагиларга боғлиқ: а) жамиятнинг ривожланиш даражаси ва типига; б) жамият талаблари ва имкониятларига; в) педагогика фани ва амалиётининг ривожланиш даражаси ва имкониятларига.

**Дидактик қонуниятлар:** таълим натижаларининг таълим давомийлигига; ўрганилаётган материал миқдори ёки талаб этиладиган хатти-ҳаракатлар ҳажмига; ўқув материалининг қийинлик ва мураккаблик даражасига; тахсил олувчилар томонидан таълим-тарбия ишининг мақсадини англашганига;

ўзлаштирилаётган мазмунни таҳсил олувчилар учун муҳимлигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига; қўлланилаётган таълим шакллари, методлари, воситаларининг уйғунлигига; яратилган шарт-шароитларга; ўқув материални асосий ва иккинчи даражали қисмларга ажратилганлиги ва уларга диққат-эътиборнинг жалб этилганлигига; ўқитувчининг касбий маҳоратига; эшитиб, кўриб ёки амалий бажариб ўзлаштирилишига боғлиқ.

**Гносеологик қонуниятлар:** таълим натижаси таҳсил олувчиларда ўқиб-ўрганиш малакаларининг мавжудлигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти ҳажмига ва уларни амалда жорий этилишига; ўзлаштирилган ўзаро алоқадор билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлари ҳажмига; таҳсил олувчилар томонидан уй вазифаларини мунтазам равишда бажарилиб борилишига; таълимнинг муаммолилиқ даражасига боғлиқ.

**Психологик қонуниятлар:** таълим маҳсулдорлиги таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш қизиқишларига; уларнинг имкониятларига; машқлар миқдори ва жадаллигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига; таҳсил олувчиларнинг диққатини даражаси ва турғунлигига; аниқ ўқув материални ўзлаштириш натижалари таҳсил олувчиларнинг индивидуал мойиллиги, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш қобилиятига; таҳсил олувчилар тафаккурининг ривожланганлик даражаси, кучи, жадаллиги ва ўзига хос хусусиятларига; таҳсил олувчилар хотираларининг ривожланганлик даражасига; таҳсил олувчиларнинг ишчанлик қобилиятларига; ўрганилаётган материални хотирада мустаҳкам сақланиши бу материални қайта ишлаб чиқилганлик усулига; кўникма ва малакалар шаклланганлик даражасига боғлиқ.

**Кибернетик қонуниятлар:** таълим самарадорлиги бу жараён иштирокчилари орасида ўзаро тесқари алоқалар частотаси ва ҳажмига; назорат самарадорлигига; ўқув жараёнини бошқариш сифатига; бошқариладиган ахборот миқдори ва сифатига; таҳсил олувчиларнинг соғлиги ва имкониятларига; бошқарув таъсирига боғлиқ.

**Социологик қонуниятлар:** Таҳсил олувчи шахсининг ривожланиши жамият аъзоларининг ривожланганлик даражасига; ўзаро мулоқот ва муносабатлар ҳажми ҳамда жадаллигига; таҳсил олувчилар орасида мусобақа муҳитини яратилганлигига боғлиқ.

**Ташкилий қонуниятлар:** таълим самарадорлиги унинг ташкил этилишига, яъни таҳсил олувчиларнинг ўқиб-ўрганиш эҳтиёжини қондириш, билишга қизиқиш уйғотиш, билиш фаоллигини стимуллаштирилишига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларига; ўз бурчларига бўлган муносабатларига; иш қобилиятларига; ақлий зўриқиш туфайли сезиш органларининг тормозланишига; ақлий иш қобилияти таҳсил олувчиларнинг соғлиги, ақлий фаолият режими, жинси, ёши, йил, фасл, ой, кун, кеча ва кундуз вақтига; педагогик меҳнатнинг ташкил этилиш даражасига боғлиқ.

**Иқтисодий қонуниятлар:** таълим самарадорлиги вақт ва хом-ашёларни сарфига, эҳтиёжларни тез ўсиб боришига, такрор ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш хусусиятларининг ишлаб чиқарувчи кучлар

хусусияти ва ривожланиш даражасига мослигига, талаб ва таклифга, қийматга, қўшимча қиймат кабиларга боғлиқ.

**Ишлаб чиқариш қонуниятлари:** ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари тавсифига мослиги; мулкчилик муносабатлари; меҳнат характеридаги ўзгаришлар; талаб ва эҳтиёжнинг ишлаб чиқариш даражасидан юқорилиги; меҳнатга яраша тақсимот; ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқаришга нисбатан ўсиши; моддий неъматлар яратувчилар ўзларининг онги, хулқ-атвори ва ҳис-туйғуларини уйғун ҳолда қайта шакллантирилиши; йирик машинасозлик саноатининг узлуксиз ривожланиб бориши; ишлаб чиқариш жараёнларини табақалаштириш ва интеграциялаштирилиши; ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштирилиши; ишлаб чиқаришни мажмуавий механизациялаш, автоматлаштириш ва роботлаштирилиши; ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви; хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш; саноат соҳаси билан машғул мутахассислар сонини қисқариши; маиший хизмат кўрсатиш даражасининг ортиб бориши; меҳнатни ташкил этишни демократлаштириш, ўзи-ўзини бошқариш ва шу кабилар.

Бу қонуниятларга асосланилса таълимда, шунингдек, касб-хунар тайёргарлик жараёнида юқори натижаларга эришилади, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келади. Таълим назарияси (дидактика) энг аввало таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компонентлари орасида муҳим ва зарур алоқадорликларни ёритувчи объектив қонунларни очишга имкон беради. Бу қонунлар ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнларини объектив ривожланишини тушуниш имкониятини беради. Лекин улар амалий фаолият учун бевосита кўрсатма бўлмасдан, балки унинг технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун назарий асос ҳисобланади. Таълимни амалга жорий этиш бўйича кўрсатмалар уларни амалга ошириш принциплари ва қоидаларида нисбатан мукамалроқ ўз ифодасини топади.

Касб-хунар таълими дидактикасининг асосий масалаларидан бири – таълим принципларидир. Юқорида зикр этилган қонуниятлардан маълум қоидалар келиб чиқади. Биз ўз ишимизда таълим қоидалари, тамойиллари ва принципларини синоним сифатида эътироф этиб, халқаро кўламда принцип деб юритилганлиги боис ушбу иборадан фойдаланамиз. Таълим принциплари – бу педагогик жараённинг барча ташкил этувчи компонентларига тегишли асосий қоидалар тизимидир. Бу қоидалар тизимини билмаслик ёки уларга асосланишда нўноқликка йўл қўйиш бутун яхлит касбий таълим-тарбия ишига тўсқинлик қилади. Таълим принциплари тизимини биринчи бўлиб чех педагоги Я.А. Коменский илмий асосда ишлаб чиқди. У бу принципларни, ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди.

**Дидактик принциплар** – бу таълимнинг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларини белгиловчи асосий қоидалардир. Бошқача айтганда, таълим принципларида таълим-тарбиянинг меъёрий асослари ўз ифодасини топади.

Дидактик категория сифатида принциплар кўзланган мақсадга мос ҳолда қонун ва қонуниятлардан фойдаланиш усулларини тавсифлайди.

Қоида ўқитувчига аниқ у ёки бу вазиятда қандай хатти-ҳаракат, маълум талабларга амал қилиш зарурлигини кўрсатади. Педагог олимлар томонидан кўп сонли дидактик ва касб таълимнинг хусусий принциплари эътироф этилган. Принциплар тарихийлик хусусиятига эга бўлиб, янгилари шакллантирилади ва эскилари эса такомиллаштирилиб борилади.

Педагогик жараён амал қилиши зарур бўлган қоидалар, яъни принципларнинг моҳиятини билиш ушбу жараён ҳақида аниқ билимга, тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Биз ўз касбий педагогик фаолиятимизда: педагогик жараённинг тизимлилик; асосланганлик; инсонпарварлаштириш; узлуксизлик; назариянинг амалиёт (ҳаёт) билан боғлиқлик; илмийлик; тушунарлилик; кўرғазмалилик; онглилик ва фаоллик; пухталилик; тарихийлик; таҳсил оловчиларни индивидуаллаштириш ва табақалаштириш; мобиллик; модуллилик; қулай муҳит ҳосил қилиш; политехник; таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш; ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш; иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик; предметлараро алоқадорлик; мақбуллик; таълим–тарбия жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув; ижтимоий-иқтисодий таъминот; мунтазамлилик; таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги; ўқитишдан мустақил равишда ўқиб-ўрганишга ўтиш, редукциялаш каби принципларга амал қиламиз. (чизма)

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида педагогик кадрларни тайёрлашни ҳозирги замон ва истиқбол талабларига мослаштириш, фаол таълим омиллари, касбий таълимнинг хусусий принципларидан кенг кўламда фойдаланиш назарда тутилган. Шу боис, биз қуйида уларнинг баъзи бирлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Таълим мазмунининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги принципи** асосида диалектик миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши ётади. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга тезкорлик билан жорий этилиши касбий таълим мазмунини белгиловчи ўқув-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши зарур. Бу ўзгаришларда таълим мазмунининг нисбатан паст даражаси юқори даражасига диалектик тарзда ўзгаради. Ҳозирги замон ва истиқбол талабларига жавоб берадиган кичик мутахассис кадрлар тайёрлашда нисбатан барқарор, асосий ядро ҳисобланган, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуасини илмий асосда шакллантирмасдан тайёрлаш мумкин эмас. Шунингдек, замондан орқада қолиб кетмаслик учун фан-техника ва технологиялардаги ўзгаришларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳам зарур.

Ўқув-дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фан-техника тараққиёти билан бевосита боғлиқ илмий, техник, технологик ва ташкилий-бошқарувга оид билим, кўникма, малака қўллаш муддати қисқариб боришини ҳисобга олиб бориш керак.

Ҳозирги пайтда фан ва техника соҳасидаги янгиликларни амалга жорий этиш муддати 4-6 йилни ташкил этиб, келгусида бу муддат янада камайиб боради. Шунга кўра ўқув-дастурий ҳужжатларда нисбатан узоқ вақт давомида барқарор, ўзгармайдиган компонентлар ўз ифодасини топиши зарур.

Таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги диалектик бирлик ҳамда ўзаро алоқадорликни ўзида намоён этади. Ўқув-дастурий материалда барқарорлик унинг мазмунидаги ядро ҳисобланган муҳимини ажратиб олишни кўзда тутати. Бу асосий қоидалар ўз навбатида меҳнат ва ишлаб чиқариш табиатини ёритиб беради.

Мунтазам равишда янги тушунчалар, далиллар, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни йиғилиши бевосита сифат ўзгаришга олиб келиб, янги назариялар яратилишига сабаб бўлади. Бу ҳолат ўқув-дастурий ҳужжатларнинг такомиллаштирилишини талаб этади.

Ўзгарувчанлик аввал айтиб ўтилгандек, янги техника, технология, ташкил этиш ва бошқариш моҳиятини ёритади, янги энергия манбалари, хом-ашё материаллари ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш, алоҳида фан ютуқлари билан таҳсил олувчиларни таништириш, янгилик яратувчи, ихтирочилар тажрибаларини ўзлаштиришга имкон беради. Таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги ўқув-дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишда дастак ҳисобланиб, мазмуннинг ғоявий йўналганлиги, илмийлиги, тушунарлилиги, мунтазамлиги, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги, политехнизм каби касбий таълим принциплари билан чамбарчас боғлиқ.

Ўқув-дастурий ҳужжатларда барқарорлик ва динамик ўзгарувчанлик принципи ҳисобга олиниши қуйидаги талабларни бажаришга асосланади:

1. Ўқув-дастурий ҳужжатларда барқарорликни тавсифловчи, доимий (ўзгармас) ядрони аниқлаш.

2. Ўзгарувчан, уларни ўқув-дастурий ҳужжат мазмунига янги, истиқболли, асосланган ва батафсил текширилган, шу билан бирга тез ўзгарадиган қисмларни мунтазам равишда аниқлаш тузатиш киритиш.

Маълумки, касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия жараёни қуйидаги уч тайёргарлик босқичдан иборат бўлади: асосий барқарор, махсус (динамик-ўзгарувчан) ва қўшимча. Бу босқичлар уларга мос ўқув материалларини жойлаштиришни аниқлайди, яъни назарий ва амалий таълим мазмунида у ёки бу даражада асосий ва махсус қисмларда ўз ифодасини топади. Бунда энг муҳими диққат-эътиборни алоҳида ўқув предметлари доирасидаги ўқув материалларини танлаб олишга қаратилиши зарур.

Асосий тайёргарлик: умумтаълим, умумкасбий, политехник билим, кўникма ва малакалардан иборат бўлиб, фан тарихи, илғор тажрибалар ва ишлаб чиқариш новаторларининг фаолиятларини ёритувчи маълумотларни ўзида ифодалайди. Бундан ташқари асосий тайёргарликка техник, технологик ва иқтисодий билимлар ҳам қиради.

Махсус тайёргарлик – махсус билимлар билан бирга тахсил олувчиларни унумли ишлаб чиқаришга оид кўникма ва малакаларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни кўзда туттади.

Мутахассис меҳнатининг мазмуни ва характериға боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига турли касб ва ихтисослик кесимида асосий ва махсус тайёргарлик нисбати турлича бўлади.

Алоҳида ўқув предметларининг мазмуни у тегишли бўлган фан мантиғи, технологик жараёндаги операцияларнинг кетма-кетлигига биноан билиш назарияси талабларини ҳисобға олган ҳолда шакллантирилади.

Алоҳида мавзулар мазмунида ўқув предмети техника, технология, уни ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқаришнинг янги ютуқлари кабилар ўз ифодасини топиши керак, бундан ташқари барча ўқув дастурларида техник курилмаларнинг тузилиши, технологик жараёнларнинг кечиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш кабилар ҳам киритилади.

Бу илғор анъана янгича таълим шакллари метод ва воситаларини қўллаш имконини беради.

касбий тайёргарлик жараёнида умумэътироф этилган дидактик принциплар билан бир қаторда касбий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобға олувчи принципларға ҳам асосланиш зарур. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик бевосита фан-техника тараққиёти ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари даражаси билан боғлиқ бўлиб, касбий таълим мазмунини такомиллаштиришда уни инобатға олиш муҳим аҳамият касб этади.

**Редукциялаш принципи** - фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётға кенг қўлам ва тезкорликда жорий этилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларнинг шиддатли оқими шароитида ўқув материални имкони борича қисқартириш, яъни энг муҳим тизим ҳосил қилувчи қисмини ажратиб олишни кўзда туттади. Бу қисқартириш Давлат таълим стандарти орқали белгиланган мазмуннинг етарли ва зарур даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги керак.

**Редукциялаш** ибораси техника ва технологияларда қўлланиладиган, лотинча-инглизчадан олинган, “редуктор” тушунчасига ўзакдош бўлиб, “ахборот ҳажмини ўзгартириш” маъносида қўлланилади. Бунда таълим мазмунининг стандарт даражасида сақланиши асосий шарт ҳисобланади.

Зеро, янги техникаларни бошқариш, илғор ишлаб чиқариш технологияларини амалға оширишға лаёқатли мутахассис кадрлар тайёрлашға эришилса, ижтимоий ҳаётда эзгу ниятлар қарор топади.

Маълумки, Республикамизда узлуксиз таълим жараёни ўзининг мазмуни билан баркамол шахсни шакллантиришни кўзда туттади. Таълим мазмуни ижтимоий ҳодиса сифатида вужудға келиб, ўзининг дастлабки даврларида амалий аҳамият касб этган, яъни инсонларнинг ҳаётий эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган тажрибаларға бўлган талабини қондирган.

Таълим мазмуни тарихий характерға эга бўлиб, жамиятнинг маълум ривожланиш босқичида таълим мазмуни муайян аниқ мақсад ва вазифаларға

қаратилган бўлади. Таълим мазмуни давр талаби, фан ва ишлаб чиқариш тараққиёти, жамиятнинг маданияти даражасига мос равишда ўзгариб боради.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмигача фан, техника ва ишлаб чиқариш технологиялари ривож ҳозиргига нисбатан паст суръатларда, яъни эволюцион амалга оширилар эди. Шунинг учун ҳам кетма-кет келувчи авлодларнинг ривожланиш даражаси деярли бир-биридан катта фарқ қилмас эди. Илмий техника тараққиётининг ҳозирги, кескин юксалиш даврида эса замон билан ҳамнафас мутахассислар олдингидан кўра анча тез ишлаб чиқариш жараёнига мослашадиган бўлиши зарурлиги боис, анъанавий таълим тизими давр талабларига жавоб бермай қолмоқда.

Шунинг учун ҳам Республикамизда 1930 йил бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йилда саккиз йиллик, 1970 йилда ўрта умумий мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб ўн бир йиллик, 1997 йилдан эса ўн икки йиллик умумий ва ўрта махсус таълимига ўтиш “Таълим тўғрисида”ги қонун билан белгилаб қўйилган. Республикамизда касб-хунарга тайёргарлик жараёни янги турдаги таълим муассасаларида амалга оширилади. Улар ўз навбатида жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибининг танланганлиги, ўқув-тарбиявий жараённинг замонавий техника ва технологиялар асосида ташкил этилиши билан бошқа таълим турларидан фарқланади.

Ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида **1537** та таълим муассасаси мавжуд бўлиб, бундан: **142** таси академик лицей ва **1395** таси касб-хунар коллежлари. Уларда жами **115836** нафар педагог ва мухандис-педагоглар фаолият кўрсатмоқда, шундан **104958** нафари (90,6 % олий маълумотли 9,4 % ўрта махсус маълумотли. Улардан 4,3 % бош ўқитувчи; 6,1 % етакчи ўқитувчи; 11,5 % катта ўқитувчи; 78,1 % олий маълумотли малака тоифасидаги ўқитувчилар. Амалдаги педагог кадрларнинг 55750 нафарини (48,1%) аёллар ташкил этади. Бу таркибдан ўн мингдан ортиғи тиббиёт, маданият, санъат, темир йўл транспорти, алоқа, хизматлар каби иқтисодийнинг турли йўналишларининг вакиллари бўлиб, таянч педагогик маълумотга эга эмаслар. Шу боис ҳам улар педагогик қонуниятлар ва қоида (принцип)ларга тўлиқ амал қилишда маълум қийинчиликларга дуч келдилар. Айниқса, таълим мазмунини редукциялашда улар махсус педагогик ёрдамга эҳтиёж сезадилар. Бунинг учун ўқитувчи ўзи ўқитадиган ўқув предметларининг ўзига хос жиҳатларини мукамал билиши талаб этилади.

Таълим стандартлари (Давлат таълим стандартлари, Тармоқ таълим стандартлари), ўқув режалар ва дастурларини таҳлил қилиш асосида ўқитувчи нима учун, нимани, қандай ҳажмда ва қандай кетма-кетликда, нималардан фойдаланган ҳолда ўргатиш кераклигини аниқлаб олади. Ўқитувчи қўйилган аниқ мақсадга кўра таълим мазмунини дидактик, психологик, мантикий, методик каби жиҳатлардан таҳлил қилиб, зарур бўлган ташкилий шакл, амалга ошириш метод ва воситаларни танлайди; шарт-шароит, таҳсил олувчилар ва шахсан ўзининг тайёргарлик даражаси, мавжуд имкониятларга кўра мақбул таълим-тарбия муҳитини яратади.



Ихтисослик ўқув предметлари мазмунида техника, технология, ишлатиладиган хом-ашё материаллари, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда унинг иқтисодиёти кабилар ўз ифодасини топади. Шу боис ҳам ихтисослик ўқув предметларини аниқ ишлаб чиқариш вазиятларини имитация қилувчи ўйинлардан фойдаланиб ўрганиш юқори самарадорликка эришиш имконини беради.

Ихтисослик ўқув предметлари мазмунида илмий муаммолар ва уларни амалий ечимини топиш вазифалари бевосита намоён бўлади. Бу ҳолат муаммоли таълим элементларини киритилишини осонлаштиради.

Фан-техника тараққиёти – умуман таълим, шу жумладан касб-хунар таълимини ривожлантиришни таъминловчи муҳим омил. Ўз навбатида касб-хунар таълими ҳам фан-техника тараққиётига ўз таъсирини кўрсатиши табиий ҳол. Бу ерда ўзаро муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Таълим-тарбиянинг жараёний (процессуал) характери унда иштирок этувчиларнинг фаоллигини талаб этади. Анъанавий таълим тизимида айнан мана шу муаммога етарли даражада аҳамият берилмаганлиги туфайли таълим-тарбия жараёнида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштириш замон ва истикбол талаби даражасига кўтарилган.

Ҳар қандай ишда бўлганидек ихтисослик фанларини ўрганишда ҳам ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолияти ўз-ўзидан фаоллашмайди, у энг аввало онгли муносабат натижасида юзага келади.

**Политехник принцип**- бўлажак кичик мутахассисларда замонавий техника ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳақидаги умумий, мослашувчан, тизимли билим ҳосил қилишни кўзда тутади.

Бу принцип ҳозирги замон ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари тўғрисида умумий маълумот бериш, ишлаб чиқаришда энг кўп учрайдиган технологик жараёнларни билишни, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлаш тартибидаги умумийликни билиш, хилма-хил меҳнат малакаларига эга бўлишни, меҳнатга алоқадор масалаларни ижодий ҳал қила олиш ва рационализаторлик ишларини олиб боришни, ўзлаштирилган билимларни моҳирлик билан амалга татбиқ эта олишни кўзда тутади.

### **Назорат саволлари**

1. Касб-хунар таълими педагогикасининг мақсади, вазифалари ва долзарб масалаларини айтиб беринг.

2. Касб-хунар педагогикасининг қонуниятлари ва принципларини санаб беринг.

3. Редукциялаш принципини изоҳлаб беринг

4. Таълим мазмунининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги принципи изоҳлаб беринг.

5. Дидактик принциплар изоҳлаб беринг.

6. Ишлаб чиқариш қонуниятлари изоҳлаб беринг.

7. Иқтисодий қонуниятлар изоҳлаб беринг.

8. Ташкилий қонуниятлар изоҳлаб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.

3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

## **2-Маъруза. Касбий педагогиканинг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари**

### **Режа:**

2.1. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг касб-хунар таълими ва тарбиясига таъсири.

2.2. Касбий таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабати.

**Таянч иборалар:** Инженерлик педагогикаси, ҳамкорлик педагогикаси, фанларни ўқитиш методикаси, даволаниш педагогикаси, ижтимоий педагогика, касбий таълим педагогикаси, ҳарбий педагогика, махсус педагогика, педагогика тарихи, мактабгача тарбия педагогикаси, умумий педагогика, касбий таълим.

### **2.1. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг касб-хунар таълими ва тарбиясига таъсири.**

Республикаимиз касб-хунар таълимида миқдор кўрсаткичлари ва ташкилий шаклларидаги ўзгаришлар динамикасининг таҳлили бизга шартли равишда табиатига кўра касб-хунар таълими тизимининг фарқланувчи қуйидаги ривожланиш босқичларини ажратиб кўрсатиш имконини берди.

1. 1924-1940 –йилларда таълим тизими сифатида ватанимиз касб-хунар таълимининг таркиб топиши ва ривожланиши барқарор бўлмаган даври;

2. 1941-1959 йилларда сафарбарлик даври.

3. 1960-1980 йиллар эволюцион ривожланиш даври;

4. 1981-1986-йиллар – сакрашсимон ўзгаришлар инқирозолди даври;

5. 1987-1990-йиллар – ривожланишдаги сифат ўзгаришлар (инқироз) даври;

6. 1991-1996-йиллар инқироздан аста-секин чиқиш ва барқарорлик (мослашиш) даври;

7. 1997-2002-йиллар – кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалга жорий этишнинг биринчи босқичи (янгитдан ривожланиш) даври;

8. 2003 йилдан ҳозирги давргача бўлган даври.

Зикр этилган босқичларга ажратиш мезони сифатида касб-хунар таълими тизимининг қуйидаги кўрсаткичларига асосландик: ўқув муассасалари миқдори ва ҳар йилги битирувчиларининг сони; шунингдек, янги ўқув юртларига айланиши ва уларнинг турли даражаларга бўлиниши. Тарихий манбаларни ўрганиш бизга ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб республикада касб-хунарга ўқитиш бўйича махсус курс ва мактаблар ташкил этила бошланганлигидан дарак бериб, улар тугалланган билимлар беришни эмас, балки маълум иш ўринларида ишлаш учунгина зарур бўлган тор доирадаги билим, куникма ва малакаларни беришни мақсад қилиб қўйган эди.

Дастлаб барча йирик корхоналар қошида фабрика-завод ўқувчилари (ФЗУ) курслари ва саноат-техника ўқув юртлари ташкил этила бошлади, уларда махсус ўқув предметлари билан бир қаторда умумтаълим ўқув предметлари ўқитилган. Ўша даврда корхоналарнинг техник жиҳозланиши паст даражада бўлганлиги боис ўқув юртларининг ҳам жиҳозлари уларга мос маълум маънода чегараланган даражада эди. Республикамизда катта саноат корхоналари мавжуд бўлмаганлиги сабабли XX асрнинг 30- йилларигача техникумлар, завод фабрика ўқув курслари, хунар техника мактаблари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ва турлича хунар- техника билим юртлари мунтазам кўпая борди. Лекин касб -хунар таълимига ажратилган давлат бюджетининг миқдори яхлит ҳолда етарли даражада бўлмаганлиги сабабли ўқувчиларни овқатлантириш ва кийим-кечак билан таъминлаш даражаси паст эди. Шунингдек, ётоқхона масаласи ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб, касб-хунар таълими ходимларига жуда кам иш ҳақи тўланар эди. Шу боис 1930-йиллардан бошлаб бундай ўқув юртлари тармоғи камая бошлади. 1938 йилга келиб 1932-1933 - ўқув йилига нисбатан ўқув юртлари ва уларда ўқийдиган ўқувчилар сони 3 баробар камайган.

1930-йилларнинг охири 40-йилларнинг бошларида республикада саноат корхоналари ташкил этила бошлади. Тарихий манбалар таҳлили 1940- йилда Ўзбекистонда, 1445 та йирик саноат корхоналари мавжуд бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Бу саноат корхоналарида замонавий техника ва илғор технологияларнинг амалга жорий этилиши оммавий равишда техник жиҳатдан саводхон ишчи кадрлар тайёрлаш заруратини кун тартибига қўйди. Ана шундай малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси 1940-йилда ташкил этилган давлат меҳнат захиралари тизимига юклатилди. Давлат меҳнат захиралари тизимида асосан қуйидаги уч турдаги: хунармандчилик ўқув юртлари, темир йўл ўқув юртлари ва фабрика- завод ўқувчилар мактабларини ўзига қамраб олди . Шундай қилиб, яна ишчи мутахассис кадрлар тайёрлашга диққат эътибор кучайтирилди. Лекин 1941-йилда бошланган иккинчи жаҳон уруши касб-хунар таълими тизимига ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Мамлакатдаги уруш ҳолати барча ишчиларни фронтга сафарбар этиш билан бир вақтда саноатни тўлиқ ҳарбий қурол - аслаҳа ишлаб чиқаришга ўтказишни талаб этди. Шу боис нисбатан қисқа вақтда ёшлардан ишчи мутахассислар тайёрлашга талаб ортди. Шунинг учун янги ўқув юртлари ташкил этиш билан бир қаторда, вақтинчали фабрика- завод ўқувчилар мактаблари ташкил этилди. Мамлакатнинг ғарбидан эвакуация қилинган ўқув юртлари қисқа муддатларда қайта тикланиб ишга туширилди. Натижада фақат уруш йилларининг ўзида республикамиз меҳнат захиралари тизимида 70 мингга яқин малакали ишчилар тайёрланиб, улардан 30 минги шу ерларда қолдирилиб, қолганлари мамлакатнинг бошқа районларига жўнатилди. Урушдан сўнгги йилларда халқ хўжалигини тиклаш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқишга киришилди. Демак, бу даврда механизациялашган ишлаб чиқариш шароитида меҳнат қилувчи мураккаб касблар соҳиби бўлган малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати келиб чиқди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги амалдаги Қонунининг 13-моддасида “Ўрта махсус, касб-хунар таълими олиш мақсадида ҳар ким умумий ўрта таълим асосида академик лицей ёки касб-хунар коллежларида ўқишнинг йўналишини ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эга.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари эгаллаган касб-хунар бўйича ишлаш ҳуқуқини берадиган ҳамда бундай иш ёки таълимнинг навбатдаги босқичида давом эттириш учун асос бўладиган ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришни, уларни табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир.

Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг касб-хунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус касб-хунар ўқув юртидир” – деб кўрсатилган.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар, юқорида зикр этилганидек, таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгаллаган ихтисослик ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб-хунар таълими тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири – касб-хунар коллежларининг ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий алоқада бўлишидир. Касб-хунар коллежлари учун база бўлган корхоналар ўқувчилар учун керакли жиҳозлар, асбоб-ускуналар ажратади, корхона цехларида ишлаб чиқариш амалиётини ўтиш учун имконият яратади.

Шундай қилиб, юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазаларга асосланиб, касб-хунар педагогикасининг вазифаси ёшлар томонидан касб-хунар сир-синоатларини эгаллаш қонуниятларини ўрганиш ҳамда педагогик амалиётга қўйилган мақсадларга мақбул эришиш омилларини кўрсатишдан иборатдир, деб хулоса чиқариш мумкин.

## **2.2. Касбий таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилиши, асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабати.**

Педагогика касбий таълим фанининг тармоқлари: мактабгача тарбия педагогикаси, умумий педагогика, педагогика тарихи, махсус педагогика, ҳарбий педагогика, касбий таълим педагогикаси, ижтимоий педагогика, ахлоқ тузатиш, даволаш педагогикаси, солиштирма қиёсий педагогика, фанларни ўқитиш методикаси, ҳамкорлик педагогикаси, маданий-оқартув педагогикаси – маъавий-маърифий ишлар, инженерлик педагогикаси, олий таълим педагогикаси, бошқарув педагогикаси, янги педагогик таълим.

Педагогика амалиётнинг истикболларини башорат қилиш ва амалиётга жорий этиш учун педагогика фани тизимидаги фанларнинг ўқитилиши ҳолатини чуқур таҳлил қилиш зарур. Қуйида педагогика тармоқларининг айрим хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни зарур деб ҳисобладик. Булар педагогикага оид китобларда атрофлича берилган. Биз эса ўқитувчига эслатиш мақсадида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

**Умумий педагогика** – мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳақида баҳс юритадиган фан.

Миллий таълим-тарбияни ақс эттирувчи, давр талабларини ўзида сингдирган педагогика фанлари (назарияси) бўйича ўқув дарсликлари, хрестоматик адабиётлар яратиш зарур. Ҳозирги кунда Республикада 100 га яқин педагогика фанлари докторлари, професорлар фаолият кўрсатмоқдалар, ана шуларнинг кучига таянган ҳолда, умумий педагогика муаммоларини таҳлил қилиб, энг муҳимларини ечиш зарур.

**Мактабгача тарбия педагогикаси** - мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шуғулланувчи фан.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг тушунча, тафаккур, дунёқарашларини шакллантирувчи, уларни фикрлашга ўргатувчи, дасрликларни, қўлланмаларни яратиш, амалиётга тадбиқ этиш муҳим педагогик вазифадир? Бунинг учун болаларнинг хусусияти (ёш хусусияти, билим даражаси, қизиқиши ижтимоий муҳити)ни яхши англаш зарур.

Мактабгача ёшдаги болаларни икки гуруҳга бўлинади.

Ясли даври: 1-3 ёш; мактабгача давр: 3-7 ёш.

Боланинг ўсиши: ҳар йили бўйи 6 смга, оғирлиги эса Рқ 1-2кгга ўсади. Аммо бу ўсиш оилавий шароит, муҳитга боғлиқлигини унутмаслик зарур.

В.А.Сухомлинский ёзади: «Одам икки марта туғилади»: биринчи марта тирик жон, иккинчи марта фуқаро ва фаол фикр юритувчи, ҳаракат қилувчи, мустақил шахс дунёга келади.

Инсонни ақлий қобилияти умумий ривожланишининг тенг ярми дастлабки 3-4 ёшида, 30 фоизи 4-8 ёшлик даврида, қолган 20 фоизи эса 8-17 ёшларида рўй беради.

К.Д.Ушинский фикрича, 6 ёшли боланинг бир ой давомидаги жисмоний ва ақлий камолоти 10 яшар боланинг бир йиллик ўсишидан устун туради.

5 ёшдаги болада пайдо бўлган бирон бир ҳиссиётни у кўпинча умрбод эсидан чиқармайди. 7 ёшдаги одат 70 ёшида ҳам сақланади.

Болада билимга қизиқиш 1,5-2 ёшдан бошланади.

Олти ёшли болаларни мактабга жалб қилиш мумкинми?

Бола 6 ёшга тўлмаган бўлса, яъни 3-4 ой етмаса, бу ҳолат болани ижобий ўқишига салбий таъсир этади; 6-7 ёшли бола ҳар куни, ҳар соатда ўсади. Бу давр учун бир ҳафта ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бундан кейин боланинг ёши бир текис ривожланади. Масалан: 10,11,13 ва 14 ёшли; 15-16 ёшли ўсмирларга умумий психологик характеристика бериш мумкин, 6-7 ёшли болаларга бундай қилиб бўлмайди.

- 6 ёшли болани 7 ёшли боладан фарқи нимада?

- 6 ёшли болани ўқувчи деб ҳисобласа бўладими?

Бола 6 ёшдан мактабга боргани маъқулми ёки 7 ёшдан?

Тарбиянинг вазифаси ёшларни ўз-ўзича фикрлашга ўргатишдан иборат бўлмоғи даркор, - дебъ маслаҳат берган И.П.Павлов.

Болаларнинг ривожланиши: болаларни ривожланиши ҳар хил бўлади. Оддий ривожланиш (нормал), тез ривожланиш; секин ривожланиш.

**Педагогика тарихи** – ўтмиш аجدодларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашларини ўрганувчи фан.

Ўтмишда таълим-тарбия қандай бўлганлиги, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларнинг ўзгариши туфайли педагогик ғоялар, тарбия ишларининг мазмуни, усулларининг янгиланиб борганлигини, ўтмишда ижод этган олимлар: Абу Наср Фаробий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Умар Ҳайём, Аз-Замаҳшарий ва бошқа олимларнинг педагогик қарашлари, фаолиятлари натижасидан билим олиш мумкин.

Бугунги кун талаби асосида Авесто, Қуръони Карим, Ходисларда акс этган педагогик ғояларни илмий-методик жиҳатдан очиб берилмоғи зарур.

Эскини ўзлаштирган ва янгини тушунишга қодир инсонгина тарбиячи бўлаолади (Конфуций)

Таълим-тарбия, педагогика фани тарихини билмасдан ўқитувчилик қилиш мумкин эмас.

Педагогика фани тарихини яратиш замон талаби.

**Махсус педагогика** – педагогика фақат соғлом ўқувчиларнинг таълим-тарбияси билан эмас, балки ногирон болалар (қар, кўр, ақли заиф) таълим-тарбиясини ҳам ўрганади. Бундай педагогикани махсус педагогика деб аталади:

Олигофрено педагогикаси – ақлий жиҳатдан орқада қолган болаларга таълим-тарбия беради.

Тифло педагогика – кўр болаларни тарбиялайдиган фан.

Сурдо педагогика – қар ва соқов болаларни тарбиялайдиган фан.

Ногирон болаларга таълим-тарбия бериш ўзига хос хусусиятга эга. Бу соҳада махсус тадқиқот ишларини олиб борилаётганлигини инкор этмаган ҳолда давр талабларига жавоб бера оладиган дарслик, қўлланмалар яратилишини янада такомиллаштириш зарур.

Ногирон болалар нимани билиши, нимани уддасидан чиқиши кераклигини касбий нуқтайи назардан аниқлаш лозим.

Бу борада чет эл тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмасмикан. Нима сабабдан чет давлатларда ногирон болалар умумий таълим болалари билан бирга ўқишадилар. Бизда эса алоҳида. (Англия, 2000й).

**Ҳарбий педагогика** – армия сардорлари ва аскарларини ватанимизнинг шон-шарафи ва ор номуси учун етук курашчи, замонавий ҳарбий қурол-яроғлардан самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялайдиган фан. Бу соҳани такомиллаштиришда Амир Темур, Мирзо Улуғбек ҳамда умумжаҳондаги илғор ғоялардан унумли фойдаланиш лозим.

**Касбий таълим педагогикаси** – таълим-тарбия оловчиларга аниқ йўналишдаги касбий маълумотларни ўргатувчи фан.

**Ижтимоий педагогика** – болалар ва ўсмирларнинг мактабдан ташқари шароитдаги таълим-тарбиясига оид масалаларни ўрганадиган фан.

Ижтимоий муносабатлар чуқурлашиб бораётган бир шароитда мазкур педагогика асосларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш зарур. Бу эса, болаларни бўш вақтларидан унумли фойдаланишларига имкон яратади.

**Ахлоқ тузатиш – меҳнат педагогикаси** – ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйган, жазони ўташ муассасаларидаги шахсларни қайта тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий асослари тўғрисида маълумот берувчи фан.

Терроризм ва диний экстремизм, худудий айирмачилик, гиёҳвандлик муаммоларининг халқаро майдонда ўсиб бориши уларга қарши курашни талаб этади. Бундай шароитда ахлоқ тузатиш, меҳнат педагогикаси фани ўз вазифасини талаб даражасида адо этиши зарур.

Ахлоқ тузатиш, меҳнат педагогикасининг назарий амалий асосларини батафсил очиб берилишига эришиш учун педагог, психолог, ҳуқуқшунослик олимларининг ҳамкорлиги зарур. Бу борадаги ҳамкорликни яратиш, ҳуқуқни бузган ёки ҳуқуқ бузарликка мойил болалар ва ўсмирлар ўртасида криминоген ҳолатларга қарши иммунитет ҳосил қилишда ахлоқ тузатиш педагогикасининг аҳамияти муҳим. Бундай муаммоларни ҳал этиш умуминсоний аҳамиятга эга.

**Даволаниш педагогикаси** – жисмоний жиҳатдан ногирон болаларни бевосита ижтимоий фаолиятга тайёрлаш асосларини ўргатувчи фан.

Махсус тайёрланган мутахассислар иштирокида фан асосларини, техника ва технологиянинг ривожини нуктаи назаридан яратилишига эришиш мақсадга мувофиқ.

**Солиштирма қиёсий педагогика** – жаҳон мамлакатлари таълим-тарбия тизимлари асосини қиёсий ўрганади.

Ривожланган хорижий давлатлар иш таржибасини ўрганиб амалиётга тадбиқ этиш, таълим тизимининг ривожланишига асос бўлади.

Хорижий давлатлар таълим тизимида оид маълумотларнинг етиб келмаслиги таълим тизимининг ривожланишига салбий таъсир этади. Бу соҳада алоҳида тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ...

**Фанларни ўқитиш методикаси** – ҳар бир фаннинг мазмунини аниқлаб, кетма-кетлигини белгилаб, танланган материалларни ўрганишнинг шакл ва методларини ҳал этади. Масалан, физика, кимё, биология ва ҳ.к.

**Ҳамкорлик педагогикаси** – бола тарбияси мураккаб жараён. У ўқитувчидан масъулият, тинимсиз изланишни талаб қилади. Бироқ шундай омиллар ҳам борки, улар ҳам бевосита бола келажагини белгилаш имкониятига қодир. Бу омиллардан бири оиладаги тарбия бўлса, иккинчиси ташқи муҳит, яъни маҳалла-қуй таъсири.

Бола тарбиясига: мактаб, оила, маҳалладаги муҳит кучли таъсир этади.

Бола тарбиясида ана шу учта омил (муҳит)ни муштарак ҳолда олиб борилиши, боланинг келажакда етук ва комил инсон бўлиб вояга етишишида етакчи аҳамият касб этади.



**Маданий-оқартув педагогикаси** – маънавий-маърифий ишларни бошқариш муаммоларини ўрганади.

**Инженерлик педагогикаси**, олий ўқув юртлари педагогикаси; бошқарув педагогикаси ҳам мавжуд.

### **Назорат саволлари**

1. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг касб-ҳунар таълими ва тарбиясига таъсирини изоҳлаб беринг.

2. Касбий таълим педагогикаси фанининг таркибий тузилишини айтиб беринг.

3. Касбий таълим педагогикаси фанининг асосий тармоқлари, фанлар тизимидаги ўрни ва бошқа фанлар билан муносабатини айтиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.

3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

### **3-Маъруза. Касбий педагогикага оид назарий қарашлар, етакчи ва замонавий концепциялар.**

#### **Режа:**

- 3.1. Шарқ мутафаккирларининг касбий педагогика оид қарашлари.
- 3.2. Касбий педагогиканинг мазмуни.

**Таянч тушунчалар:** касбий таълим, авесто, шарқ халқлари, буюк аждодларимизнинг қарашлари,

#### **3.1. Шарқ мутафаккирларининг касбий педагогика оид қарашлари.**

Ҳозирги замон касб-хунар таълими тизими фақатгина XX аср охири илмий-педагогик тафаккурининг натижасигина бўлмай, балки унинг пойдевори инсоният жамиятининг узоқ тарихи давомида тўпланган тажрибасига ҳамда олимлар, мутафаккирлар, педагоглар ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги мутахассисларнинг меҳнатларига асосланган. Марказий Осиёда, шунингдек ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида касб-хунар таълимининг туб асослари бундан уч минг йил аввал Авестода баён этилган десак хато қилмаймиз. Лекин бу борадаги тажрибалар бизда етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, бугун бутун дунё, хусусан Шарқ халқларининг тарихий меросини замонавий касб-хунар таълими мазмуни ва тузилмасига сингдирилишини давр ўзи тақозо этмоқда.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ёшларнинг касб-хунар таълими ва тарбиясига катта аҳамият бериб, касб-хунар ўрганишни жисмоний, ақлий ва маънавий камолотга эришишнинг асосий воситаси деб билганлар.

Буюк аждодларимиз ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия касб-хунар сир-синоатларини эгаллашнинг асосий омили деб талқин этганлар. Улар учун инсон тимсоли камолотга етган, илмли ёки касб-хунарга эга ижобий фазилятлар соҳиби бўлган. Мисол учун Кайковус ўз фарзандига қарата:

“Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Хунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур.

Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо хунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам хунар зевари бўлмаса, ундан батарроқдур. Жаҳд қилғил, агар гавҳаринг ҳар нечаки асл бўлса, унга ғарра бўлмағил, нединким тан гавҳари хунар зевари била муайян бўлмаса, у ҳеч нарсага арзимагусидур.

Андоқким дебдурлар: “Улуғлик ақл ва донишлик бирладур, гавҳар ва насаб бирла бўлмас”.

Отни ота ва онанг қўймишлар, сен унга ғарра бўлмағил, нединким, ул отмазхи бир нишондин ўзга нарса эмасдур. Аммо сен хунар била бир номга эга бўлғил. Ўзингни “Жаъфар”, “Муҳаммад”, “устод”, “хўжа”, “фозил” оти била атаб, аммо унга лойиқ бўлмасанг, у от эрмасдур. Агар кишида насаб

гавҳари бўлса, аммо хунар зевари бўлмаса, у ҳеч кишининг суҳбатига лойиқ бўлмағусидур. Гарчи бу икки гавҳар ҳосил қилғон киши топсанг, этагини маҳкам тутғил ва ундин илкингни чекмағил, билки у барча кишиларнинг мушкулун осон қилғай.

Барча хунардин сўз хунари яхшироқдур, нединким, ҳамма махлуқотдин одам яхшироқ яралди ва ўзга жониворлардин одам ўн даража зиёдадур ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордур. Беши ташида зоҳирдур, беши ичида пинҳондур. Ул пинҳон нарсалар: бири, бир нарсани ёд олмоқ; бири, ҳамиша эсда сақламоқ, бири тахайюл (хаёлга келтирмоқ); бири таҳаввур (ғазаб ва шиддат билан ҳужум этиш); бири такаллум (сўзлаш). Аммо ул бештаким ташида зоҳирдур: бу завқ, яъни эшитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпаламоқ, яъни сезув “.

Аждодларимизнинг баркамол шахс ҳақидаги ғоялари моҳиятини англаш учун Абу Наср Форобий томонидан ҳозирги пайтда комил инсон деб юритилаётган фозил одамнинг ўн икки муҳим фазилати ёки Алишер Навоийнинг Фарҳод образи орқали талқин этган:

“Хунарни асрабон неткумдир охир,  
Олиб тупроққа му кетгумдир охир”.

Фикрларини таҳлил этишнинг ўзи кифоя. Улар маънавий баркамолликка инсон ўз меҳнати билангина эришиши мумкинлигини баралла куйлаганлар, меҳнат ва касб-хунарни инсон ҳаёти ва бахтининг моддий ва маънавий асоси, деб билганлар.

Бурхониддин аз Зарнужий илм, касб-хунар ўрганиш учун энг аввало ўқувчида жиддий хоҳиш, қатъият бўлиши лозимлигини, шундан кейин яхши устоз ҳамда етарлича вақт зарурлигини кўрсатган. Ибн Сино илму амалнинг бирлиги, яъни назария билан амалиётни узвий боғлаш, дуал таълим ғоясини илгари сурган.

Сукротона савол-жавоб усули (зиг-заг, арра усулининг асоси) бўлиб мантиқий фикрлашга, зийракликка, аниқ ва тўғри сўзлашга, нутқнинг мантиқийлиги ва раволигига ҳамда танқидий, ижодий фикрлашга ўргатган.

Тибетдаги ламаизм таълимоти асосида алоҳида соҳаларга ихтисослашган ибодатхоналарда таълим-тарбия ишлари амалга оширилган. Бунда ўқувчи томонидан узлуксиз, қайта такрорлаш воситасида материал тўлиқ ёд олинган ва унинг натижаси ўзига хос синов ишлари, яъни ўқувчини бир неча вақт давомида алоҳида ажратиб кўйиб, ўзлаштирган ахборотларини хотирасига асосланиб ёзиб бериш талаб этилган. Демак, уларнинг руҳий, жисмоний иродалари қаттиқ синовдан ўтказилиб, муваффақиятга эришган шогирдларгагина мустақил фаолият кўрсатишлари учун рухсат берилган.

Касбий таълим бериш, касб-хунар сир-синоатларини ўргатиш жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Касбий малака бевосита меҳнат фаолияти жараёнида берилган. Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, хунармандчиликнинг ихтисослашиб бориши, меҳнат кўникма ва малакаларининг мураккаблашуви тўпланган меҳнат тажрибаси, жумладан тизимлашган билим, малакаларини маълум бир тарзда авлоддан авлодга

ўтказиш заруриятини туғдирди. Бу эҳтиёж дастлаб устоз- шогирд йўли билан тартибсиз, яъни хаотик тарзда амалга оширилди.

### **3.2. Касбий педагогиканинг мазмуни**

Касбий таълим мазмунининг ҳажми кишилик жамияти тажрибалари, маданияти кўламига, характери эса унинг даражаси, йўналиши ва энг аввало жамият тузилмасига боғлиқ бўлади. Бундан жамият мақсади, талаб ва эҳтиёжлари, орзу- умидларига биноан касбий таълим-тарбия мазмунини шакллантирилиши келиб чиқади.

Касбий таълим жараёнида ўқувчилар таълим мазмунини ўзлаштирадilar. Бу мазмун қанча кам ва тушунарли бўлса, касбий таълим-тарбия жараёни ҳам унга мос ҳолда қисқа бўлади. Лекин бу жараён самарадорлиги аниқ бошланғич ва сўнгги ҳолатига кўра баҳоланади. Умуман, таълим-тарбия, шунингдек, касб-хунар таълими жараёни мураккаб жараёнлар туркумига мансублиги эътироф этилган. Чунки ўқув материалининг ўзлаштирилишини таъмин этувчи психик жараёнларни бевосита кузатиш имконияти мавжуд эмас. Улар тўғрисида таҳсил олувчиларнинг хатти - ҳаракатлари усулларига биноан хулоса чиқариш мумкин ҳолос. Шунинг учун ҳам олдинги фаслда баён этилганидек касб-хунар таълимининг моҳиятини тушуниш учун унинг қонуниятлари ва қоидаларини билишни талаб этади.

Биз касбий таълим мазмуни деганда педагогик тилда ўз ифодасини топган жамият тўплаган тажрибаларни тушунамиз. У бир пайтнинг ўзида таълим мақсадлари, ўзлаштириш объекти, таълим-тарбия натижаси сифатида намоён бўлади. Касб-хунар таълими жараёнида мақсад, мазмун, ўзлаштириш қонуниятларига мос аниқ мақсадлар шаклида таҳсил олувчилар олдида вазифа сифатида қўйилади. Таҳсил олувчилар вазифаларнинг моҳиятини англаб, унга мос ўқув- билиш фаолиятини амалга оширадilar. Натижада онгли, фаол, мустақил ўқув-билиш фаолияти орқали ўқув материални ўзлаштирилишига эришилади.

Демак, ўқитувчи ўзлаштириш қонуниятларини билиш орқали таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини бошқариш имкониятига эга бўлади. Ўзлаштириш натижалари эса, ўз навбатида кейинги ҳамкорлик хатти-ҳаракатлар тавсифини белгилайди. Шундай қилиб, касб-хунар таълими таҳсил олувчилар олдида маълум мақсадларнинг қўйилиши билан бошланади. Таҳсил олувчилар томонидан мақсаднинг қабул қилиниши турлича кечиши мумкин. Энг аввало у диққат-эътиборини қаратиш, эшитиш, кўриш, ҳидлаш, ушлаб кўриш, хатти-ҳаракат усулларини бажариш, яъни идрок (ҳис) этиш даражасида амалга оширилади. Кейинчалик мақсадлар мураккаблашиб, турли вазифалар, саволлар кўринишига эга бўлиб, амалий характердаги ижодий ишларни бажариш даражасигача ошиб боради. Мақсадларни тўғридан-тўғри ёки бевосита таҳсил олувчиларнинг эҳтиёжлари, яъни материалнинг янгилиги, ўқувчининг мустақиллиги, ўзига бўлган ишончи кабиларни ҳисобга олган ҳолда қўйиш зарур.

Таълим-тарбия жараёни ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ҳамкорлик фаолияти ҳамда таълим мазмунининг ўзаро таъсири, алоқадорлигида содир бўлади.

Педагогик манбаларда таълим мазмуни ҳақидаги масала мунозарали характерга эга. Бу тушунчани изоҳлашга кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти ва илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Билимларни эгаллашга йўналтирилган таълим мазмуни шахснинг ижтимоийлашувига имкон бериб, фан ва ишлаб чиқариш соҳалари билан таҳсил олувчи мулоқоти ва муносабатини белгилайди. Шунингдек, ушбу ёндашувга кўра, билимлар ўқувчиларнинг кадриятлар ёндашуви И.Я. Лернер, М.Н. Скаткин, Б.М. Бим-Бад ва шу каби педагог олимлар томонидан таълим мазмунининг моҳияти аниқланган. Юқорида зикр этилган олимларнинг фикрича, таълим мазмуни фақат билим ва кўникмалардан иборат эмас. Зеро, билим ва иш-ҳаракат усуллари таълим мазмунининг муҳим элементиدير. Рус педагог олими И.Я. Лернер билимларни қуйидаги уч вазифасини ажратиб кўрсатади:

1. Ўрганилаётган реал воқелик ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш, жамият ва инсониятнинг яхлит ривожланишини илмий тасаввур этиш;
2. Хатти-ҳаракат усуллари мўлжалга олиш асосларини яратиш ёки хатти-ҳаракат усуллариининг йўналишини аниқлаш;
3. Ўқиб- ўрганилаётган объектларга нисбатан эмоционал муносабатлар асосларини шакллантириш, шу йўл билан дунёқарашни тарбиялаш воситаси бўлиш.

Ижтимоий тажрибалар: билим, хатти-ҳаракат усуллари, ижодий тажриба ёки изланувчан фаолият ҳамда эмоционал кадрият муносабатларини ўзига қамраб олади.

Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологиялари фақат ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки касб-ҳунар таълими мазмунига ҳам катта ўзгартиришлар киритади. Дидактлар умуман таълим, шунингдек, касб-ҳунар таълими мазмунини аниқлашда унинг формал ва моддий жиҳатлари бирлиги принципига асосланиш кераклигини уқтирадилар. Биз уларнинг фикр-мулоҳазаларига тўлиқ қўшилаемиз. Формал ва моддий назарияларнинг бирлиги принципига кўра: касб-ҳунар таълимининг мазмунини умумий тузилмасида табиат ва жамият ҳақидаги назарий билимлар тизими, тафаккур (билиш) қонун ва қонуниятлари, ишлаб чиқариш техникалари ва технологиялари, ёшларни ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлаш, миллий маънавиятни шакллантириш, шахсни мутахассис сифатида ҳар томонлама ривожланишини таъмин этувчи барча компонентларни ўзига қамраб олади. Бу компонентлар кўлами ва даражаси касб-ҳунар коллежлари олдида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Республикамизда касб-ҳунар таълимини ташкил этиш шакллари ва босқичлари илгарилаб бориш, узлуксизлик, узвийлик, изчиллик каби кўп сонли принципларга асосланиб ташкил этилган. Бундан таълим мазмунига табиат ва жамият, техника ва технология, ишлаб чиқаришни ташкил этиш

хамда бошқариш каби соҳаларда содир бўлаётган ўзгаришларнинг таъсир кўрсатиши келиб чиқади.

### **Назорат саволлари**

1. Шарқ мутафаккирларининг касбий педагогика оид қарашларини ифодаланг.
2. Касбий педагогиканинг мазмуни айтиб беринг.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

## **4-Маъруза. Касбий педагогиканинг методологияси ва замонавий ёндашувлар.**

### **Режа:**

4.1. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методологик асослари.

4.2. Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари.

**Таянч тушунчалар:** методология, таълим парадигмаси, миллий маданият, рефлексив бошқарув, бошланғич характер, алгоритм характер, эвристик характер, ижодий характер

### **4.1. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методологик асослари.**

Замонавий педагогика фанининг асосий муаммоси мавжуд таълим парадигмасининг объектив асослари ва уларнинг ривожини таъминловчи қонуният моҳиятини очиб беришдан иборатдир. Мазкур ўринда, инсониятнинг янги билимлар ҳамда фикрлаш мезонларига таянувчи янги парадигмани яратиш зарурияти намоён бўлиб, у мазмун, метод, ташкилий мезонлари ҳамда кадрлар таъминоти каби жиҳатларни кенг кўламда акс эттирувчи таълим муаммоларини алоҳида долзарб масала сифатида олдинги ўринга олиб чиқишини кўрсатади.

Таълим парадигмаси (юнонча *paradigma* – мисол, намуна) моҳиятини янгилаш зарурияти қандай омиллар билан изоҳланади?

Инсоният тарихи мавжуд босқичининг моҳияти ижтимоий маданиятнинг замонавий цивилизация, тараққиёт келтириб чиқарган муаммолар таъсирида яна бир бор тарихий синовдан ўтаётганлиги тавсифланади. Айни вақтда, жамият тараққиётида ижтимоий жараёни жадаллаштирувчи технологик ривожланишнинг ҳал қилувчи аҳамият касб этишини эътиборга олиб, уни техноген цивилизация деб аташ мумкин. Бундай цивилизациянинг асоси муайян кадрлар тизимига қурилади.

Агар маълум жамият ижтимоий-ғоявий ҳамда иқтисодий инқироздан чиқиш йўлини топмоқчи бўлса, у техноген цивилизациянинг янги шаклдаги кўриниши эмас, балки янги ривожланиш босқичининг яқини тарзида акс этиши лозим. Жамиятнинг бундай ривож ижтимоий ҳаётнинг муҳим омилларини ҳисобга олувчи, шахсга йўналтирилган инсонпарварлик парадигмасининг асосий ғояси вазифасини ўтайди.

Педагогик фаолиятнинг инсонпарварлик тамойилига асосланувчи парадигмаси қуйидаги мезонларга таянади:

- таълимнинг ижтимоийлашуви - ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига нисбатан технократик ёндашувдан воз кечиш, улар томонидан нисбатан ўзлаштирилган билимлар мажмуасининг педагогик ҳамда психологик хусусият касб этишини таъминлаш, ўқитувчиларда умуминсоний,

умуммаданий кадриятлар мазмунида илгари сурилган ғояларга асосланган ижтимоий тафаккурни шакллантириш;

- миллий ҳамда жаҳон маданияти асослари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш;

- таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда миллий истиқлол ғояларига асосланиш;

- шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган лаёқатига таяниш ва уни такомиллаштириш;

- ўқитувчиларнинг касбий жиҳатдан шакллантириш жараёнида ўқитувчи ҳамда талабаларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларига эришиш;

- таълим (хусусан, касб таълими) жараёнида ўқув дастурларининг талабалар қобилияти ҳамда қизиқишларига кўра танлаб олиниши борасидаги имкониятнинг мавжудлиги;

- педагогик таълимнинг фундаментал хусусият касб этиши, яъни, талабалар томонидан ўзгарувчан шароитларда шахс ижодий ривож асосини таъминловчи инвариант билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш;

- меҳнат бозори ҳамда ижтимоий жараёнларда юзага келувчи ҳамда доимий равишда ўзгариб турувчи, эҳтиёжларга тўлақонли жавоб бера оладиган таълим тизимини шакллантириш шу асосда касбий мослашувчан мутахассисларни тарбиялаш;

- таълимнинг узлуксизлиги, таълимнинг ҳар бир жараён босқичининг натижаланишини таъминловчи касбий таълим (кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш) дастурларининг тизимининг яратиш ва ривожлантириш, муайян дастурни таълимнинг у ёки бу босқичида ўқитилиши ёки ўқишни бошқа типдаги ўқув муассасасида давом эттира олиш имкониятини бера олиши;

- таълимнинг эквивалентлиги, яъни унинг давлат таълим стандарти, миллий маданияти ва менталитет, шунингдек, халқаро меъёрларга мувофиқ даражаси.

Касб таълими ўқитувчисининг касбий педагогик тайёргарлигини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи мезон, йўналиш ва психологик-педагогик шароитларни аниқлаш имконини беради. Булар қуйидагилардан иборат:

– касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришга қўйилаётган талабларнинг касб-ҳунар таълим муассасалари ҳамда жамият эҳтиёжлари билан ўзаро мувофиқлиги;

– касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг таълим ҳамда ижтимоий-маданий муҳитга боғлиқлиги;

касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг юқори даражадаги рефлексив бошқарувларидан иборат.



#### **4.2. Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологиялари.**

Ўқитувчининг актив фаолият кўрсатишига йўналтирилган, дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчи (ўқувчи)ларга йўнал-тирилган бўлиб, болаларнинг шахсий ҳамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, ўқув мате-риалларини ўзлаштиришга қаратилади. Педагогик техно-логиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлан-тириш орқали таълим мақсадига эришишни тахминлашдан иборат.

Педагогик технологиянинг тамойиллари қуйидагилардир: кафолатланган якуний натижа, таълимнинг маҳсулдорлиги, тесқари алоқанинг мавжудлиги, таълим мақсадининг аниқ шаклланганлиги.

У ёки бу педагогик технологияни танлаш режалаш-тирилган дарс ва машғулотда қайси даражадаги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш назарда тутилганлигига боғ-лиқдир. Педагогик технология доирасида янги ўқув мате-риалини ўзлаштиришнинг бошланғич, алгоритм, ижодий, эвристик характердаги даражалари мавжуд.

Бошланғич характердаги даража - ўқувчининг эшитган-лари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва кўрсатмалар асосида топшириқларни бажариш кўникмаси-ни ифодалайди.

Алгоритм характердаги даража - билим ва кўникмалар мазмунини татбиқ қила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб қолиш фаолиятини амалга ошириш кўникмасини ифодалайди.

Ижодий характердаги даража - ўқув материални, шунингдек, илгари ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни турли ҳолатларда татбиқ эта олиш маҳорати билан характерланади.

Эвристик характердаги даража - тақдим этилган ўқув масалаларини ечиш йўллари-ни излаш ҳамда бу муаммоларни ечиш учун янги ахборотларни мустақил тарзда излаб топиш кўникмасига эга бўлиш билан характерланади.

Бошланғич ва алгоритм характердаги даражалар репродуктив пландаги билим ва кўникмаларни талаб қилади. Ўзлаштиришнинг ушбу даражалардаги педагогик технологияни ижрочи технология деб аташ мумкин.

Ўқув материални эсда сақлаб қолишга ва кўникмаларни ҳосил қилишга йўналтирилган билим ва маҳоратлар дара-жаси ўқувчиларнинг репродуктив ва маҳсулдор (продуктив) фаолиятларини уйғунлаштиришни талаб қилади.

Бу даражанинг педагогик технологияси муаммоли-ривожлантирувчи технологияга алоқадордир. Бундай технология асосида таълим жараёнини ташкил этганда ўқувчилар ўқув материални рефератлаштиришга,

маърузалар билан чиқишга, мунозараларда ва ишчан ўйинларда иштирок этишга ўрганишлари лозим.

Ўқув-билув фаолияти изланувчи, эвристик характер касб этганда, юқори даражадаги муаммоли, муаммоли-ривожлантирувчи таълим методи, вазиятларни таҳлил қилувчи топшириқлар методи, ишчан ўйинлар, мустақил ишлар, муаммоли характердаги топшириқлардан фойдаланиш зарур. Бу даражанинг педагогик технологияси эвристик технология деб аталади.

Таълим жараенининг дидактик таркиби қуйидаги педагогик технологияларни ажратишга имкон беради: муайян ўқув тарбия мақсадларини бажаришга сабаб бўлувчи омилларни яратишга асосланган педагогик технология (келгусида ўқув омилларини яратиш технологияси), фаолият кўрсатишга асосланган педагогик технология ва бошқаришга асосланган педагогик технологияси.

Таълим-тарбия жараёнининг мавзуси бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини, мунтазам тарзда қизиқувчанлигини уйғотишга ундаш мақсадини кўзда тутди. Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқувчиларни тезкорлик билан ўқув ёки ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишга имкон беради. Акс ҳолда, заиф, етарли даражада тушунарли бўлмаган ва натижани кўзламаган топшириқлар мавзунинг беқарор бўлишига олиб келади.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни татбиқ этиш ва унинг мақсадига эришиш ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулоқот маданияти, нутқининг тўғрилиги коммуникатив маҳоратининг ўқувчиларга таъсири, педагогик техниканинг эгалланганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қўллашга улгура олишига боғлиқдир. Бу фаолият ўз навбатида янги коммуникатив технологияга асосланган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу жараёнда ўқитувчи турли кўринишдаги фаолиятларда иштирок этади. Худди шундай педагогик фаолият шаклларида бири ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотига асосланган биргаликдаги фаолиятидир. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти (лекция, ҳикоя, суҳбат, маъруза) ижтимоий нуқтаи назардан ўқувчи шахсига йўналтирилган бўлади. Бу ўринда ўқитувчи ўқувчида мустақкам ўрнашган ишончни шакллантириши лозим. Бу ишонч бевосита ижтимоий муносабатларга татбиқ этилади. Бундай мулоқот ўқувчилар гуруҳига мўлжалланган бўлиб, бевосита жамоа меҳнати сифатида намоён бўлади. Мулоқот яқка шахсга ҳам йўналтирилган бўлиши мумкин, яҳни ўқитувчининг ўқувчи билан ҳамда бир ўқувчининг иккинчи бир ўқувчи билан мулоқоти сифатида. Мулоқот йўли билан ўқувчилар мавжуд нарса ва ҳодисани билиб оладилар, янгидан-янги ахборотларни қабул қиладилар. Бошқа бир томондан эса, ўқитувчи ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчи шахсини ўрганади.

Ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти педагогик характердаги мулоқот бўлиши, аниқ педагогик вазифани бажаришга йўналтирилиши керак. Жумладан: оптимал, яхлит, қулай ўқув муҳитини, рухий вазиятни, ўқув фаолиятини оптималлаштириш, ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабатни ташкил этиш, шунингдек, ўқувчилар жамоаси орасидаги муносабатни шакллантириш назарда тутилади.

Педагог ўқувчилар орасидаги нохуш таъсирларни, улардаги ҳиссий зўриқишларни бартараф эта олиши керак. Агар ўқитувчи юқорида кўрсатилган таъсирларни бартараф эта олмаса, бу тарздаги ҳиссий зўриқиш илгариги муваффақиятсизликлар билан кўшилган ҳолда ўқувчиларда ўқитувчи ва ўқув предметига нисбатан негатив муносабатни вужудга келтиради ҳамда кўрқув ҳолатига, ишончсизлик, диққат сусайиши, эса сақлаш қобилияти, ишчанлик, нутқ динамикаси бузилишининг ҳосил бўлишига олиб келади.

Бундай ҳолатлар синфда, кўп ҳолларда эса, ўқитувчининг ўқувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига олиб келади. Бу ҳол ўқувчининг ортиқча ҳиссиётларга берилишига, ўқув фаолияти мотивациясининг пасайишига, ўқишдан бешишга, ўқув предмети ва ўқитувчига нисбатан салбий муносабатда бўлишига сабаб бўлади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабат инсонпарварлик мезонлари асосида ташкил этилиб, нохуш ҳиссиётларни бартараф этишга йўналтирилмоғи лозим. Ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги мулоқот эришилган ютуқлардан завқланишга, ўқув фаолиятига нисбатан чанқоқлик билан интилишга ҳамда биргаликдаги мулоқотга чорлаши керак. Бу эса ўзаро педагогик таъсирни ташкил этиш учун алоқа воситаси, “кўприк”ни вужудга келтиради. Таълим жараёнида, ўқувчига нисбатан ҳурматсизлик билан ёндошилган тақдирда, кўзда тутилган талабчанликка, айниқса, онгли тарздаги интизом ўрнатишга эришиш мумкин эмас.

Бошқа бир томондан олиб қараганда, педагогик мулоқотнинг таркибий қисми бўлган коммуникатив фаолиятни қуйидаги схема асосида татбиқ этиш мумкин: педагогик жараёни моделлаштириш, синф билан мулоқотга киришиш, бевосита мулоқотни (коммуникатив ҳужумкорликни) ташкил этиш, ривожлантирувчи педагогик жараёнда мулоқотни бошқаришни ташкил этиш, кўзда тутилган фаолиятни амалга ошириш давомида мулоқот тизимини моделлаштириш.

Таълим-тарбия ишини ташкил этишда ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ўзаро муносабат ва мулоқотнинг турли йўллари (стиллари) мавжуд. Уларни қуйидагиларга -ўқитувчининг ўқувчилар жамоасига нисбатан барқарор-ижобий, суст-ижобий ҳамда беқарор муносабатларига ажратиш мумкин.

Ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан барқарор-ижобий муносабати болаларга нисбатан турғун ҳиссий-ижобий муносабат, уларга ғамхўрлик кўрсатиш, қийинчиликларни енгишга ёрдам бериш, улар билан вазмин ва тенг оҳангда мулоқотда бўлиш билан характерланади.

Суст-ижобий муносабатдаги ўқитувчилар қуруқ муносабат ва расмий оҳанг билан ажралиб турадилар.

Беқарор муносабатга эга бўлган ўқитувчилар ўрнатилган умумий ҳиссий-ижобий ҳолатдаги вазиятли муносабатларда ўқувчилар жамоасига нисбатан беқарор муносабатда бўлишлари билан характерландилар. Бу гуруҳга мансуб бўлган ўқитувчиларнинг кайфият ва ташвишлари уларнинг қиёфасида, оғзаки нутқида акс этади. Бутун таълим жараёнида ўқитувчининг ҳаётбахш сўзи таълим-тарбия тизимининг энг муҳим элементи бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи ўзининг мазмунли ва таъсирчан нутқи воситасида ўқувчининг фикри ва ҳиссиетини уйғотади, ўқув предметини ўзлаштиришга рағбатлантиради ва сафарбар қилади, ўқувчи шахсини шакллантиради. Ўқитувчининг доно ва ўткир сўзи ўқувчи қалбига шифо бағишлайди, уни жазоламасдан тўғри йўлга бошлайди.

Ўқув омилларини яратишга асосланган педагогик технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларга коммуникатив таъсир этиш йўллари хам ўз ичига олади. Кенг тарқалган методлар ёки коммуникатив таъсирлар қуйидагилардан иборот: ишонтириш методи, исботли натижаларга асосланиш методи, бевосита ва билвосита таъсир методи, ўз-ўзини тарбиялаш ва ўзаро таъсир методлари.

Ўқув омилларини яратишга асосланган технологияси охир-оқибатда ўзида актерлик фаолиятни мужассамлаштиради. Чунончи: нутқни драмалаштириш, нутқнинг таъсирчанлигини ошириш, фантазия қила олиш, нутқнинг оҳангдорлиги, нутқ тембри, асар қахрамонлари орқали ҳаётни ўрганиш ички ҳамда ташқи ритм ва темпнинг таъсирини ҳис қилиш, шоироналик, яхши товуш, қиёфа, мимика, имо-ишора, маъноли ҳаракатлар ва хоказо.

Педагогик технологиянинг фаолият кўрсатиши ҳисобига таълим жараёнининг мотивацияси кучайтирилиши мумкин. Маълумки, тайёр ҳолда олинган билимлар, одатда, уларни амалиётда қўллашни қийинлаштиради, бу айниқса, аниқ масалаларни ечишда намоён бўлади. Шунинг учун билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда бевосита ўқувчиларнинг ўзлари фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Бу муаммоларнинг ечими бевосита бошқарувга асосланган педагогик технологиянинг қўлланилиши билан болиқдир.

Педагогик технология турларини танлаш шаклланаётган билим, кўникма ва малакалар, ташкил этилаётган дарслар шакли ва қўлланилаётган

методлар ҳамда методик усулларнинг характериға боғлиқ. Масалан, ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалларига танқидий қараш кўникмасини шакллантириш ҳамда маҳсулдор фаолият турларини ташкил этиш билан бир қаторда уларни ривожлантириш учун дарснинг анъанавий шакллари, жумладан, уйғунлаштирилган дарслар билан баробар дарс-конференция, ишчан ўйин дарслари, интеграллаштирилган (икки компонентли) дарслардан фойдаланиш лозим. Бунинг учун таълим методлари таълим мақсади билан мутаносиб(адекват) бўлиши керак. Чунончи, турли типдаги ҳолатлар учун билимни қўллашга йўналтирилган топшириқлар, фаолият кўрсатиш йўлларини янги шароитда қўллашга қаратилган топшириқларни бажариш, схемалар тузиш, таснифлаш, қиёслаш, изчил тизимга солиш, умумлаштириш ва бошқалар.

Етарли даражадаги мотивация ҳамда ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш билан ҳам кўзланган натижаларга эришиш кафолатланмайди. Таълим-тарбия жараёнининг дидактик нуқтаи назардан такомиллашуви фақатгина, бу жараёни ташкил этиш ва бошқариш йўлларини тўғри танлаш билан тахминланади. Педагогик технологияни бошқариш ўзида икки йўналишни мужассамлаштиради: фаолиятни бошқаришни ва ўқувчилар жамоясини бошқаришни. Муайян педагогик технологияни танлаш ўзгарувчан дарс ҳолатининг ўзгаришига имкон беради ҳамда фаолият мақсадига қараб амалга оширилади ва вариатив тарзда ўзгартириш чораларини кўришни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида, билиш жараёнини бошқариш талаби билан, шунингдек, ўзлаштириш, мулоқот қилиш, фаолият кўрсатиш босқичларининг характери билан боғлиқдир.

Юқорида таъкидланганидек, педагогик технология шахсни ривожлантиришга имкон беради.

Ривожлантирувчи таълим технологиясининг етакчи принциплари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: инкорпорация - системали ёндашув асосида турли фанларга оид билимларни бирлаштириш, мослашганлик - турли таълим муассасаларида таълим шакли, методи ва усулларининг қўлланилувчанлиги, уйғунлилик-муайян ўқув предметига оид ўқув материали мазмунининг шахсни ривожлантириш шакли, методи ва усуллари билан уйғун тарзда боғланиши, яратувчанлик - турли ўқув муассасалари педагогларининг педагогик технологияларни яратиш имкониятлари, табиийликни ҳис қила олишлик - шахсининг генетик ва ижтимоий жиҳатларига асосланган ҳолда ўқувчиларнинг ўзига хослигини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Бизнингча, таълим-тарбия жараёни учта ўзаро алоқадор бирлик - таълим, тарбия ва ривожланиш сифатида кўриб чиқилади. Бу уч бирликни баробар татбиқ қилиш жараёни модуллашган технологияни қўллашни

осонлаштиради. Модуллашган технологиянинг характерли қирраларидан бири таълим мазмунини тартибга солишдан иборат бўлиб, бунда барча ахборотлардан фақатгина шундайларини қатҳийлик ва кунт билан танлаб олиш керакки, улар давлат таълим стандарлари доирасида ўқувчилар фаолиятини зарурий етарли даражада муваффақиятли амалга оширишни тахминлаши лозим.

Модуллашган технология модулларни лойиҳалаштириш-дан бошланади (ўқув предмети ва унинг бўлимлари мазмунини тартибга солиш - бу таълимнинг муайян босқичидан бошлаб бўлинмайдиган касбий фаолиятни мантиқан тугалланган қисмларга ажратиш). Сўнгра ажратилган ҳар бир модулх бўйича шу модулнинг ўзигагина тааллуқли бўлган фаолиятнинг мазмуни ва таъсир доираси аниқланади ва шу асосда моделлашган технологиянинг мақсади белгиланади. Моделлашган технологиянинг мақсадига эришиш учун модели босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда ҳар бир қадам ўқув элементи сифатида қаралади.

Ўқув элементи ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: фаолиятнинг аниқ элементларини ўргатиш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ахборотлар, таълим учун зарур булган фаолиятни тахминловчи материаллар ҳақидаги маълумотлар, мақсадлар идентификацияси, яҳни таълим олувчиларни ҳаракатлантирувчи мақсадлар, ўқув мате-риаллари ва ўқув шароитини назорат қилиш инструментлари, чунончи, ўқувчиларнинг кўзланган натижаларга эришишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар, тестлар, мақсад эталони ва бошқалар.

Таълим технологияси жараёнининг умумий мақсади бир неча даражаларда ойдинлашади: биринчиси - таълим муассасасининг мақсади ҳамда педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, иккинчиси - ўқув предмети (бўлим)нинг мақсади, педагог ва унинг методик фаолияти идентификацияси, учинчиси - ушбу модуль (ўқув элементи)нинг мақсади ва унинг ўқувчилар фаолиятидаги идентификацияси. Шундай қилиб, таълимнинг умумий мақсади алоҳида модулга ҳам, унинг ташхис қилинадиган охирги натижаларига ҳам ўтказилади.

Режалаштиришнинг аниқ анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Шу жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жиҳатдан тахминлаш назарда тутилади. Модуллашган педагогик технологияни ишлаб чиқиш тартиби қуйидаги кетма-кетликдаги босқичларни ўз ичига олади: аналитик, конўептуал, мақсадли, мазмунли ва жараёнли.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг аналитик босқичида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий

моделли, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, улардан келиб чиқадиган хулосалар ва ёш авлоднинг гармоник тарзда ривожланишига йўналтирилган таълим мазмунини танлаш ҳолатлари, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига эришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, ифодаланган хулосалар ҳисобга олинади. Модулнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежи, бакалаврият, магистратура, умуман, соўиумнинг таркиби сифатида ифодаланади. Бу айниқса, босқичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг мақсадли босқичида таълим муассасаси (ўрта мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежи, институт еки университет)нинг узок муддатга мўлжалланган мақсади, таълим соҳалари ва шу блокдаги алоҳида ўқув предметларнинг истиқболдаги мақсади, шунинг-дек, алоҳида олинган ўқув предмети таркибидаги аниқ бир блокнинг ифодаланиш мақсади ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг мазмунли босқичида таълим соҳалари, шунингдек, шу блок тизимидаги ўқув предметлари мазмунини танлаш тамойиллари ва мезонлари аниқланади. Блоклар ҳамда улар таркибидаги алоҳида элементларнинг, яхни аниқ ўқув предметларининг мазмуни алоҳида олинган мақсад билан боғлиқ тарзда идентификацияси ўқув предметлари мазмунини ташкил этадиган йирик мавзуларда акс этиши керак.

Педагогик технологияни ишлаб чиқишнинг жараёнли бос-қичида ўқитувчининг вазифалари, шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бажаришларига йўналтирилган таълим тури таълим методлари намоён бўлади. Бу жараённинг педагогик технологиясида, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида демократик усуллар, ташкилий шакллар ва таълим воситаларини танлашга алоҳида ўрин берилади.

Шундай қилиб, илгаридан лойиҳалаштирилган таълим-тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида методлар тизимини, таълимнинг методик усулларини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўқувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, якуний натижаларга эришиш инструментарийсини мужассамлаштиради.

## **Назорат саволлари**

1. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методологик асосларини айтиб беринг.
2. Касбий таълимда ўқитувчи ва ўқувчи шахси фаолиятини уйғунлаштириш технологияларини изоҳлаб беринг.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.



## **5-Маъруза. Касб таълими мазмунини модернизациялаш.**

### **Режа:**

- 5.1. Касб таълими мазмунини модернизациялаш.
- 5.2. Касб таълими ўқитувчисининг модели.
- 5.3. Касб таълими мазмунини модернизациялаш.

**Таянч тушунчалар:** касб таълими, модернизациялаш, замонавийлаштириш, мотивацион, фаоллиги, онглилиги, индуктив, радуктив, дедуктив.

Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш технологиялари уларни ташкил этиш ва бошқариш, мулкый муносабатлар кабилар бўлажак кичик мутахассислар касбий фаолият кўрсатишлари учун зарур ҳамда етарли бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар кўламининг ҳаддан ташқари кенгайишига олиб келмоқда. Натижада ахборотлар кўлами ортиб бориб, ҳар уч-беш йилда унинг ҳажми каррали равишда ошиб бормоқда. Истиқболда мутахассиснинг касбий билим ва амалий тажрибаларини янгиланишига ҳозиргидан ҳам нисбатан қисқа вақт талаб этилиши табиий ҳол. Шунга кўра касб-ҳунар таълими мазмунини қайта кўриб чиқиб, замон ва истиқбол талабларига уйғунлаштириш (модернизациялаш) зурурияти келиб чиқади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Модернизация” тушунчасига – “замонавий талаб ва дидга мослаб ўзгартириш; замонавийлаштириш” – деб изоҳ берилган.

Касбий таълим мазмунини ўзгариши ўз навбатида уни ташкил этиб ўтказилиш шакли, методлари ва воситаларини ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда таълим муддатини ўзгартирмаган ҳолда бўлажак кичик мутахассислар томонидан давлат таълим стандартларида белгиланганидек зарур ва етарли даражадаги билим, кўникма, малака ҳамда шахсий фазилатларни мақбул ўзлаштиришлари талаб этилади. Шунинг учун ҳам касб-ҳунар таълимининг мақбул мазмунини танлаб, бўлажак кичик мутахассисларнинг шахсий мулкига айлантириш учун тизимли ёндашиш зарур. Яъни:

- ўқув материали мазмуни ва тузилмасини ўзгартириш;
- ўқув материални таҳсил олувчилар онгига етказишда уларнинг ёши, индивидуал хусусиятлари, қизиқишлари, имкониятлари, шарт-шароит каби кўплаб омилларни ҳисобга олиш;
- таҳсил олувчиларнинг онглилиги, фаоллиги, мустақиллигини ошириш;
- назарияни амалиёт ва ҳаёт билан узвий боғлаб ўрганишни ташкил этиш;
- предметларро алоқадорликка асосланиш;
- дастурий материаллардан тизим ҳосил қилувчи асосий ўқув материални ажратиб олиб, уларни ҳар томонлама мукамал ўрганиш каби долзарб муаммоларни ҳал этиш зарурияти мавжуд.

Бунда ихтисослик ўқув предметларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, индуктив, традитив ва дедуктив методларнинг мақбул ўзаро нисбати ҳамда уйғунликда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Касб-ҳунар таълими соҳасида кўп йиллик амалий тажрибаларимиз ихтисосликка оид ўқув предметларини ўрганиш жараёнида дедуктив таълим методларидан нисбатан кўпроқ фойдаланилганда белгиланган вақт ичида нисбатан катта ҳажмдаги ўқув материални мукамал ўзлаштириш имконини беришини кўрсатмоқда.

Маълумки, касбий таълим-тарбия жараёни бевосита қўйилган аниқ мақсад, ўрганилаётган ўқув материалнинг мазмуни ва характери каби кўплаб омилларга кўра ташкил этилиб ўтказилади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнини оқилона ташкил этиш шакли ва методларини аниқлаш мақсадида ўқув материали мазмуни дидактик таҳлил этилиб, ўқув материалнинг асосий гуруҳлари белгилаб олинади. Дидактик таҳлилга асос қилиниб таълим мазмунининг характери, уни алоҳида қисмларини (муҳимлиги) олиш мумкин.

Ўқув дастурий материалга фундаментал тушунча ва иборалар киритилганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, уни қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

- барча касб ва ихтисосликларга тегишли бўлган тушунчалар;
- техник объектларга оид материаллар;
- ишлаб чиқариш технологиясига оид материаллар;
- хом ашё ва материалларга оид материаллар;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг иқтисодиётига оид ўқув

материаллари кабилар.

Юқорида зикр этилган турлардаги ўқув материалларининг муҳимлиги нуқтаи назаридан уларни ушбу касб, ихтисослик, ўқув предмети мавзу, бўлим учун умумий ёки хусусийга ажратилади.

Ҳар қайси дарс қуйидаги дидактик талабларга жавоб бериши зарур:

- мақсади; мазмуни ва ўтказилиш вақтининг аниқлиги;
- таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ва мотивацион вазифаларнинг яхлитлиги;
- дарснинг ҳар бир босқичида имкон қадар мақсадга мувофиқ ўқитиш методлари ва воситаларини уйғун танланганлиги;
- мақбул ташкил этилиши билан таҳсил олувчиларда ўзларига ишонч руҳини вужудга келтириши, қизиқишларини ошириши;
- дарсда ўқувчиларнинг индивидуал ва жамоавий ўқув-билиш фаолиятларини уйғун ташкил этилганлиги;
- ўқув материални долзарблаштириш, амалий жиҳатларини намоён этиш йўли билан таҳсил олувчиларнинг онглилиги, фаоллиги, мустақамлигини таъминлаши;
- ўқитувчининг раҳбарлик роли кабилар.

Ихтисослик ўқув предметлари бўйича дарслар мазмуни, мақсади, тузилмаси, ташкил этиш шакли, ўтказиш методлари, қўлланиладиган воситалари каби жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади. Таълим тарбия

жараёнида иштирок этувчиларнинг субъектив жиҳатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ихтисослик ўқув предметлари мазмунини дидактик таҳлил этиш шундан далолат берадики, улар мураккаб тузилмага эга бўлиб, катта ҳажмдаги алоқадорликни ёритувчи, яъни сабаб-оқибатли, аниқ тасдиқловчи характерли материални ўзига қамраб олади.

Ихтисослик ўқув предметлари мазмунида ўз ифодасини топган ҳисоб-китоб ишлари, лаборатория-амалий ишлари кўпроқ ўзлаштирилган билимларни турли шарт-шароитларда амалий қўллаш малакасини ривожлантириш талабини кўзда тутади.

Сўнгги йилларда республикада фаолият кўрсатувчи илғор педагогик жамоаларда дарс самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга оид жуда катта ҳажмдаги ижодий ишлар қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда.

- дарсларни ўтказишда шаблон ва бир қолипликни бартараф этиш, ўқув жараёнида турли мазмун ва тузилмадаги дарсларни қўллаш;

- ўқув материални таҳсил олувчиларга етказиш билан уни дарсда мустаҳкамлашнинг турли шакллари уйғунлаштириш;

- ўқув-тарбия жараёнига таҳсил олувчиларнинг онглилиги, фаоллиги ва мустаҳкамлигини таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида турли даражадаги амалий машқлар, топшириқлар тизимини киритиш;

- таҳсил олувчиларнинг мустақил ишлари миқдори ва мураккаблик даражасини аниқлаш;

- ўқув материални мустаҳкамлашнинг аниқ тизимини амалга ошириш;

- асосий, бош ўқув материалларини ажратиб олиб, уларни мукамал ўрганиш ва мустаҳкамлаш;

- таҳсил олувчиларни мустақил ўқиб-ўрганишга ўргатиш;

- уйга бериладиган топшириқларни меъёрлаштириш ва самарадорлигини ошириш;

- ихтисослик ўқув предметлари бўйича ўрганилаётган назарий ўқув материалларини ишлаб чиқариш таълими билан узвий боғлаб ўрганиш;

- индивидуал сўровларни камайтириш ва фронтал сўровлар доирасини вақт нуқтаи назаридан кенгайтириш;

- индивидуаллаштириш ва табақалаштириш имкониятларини берадиган ижодий мустақил ишларни қўллаш кабилар.

## Касб-хунар таълими мазмунини танлаб олиш ва амалга жорий этиш



Амалда таълим мазмунини лойихалаштириш қуйидаги икки даражада амалга оширилади:

- блок модулли ўқув дастури даражасида;
- аниқ мақсадга мувофиқ ўқув материали сифатида.

Бунда ихтисослик қайси касбга мансублиги, шунингдек, касбнинг ўзи қандай фаолият турига тегишли эканлигини ҳам аниқлаштиради. Аниқ йўналишда танлаб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга “қаватма-қават” таҳлил этилади. Юқори қатлам иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлса, ўрта қават касб-хунарга ва пастки қават алоҳида ихтисосликларга тўғри келади. Бундай ёндашув замонавий касб-хунар таълими мазмунини шакллантириш муаммоси ечими сифатида эътироф этилмоқда. Чунки бунда касб ёки ихтисослик нуқтаи назаридан пастдан эмас, балки аниқ йўналиш доирасидаги касбий таълим мазмуни яхлит тизим сифатида юқоридан пастга томон тадқиқ этилади.

Таълим мазмунини танлаб олишга умумий ёндашувлар:

I. Таълимда узвийлик ўқув предметининг ташкилий қисмларининг тўғри нисбати ва зарурий боғлиқлигини таъмин этади.

Ўқув материалининг жойлашиши ва бу материални ўзлаштириш усуллари танлашдаги узвийлик қуйидаги икки омилни ҳисобга олиш билан амалга оширилади: Ушбу ўқув предмети тегишли фан мазмуни ва мантиқи ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятларини, фаннинг мазмуни ва мантиғи ўқув предметининг узвийлигини таъмин этишда муҳим аҳамият касб этади: тушунча, қонунлар ва далиллар, ўқув предмети мазмунининг ўзаги ҳисобланиб, кетма-кет жойлашади ва ўрганилаётган соҳага оид билимларнинг кенгайиб боришини таъминлайди, олдингилари кейингилари билан узвий боғлиқ бўлади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари омили илмий билимларни тўғридан-тўғри ўқув предмети мазмуни сифатида талқин этилишига йўл қўймайди, унга дидактик ишлов беришни талаб этади. Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материални концентрик жойлашувида ҳам амалга оширилади.

Узвийлик тушунчаларни кенг ва чуқур алоқадорлигини ўрганиш мазмунини бойитиш уни ўзлаштириш шакллариининг узвийлигини таъмин этади.

Узвийлик алоҳида ўқув предметларинигина эмас, балки турли ўқув предметларининг ўзаро муносабатларини ҳам қамраб олиши зарур. Бунинг учун турли ўқув предметларини ўрганишда объектларнинг турли жиҳатларини объектив алоқадорлиги асос ҳисобланади.

II. Таълим мазмуни аввал ДТС сўнгра ўқув режа ва дастури шаклида лойихалаштирилади.

Таълим мазмуни таълим жараёнининг асосий элементи (ташқил этувчи компоненти) ни ўзлаштириш натижасида ижтимоий мақсадларга эришилади. Ўзлаштирилиши зарур бўлган ижтимоий маданий тажрибанинг тавсифи ва ҳажми аниқ шарт-шароит, макон, замон, шунингдек, таълим муассасасининг тури ва даражасига мақсад ва вазифаларига боғлиқ бўлади.

Таълим мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмлари сифатида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) самарали амалий фаолият кўрсатиш тажрибаси, яъни меҳнат, иқтисодиёт, сиёсат ижтимоий ва бошқа соҳалардаги вазифаларни муваффақиятли бажариш. б) билиш тажрибаси атроф олам ривожланиши қонуниятларини англаш методлари ва натижалари; в) умумий мақсадларга эришиш жараёнидаги ижтимоий ўзаро таъсирлар тажрибаси; г) ахлоқий этик тажриба; д) маънавий- маданий тажриба ва шу кабилар.

Таълим мазмуни муайян таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Таълим мазмунининг тузилмаси, яъни турли элементларнинг ўзаро муносабатлари, кетма-кетлиги, давомийлигини ўқув режаси аниқлаб беради Шу пайтгача таълим мазмунини шакллантиришга ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Амалда таълим мазмуни бажариладиган вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва мазмунига биноан аниқланади.

Масалан, умумий ўрта таълим мактабларининг асосий вазифаси ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаёт ва меҳнат, касб танлашга тайёрлашдан иборат.

Аниқ касб (ихтисослик) бўйича таълим мазмунини интегратив ёндашув асосида танлаб олишда унинг қайси соҳа бўйича ишлаб чиқаришга мансублиги ҳисобга олинади.

Интегратив ёндашув асосида касб-хунар таълими мазмунини танлаб олишда меъёрий асос таснифлагич ва ДТС, ТТС ҳисобланади.

Демак, касб-хунар таълими мазмунини танлаб олишда дастлабки асос тайёрланаётган мутахассис қайси соҳада ва қайси аниқ касб-хунар билан шуғулланишини аниқлаб олиш ҳисобланади. Ажратиб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга томон таҳлил этилади. Юқориги қатлам соҳага ва алоҳида ишлаб чиқариш ёки фаолият кўринишларига мос бўлади. Ўрта қатлам туташ касбларга тўғри келади; пастки қатлам эса алоҳида касблар, ихтисосликларга тўғри келади. Таҳлил боришида энг аввал умумий таълим мазмуни, кейин хусусий мазмун, яъни касб-хунарнинг ўзига тегишли мазмуни танлаб олинади.

Бундай дедуктив таҳлил мазмуннинг унификациялашган қисмларини ажратиб олиб, касбий таълим мазмунини илмий асосда маълум тизим ёки тузилмага келтириш имконини беради. Бу ёндашув ўқув дастурий ишлаб чиқиш (тузиш) имконини беради.

## **5.2. Касб таълими ўқитувчисининг модели.**

Ўқитувчининг касбий шаклланиши унинг жамиятдаги ўрни, талабанинг олий педагогик таълим муассасасидаги мажбуриятлари ва вазифаларига боғлиқ бўлиб, талабанинг ўрни нисбий тавсифга эга, бироқ унинг ўқув жараёнида иштироки, ўқув вазифаларининг маълум минимумини бажариш каби маълум белгиларга эга.

Талабанинг касбий шаклланиши унинг ўқув-педагогик вазиятларда ўзига хос хусусиятларининг ифодаланиши билан намоён бўлади. Ўқув

жараёнида ақлий, предметли-амалий ва мотивацион омиллар билан боғлиқ хислатлар айниқса ёрқин намоён бўлади. Шу билан бирга ушбу омиллар кўплаб умумий жиҳатларга ҳам эга. Бу соҳадаги махсус изланишлар натижалари кўрсатганидек касбий фаолиятга, шунингдек, жамиятдаги янги мавқега киришиш янгидан ҳосил бўладиган ҳодисалар қаторига киради.

Психологик тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, касбий ва билиш фаолияти мотивларининг ўзаро бирикмаси юқори даражадаги интилиш билан боғланиши (олимлар уни мотивацион мажмуа деб атадилар) ўқув фаолиятининг муваффақиятли амалга ошиши учун энг қулай шароитни юзага келтиради. Шу билан бирга, бошқа тадқиқотларнинг кўрсатишича, талабалар учун хос ва улар ўқув фаолиятининг муваффақиятини белгиловчи мотивларнинг ўзаро бирикмаси билиш ҳамда касбий мотивларнинг бирикмасидан иборат бўлади.

Талабадан ижодий фикрлашни, олинган натижалар билан ўртоқлашишни, қизиқишларни мувофиқлаштиришни, ҳамкорлик ва мулоқотни талаб қилувчи ижтимоий-педагогик муаммоли вазиятларни кўзда тутувчи ўқув жараёнида билиш мотивлари касбий мотивларнинг намоён бўлишига олиб келади. Бунда қайд этилган мотивларнинг бирлиги мотивацион хислатларни қайта қуришни шу таҳлитда таъминлайдики, натижада ижобий мотивацион ҳолатларнинг турғунлиги таъминланади.

Талабалардаги интеллектуал салоҳият белгиланган юқорироқ талаблар таъсирида катта ёшдаги мактаб ўқувчиларидан кўра сезиларли даражада кўпроқ юксалиш олади. Шу сабабли талабадан билиш қобилиятларининг мақсадни белгилай олиш, ўқув вазифаларини таҳлил қилиш, масалани ечиш йўлини танлаш қабилардан иборат яхши ривожланган мажмуасининг мавжуд бўлиши талаб қилинади. Ўз-ўзидан аёнки, барча талабалар ҳам бундай қобилиятларга эга эмас. Психолог олимлар томонидан олиб борилган махсус изланишлар талабалар интеллектуал фаолиятининг турли-туман эканлигини ва уларнинг орасида айниқса, интеллектуал салоҳиятининг алоҳида ажралиб туришини белгилаб берди. Талаба билиш эҳтиёжининг ва қобилиятларининг мавжудлигига боғлиқ равишда унинг фаолияти у ёки бу даражадаги фаоллик билан амалга ошади.

Талабанинг интеллектуал салоҳиятини тавсифлаш учун ўзида мослашувчанлик, мустақиллик, тезкорлик, ҳаракатчанлик сифатларининг мажмуасини ифодаловчи “ўрганувчанлик” тушунчасини қўллашга уриниб кўрилган. Гуманитар касб эгаси сифатида ўқитувчи учун юқори даражада ўрганувчанликка эга бўлишдан ташқари ёрқин намоён бўлувчи вербал типдаги интеллектга эга бўлиш талаб қилинади. У талабанинг тилларни эгаллаганлиги, катта луғат бойлигига эгаллиги, аниқ ва мавҳум тушунчаларни қиёслаб олиш кўникмасини, юқори даражада ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлишини аниқлатади.

Талабанинг ўз-ўзини бошқара олиши мотивацион хислатлар ёки интеллектуал салоҳиятга кўра камроқ даражада ўрганилган. Шунга

карамасдан, олимлар томонидан олинган натижалар ушбу омилнинг ўқув жараёнида намоён бўлишига оид айрим хулосалар чиқаришга имкон беради. Жумладан, ўз-ўзини бошқаришнинг учта ажратиб кўрсатилган индивидуал-типик турлари: автоном, тезкор ва турғунлик асосида талабаларда ўқув-педагогик вазиятларда ўз-ўзини бошқаришнинг турли хусусиятлари аниқланган. Бунда ҳар бир турнинг тавсифи юқори даражада ривожланган бошқарувчи хусусиятларнинг ўрғанувчанлик муваффақиятига амалга ошишига ёрдам берувчи “кучли” томонининг, етарлича ривожланмаган хоссаларнинг “заиф” томонини, шунингдек, “заиф” томоннинг “кучли” томон ҳисобига мувозанатловчи имкониятларининг тафсилотини ўзида мужассам этади (5.1-жадвал).

Ўқитувчилар ўзининг кучли ва заиф томонларини ҳар доим англашлари керак. Олимларнинг қайд этишича, кўрсатилган турларнинг ҳеч бири ўқув фаолиятининг муваффақияти нуқтаи назаридан бошқа биридан афзалроқ эмас. Бироқ, талаба (ўқитувчи) томонидан ўз бошқарув қобилиятларини билиб олиши ўз-ўзини бошқариш омилни тузатиб бориш заруриятини ҳамда йўналишини белгилаб олиш имконини беради.

#### 5.1-жадвал.

### Ўз-ўзини бошқариш турларининг умумий тавсифи

Ўз-ўзини бошқариш	«Кучли» томони	«Заиф» томони	Мувозанатлаш
Тезкор	Моделлаштириш жараёнлари, дастурлаштириш, ўзини тутиш дастурлари ҳамда ўқув ҳаракатлари детализацияси, уларни қайта қуришнинг мослашувчанлиги	Режалаштириш ва дастурлаштириш; ўқув мақсадларининг кам анланганлиги ҳамда турғун эмаслиги, режалаштириш ва моделлаштириш	Ўқув вазиятларига тез киришиб кетиш ва унда осон йўналиш олиш, ўқитувчи талабларига ҳамда вазият шартларига енгил мослаша олиш, ўқув мақсадларининг кам анланганлиги ҳамда турғун эмаслиги, ўқув фаолиятига осон киришиб кетиш билан мувозанатланади
Автоном	Режалаштиришнинг юқори даражада ривожланганлиги, натижаларни баҳолаш	Натижаларни моделлаштириш ҳамда баҳолаш жараёнларининг етарли эмаслиги, ўқув жараёнларида йўналиш олиш, режалаштириш	Ўқув вазиятлари олдиндан режалаштирилади ва ўйлаб олинади, доимий назорат ва тузатиш киритиб бориш
Турғун	Режалаштириш ҳамда баҳолаш жараёнларининг юқори даражада ривожланганлиги	Моделлаштириш	Ўқув фаолиятини доимий назорат қилиш ва тузатиш киритиб бориш



Шахсий имкониятларини баҳолай олиш қобилияти ҳамда шахсий индивидуалликни англаб етиш инсоннинг индивидуал хислат моҳиятини белгилаб олиш имконини берувчи ижтимоий жараённинг асосий ташкилий қисмлари ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчининг мавжудлик омилини тавсифлаб, шуни қайд этиш лозимки, қадриятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамма вақт ҳам талабанинг асл талабларига мос келавермайдиган, кўпчилик ҳолатларда эса у ёки бу масала тўғрисидаги ижтимоий меъёр ва тасаввурларни ёритишдаги субъектив баҳони ифодалайди.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, талабалар ўқув жараёнида ўз имкониятларини рўёбга чиқара олмаяптилар, ўз индивидуаллигини намоён эта олмаяптилар. Бу ҳолатни талабанинг касбий шаклланиши учун зарур бўлган қобилиятларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда ўз-ўзини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш, шахсий тажриба даражаси ва имкониятларини бошқа инсонлар билан қиёслаш каби кўникмаларнинг мавжуд эмаслиги билан тушунтириш мумкин. Амалга оширилган асословчи тажриба-синов ишлари натижасида, замонавий талабанинг шахси интеллектуал ривожининг сустиги, фикрлаш йўлларининг соддалиги, ҳиссиётларининг етарлича ривожланмаганлиги билан тавсифланиши аниқланди.

Бўлажак ўқитувчи касбий шаклланиши ҳодисасига талаба индивидуаллигининг намоён бўлиши сифатида ёндашиш нафақат у ёки бу вазиятларда индивидуалликнинг намоён бўлишидаги турли-туманликни кўзда тутаяди. Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши узоқ давом этувчи жараён бўлиб, уни қуйидаги бир неча босқичга ажратиш мумкин:

1) касб таълими йўналишида умумкасбий ва мутахассислик билимлари асосларини ўзлаштириш;

2) касб таълими бўйича ўзлаштирилган назарий билимларнинг амалий-лаборатория машғулоти, шунингдек, педагогик амалиёт жараёнида амалий кўникма ва малакаларини шаклланишига эришиш;

3) таълим муассасаларида касбий таълим йўналишида меҳнат фаолиятини олиб бориш даврида ўз устида мустақил ишлаш, ижодий изланиш асосида умумкасбий ва мутахассислик билимларини такомиллаштириш;

4) педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ёки факультетларида таълим олиш ёрдамида касб таълимини самарали ташкил этишнинг замонавий методик ва технологик ёндашувлари моҳиятидан хабардор бўлиш.

Ҳар бир талаба учун жараённинг давомийлиги ҳамда миқдори алоҳида белгиланади. Касбий шаклланиш жараёнининг белгилари мажмуаси ҳамда уларнинг касбий ва шахсий ривожланиш даражалари кўринишидаги намоён бўлиш даражаси асосида тасаввур қилиш мумкин бўлади.

Олий таълим муассасасида таълим олиш жараёни талаба индивидуаллигини, яъни, айти шароитда ижтимоий таъсир объекти бўлган психологик хислат ва сифатларни ривожлантириш учун имконият беради. Бунга биринчи навбатда талабанинг мақсадни қўя олиш, билим олиш мотивацияси, эришган ютуқлари ва бошқа мотивациялари, билиш қобилиятлари, ўқув-педагогик вазифаларни ҳал қила олиш усул ва йўлларини эгаллаганлик даражасини камраб олувчи ўқув жараёни киради. Шу билан бирга атрофдагилар таъсирида бошқа касбий ва ҳаёти жиҳатдан муҳим жараёнлар (ўзлигини англаш, ўз-ўзини баҳолаш) ҳам ривож топиши мумкин.

Индивидуаллик тўғрисида унинг барча омилларининг идеал даражада ривож топганлик даражаси маъносида сўз юритганда унинг психологик томондан ижодкорликнинг намоён бўлиши билан ажралиб туриши лозим, яъни, инсонга ижодий фикрлаш, ишга ижодий ёндашиш, ижодий муносабат каби сифатлар хос бўлиши керак. Бўлажак ўқитувчи учун ижодкорлик муҳим касбий белги ҳисобланади. Шу сабабли касбий шаклланиш жараёни психиканинг мос равишдаги жиҳатлари ривожини ва ижодий фикрлаш билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж, аслик, ноанъанавийликка интилишни ўзида акс эттириши лозим.

Бўлажак ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги ўз ифодасини ўқув-педагогик фаолиятнинг ностандарт ифодаланиш усулларида, ўз ишини расмийлаштиришдаги ўзига хосликларда, педагогик вазиятларни ҳал қилишда мустақил ечимларни топа билишда, изланувчан фаолиятга лаёқатнинг мавжуд бўлишида, фаолият топшириқлари ҳамда усулларини танлашга эркин ёндашишда, ташаббускорликда, ўз таклиф ва ғояларини эркин ифодалашда намоён бўлади.

Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикрлашнинг илмий таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиш, ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга интилиш ва ҳоказолар)нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бундай ўқитувчининг касбий фаолияти унинг ҳамкасблариникидан янги ёндашув ҳамда воситаларни топиш борасида тинмай изланиш олиб боришида намоён бўлади. Педагоглар орасидаги ижодкор индивидуалликнинг ёрқин намунаси сифатида ташаббускор ўқитувчиларни кўрсатиш мумкин.

Ўқитувчи касбий шаклланишида муҳим ўрин тутувчи ижодкорлик қобилияти ва унинг шаклланишини тадқиқ қилиш қатор илмий изланишларда махсус ўрганиш предмети бўлиб хизмат қилган. Бу ҳодиса педагогик фаолият субъекти томонидан шакллантириладиган, ўзида мотивацион, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, амалий ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш каби сифатлар мажмуини мужассам этувчи шахсий таълим сифатида инсон индивидуал қобилиятларининг яхлит намоён бўлиш шакли ва натижаси деб таърифланади.

Касбий иждокорлик олий тавсиф сифатида қаралади. У иждодий хусусиятга эга шахсий категория бўлиб, ўзида қуйидагиларни мужассамлаштиради:

- интеллектуал-ижодий ташаббускорлик;
- интеллектуал қобилиятлар, билимлар кенглиги ва чуқурлиги;
- зийраклик, қарама-қаршиликларни сеза олиш, иждодий иккиланишга мойиллик, ички яратувчанлик курашини ҳис қилиш қобилияти;
- ахборот етишмаслиги, янгиликни ҳис қила олиш, муаммоларда ўзига хосликни кўра олиш, касбий маҳорат, билишга ўчлик.

Бўлажак ўқитувчининг иждодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шароитлари қарама-қаршиликни ҳис қилиш, уларнинг ечимини топишда ўзига хослик ва мақсадга мувофиқликда, касбий нуқтаи назарининг таркиб топишида намоён бўлади.

Иждокорлик шахс иждодий ривожланишининг зарурий шарти сифатида намоён бўлади, унинг долзарблиги ва аҳамиятининг ортишида муҳим захира вазифасини ўтайди. Иждокорлик муаммоларга ҳозиржавоблик, сезгирлик, янги ғояларга очиқлик, ҳаётий муаммоларни ечиш йўлида турғун бўлиб қолган тасаввурларни бузиш ёки ўзгартириш, янги, қутилмаган ва ноанъанавий ечимларни топиш киради.

Иждокорликни тадқиқ қилиш мустақил таълим олиш ва иждодий индивидуалликни ривожлантириш мақсадида иждокорлик жараёнларини ташкил қилиш ва бошқаришнинг иждодий жараёни инновацион амалиётда моделлаштириш (айнан яратувчанлик фаолиятда шахснинг креатив потенциали ривож топади) билан боғлиқ мақбул шакллари аниқлаш имконини берди. Бу ўринда юзага келадиган мураккаблик иждодий ҳамкорлик фаолиятини яхшироқ ташкил қилиш ҳамда бошқариш билан белгиланади, зеро, бунда онгли иждодий индивидуаллигининг тўғридан-тўғри англамайдиган жараёнлари ҳам шаклланади.

Педагогикада педагогик иждокорлик динамик ҳодиса, мураккаб очиқ тизим, шахс ҳаётий дастури сифатида намоён бўлади. Замоनावий иждокор ўқитувчи педагогик фаолиятнинг репродуктив усули ва иждокорликдан бирини танлашда нафақат ўзлигини, ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқаради, у ўзини сифат жиҳатидан ўзгартиради, психологик тўсиқларни енгади, касбий аҳамиятли сифатларини ривожлантириш имкониятларини қидиради, ўз педагогик концепциясини ишлаб чиқади. Умуман олганда, ўқитувчининг педагогик фаолияти учун биринчидан инновацион йўналтирилган, иккинчидан, иждокорлик фаолияти жараёнида индивидуаллик сифатида ўзига йўналтирилганлик хос бўлади.

Малакали ўқитувчининг иждокорлиги ўзига хос фаолият кўриниши, метод сифатида намоён бўлади. Педагогик метод ўқитувчи ривожининг индивидуал хусусиятларининг синтези ва унинг касбий лаёқат даражаси билан белгиланади.

Бўлажак ўқитувчининг педагогик малакаси: индивидуал фарқлар, ўзини тутиши, фаолиятни ташкил этишда бошқаларга ўхшамаслик, касбий фаолият жараёнида юзага келувчи масалаларни ҳал қилиш усуллари билан белгиланади.

Ўқитувчининг педагогик методи шахс индивидуаллигининг ҳаётий фаолият шароитлари билан уйғунлашган яхлит тизими, шахс ижодкорлигининг манбаи ва ижодий фаолият натижаси кўринишида ўзлигини намоён қилиш воситасидир. Индивидуал фаолият методи негизида яхлит тизимни ҳосил қила олиш, фикрни тўлақонли ифодалаш, шахслараро муносабатлар жараёнида мувозанатни сақлаш билиш, синтезлаш ва топқирлик каби хислатлар ажратиб кўрсатилади.

Ўқитувчи касбий маҳоратининг намоён бўлиши асосида инсон салоҳияти индивидуал имкониятларининг долзарблашуви ётади. Табиий иқтидор, қобилиятнинг мавжудлиги долзарблашувнинг дастлабки сабаби бўлиб ҳисобланади; ундан кейин мақсадни белгилаш, шахсий моҳият ҳамда унга мос мотивлар тизими келтириб чиқарган долзарблашувга бўлган эҳтиёж эътиборга олинади.

Ўқитувчининг индивидуаллигида иккита: психологик ҳамда шахсий жихатни ажратиб кўрсатиш мумкин. Индивидуалликнинг психик жихати юқорида таъкидлаб ўтилганидек индивидга хос олти гуруҳдан иборат сифатларни ўзида мужассамлаштиради. Уларнинг педагогик фаолиятда намоён бўлиши умумий ва касбий қобилиятларнинг, шунингдек, касбий мотивациянинг намоён бўлиш даражаси билан белгиланади. Етарли даражада ривожланган қобилиятлар, мақсадлар, эҳтиёжлар доираси қанчалик кенг бўлса, ўқитувчининг касбий даражаси шунчалик юқори бўлади.

Шунингдек, шахсий жихат ўзида педагогик фаолиятда ўқитувчига кўйиладиган ижтимоий талаблар туфайли келиб чиқувчи сифатлар (болаларга муҳаббат, уларга бўлган ҳурмат ва эътибор, меҳрибонлик ва бошқалар)ни қамраб олади.

Ўқитувчи психологик жихатдан қанчалик ривожланган бўлса, унинг шахсий сифатлари шу даражада ёрқинлик касб этади. Зеро, фақатгина ўз фаолияти долзарблигини англаб етувчи ва тинимсиз ривожланиб борувчи инсонгина ўзининг ижтимоий ўрнини белгилай олади.

Кейинги йилларда инсон индивидуаллиги муаммосига қизиқиш ортиши муносабати билан ўқитувчи касбий аҳамиятли сифатларининг психологик жихатлари олимларнинг диққат марказида бўлиб қолди. Педагогика ва психологияда бу борада педагог шахси концепцияси асосида шаклланган бир қанча қарашлар мавжуд.

Ўқитувчи шахсининг касбий аҳамиятли тавсифининг таркиби анча кенг бўлиб, у ўнлаб ижтимоий ва психологик тавсифларни ўз ичига олади. Психологик тавсифлар қаторида педагогик фикрлаш, педагогик жихатдан ўзлигини англаш, педагогик тасаввурлар, ўз-ўзини педагогик жихатдан

баҳолаш, педагогик кузатувчанлик, педагогик башоратлаш, толерантлик, эмпатия кабилар умумэътироф этилган сифатлар ҳисобланади.

Қайд этилган сифатларнинг муҳимлиги юқори даражадаги нутқ ва интеллектуал ривожининг юқори даражаси ўқитувчининг илмий назариялар асосини англаш ва мос равишда узатиш учун шароит яратади. Ҳиссиётга бойлик, ўзгаларнинг қувонч-ташвишларини тушуна олиш, уларга ёрдам кўрсатиш, яратувчанлик қобилияти ва илмий ғояларга қизиқишни тарбиялаш, унинг амалий жихатдан мақсадга мувофиқлигига ишонтириш, амалий тажрибага ундаш имконини беради. Шу сабабли бўлажак ўқитувчининг педагогик фикрлашини ривожлантириш олий педагогик таълимнинг алоҳида муҳим вазифаси саналади.

Бир қатор махсус тадқиқотларда алоҳида сифатлар: педагогик фикрлаш, педагогик кузатувчанлик, педагогик башоратлаш кабиларнинг моҳияти ўрганилган. Тадқиқотчилар педагогик фаолият учун муҳим бўлган психологик сифатларни қараб чиқиш билан бирга уларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришга оид ёндашувларни ҳам баён қилганлар.

Жумладан, ўқитувчида ўз-ўзини бошқариш, қатъийлик, журъатлилик, кўрқмаслик; атрофдаги инсонларга ҳурмат ва эътибор, камчиликларини ҳис қилган ҳолда ўз имкониятларига ишониши, ўз-ўзини фаолиятини баҳолашда ҳаққонийлик; кучли ирода, ўз куч-қувватини йўналтира олиш; фаолият ва мақсадни амалга ошириш йўлида ўз имкониятларини жамлай олиш; белгиланган мақсадни амалга оширишда ўз фаолиятини бошқариб бориш; ақлий фаоллик ва ўзгарувчан шароитларда ўз ахлоқини қайта қура олиш; шахсни ҳаракатга келтирувчи куч ва ижтимоий борлиқ билан ўз имкониятларини қиёслай олиш омили сифатида ўз-ўзини ҳурмат қилиш сифатлари ривожланган бўлса, у касбий маҳорат даражасига эриша олиши мумкинлиги аниқланган.

Бундан ташқари, касбий маҳоратли ўқитувчига қўшимча куч-қувват берувчи аниқ юқори ғояларни кўзда тутувчи мақсаднинг мавжудлиги; фаолиятнинг ташкиллаштирилганлиги ва аниқлиги; муваффақиятга эришишга интилувчанлик, бу йўлда бутун куч-қувватини сарфлай олиш каби хислатлар хос бўлади.

Бу эса ўқитувчи касбий маҳорати бошқа мутахассисларнинг индивидуаллигидан юқорида қайд этилган сифатларнинг мавжудлиги билан фарқланишини кўрсатади.

Етук касбий шаклланганлик умумкасбий ва мутахассислик фанларини пухта билиш, ўқувчиларни касбга йўналтиришда алоҳида фаолият кўрсатиш, ташкилотчилик, ижодкорлик, ўқувчилар билан муносабатни юқори даражада ташкил эта олиш, муомала ва юриш-туриш маданиятига эгалик каби сифатларнинг мажмуи ва унинг юқори даражасини ифодалайди.

Психологияда қобилиятлар билим, кўникма ва малакаларни тез ва осон ўзлаштириш; муайян фаолият турини муваффақиятли бажариш имконини берувчи индивидуал-психологик хусусиятлар ёки инсоннинг ташқи олам

тасаввур қилишдаги ўзига хос сезгирлик ва унга мос равишда жавоб бериш каби мураккаб ҳодиса сифатида эътироф этилади.

Сўнгги пайтларда психологияда қобилиятлар функционал тизимнинг ишончилиги ҳамда фаолият кўрсатиш тезлигида намоён бўлувчи маҳсуллик даражасида акс этувчи ўзига хос психологик хусусият сифатида қаралмоқда.

Индивидуал фарқлар амалда педагогик фаолиятнинг деярли барча кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Индивидуал фарқларнинг таркиб топиши ўқитувчининг педагогик муҳитга кириб бориши, ўзини бошқа педагоглар билан қиёслаш давомида амалга ошади. Ҳар бир ўқитувчи бошқа ҳамкасбларидан таълим усуллари танилаш, уларни ўзаро уйғунлаштириш, болаларга ёндашиш, ҳаракат динамикаси, даъвогарлик даражаси, хато ва қийинчиликларининг табиати билан ўзаро фарқ қилади.

Психологик нуқтаи назардан педагогларни ҳиссий сифатлари; педагогик маҳорати даражаси; методик малакаси ҳамда фикрлаш қобилияти юқори бўлган педагоглар сифатида тўрт гуруҳга ажратиш мумкин.

Шахсга йўналтирилган таълим ўқитувчидаги ўз касбининг моҳиятини англаб етиш, кадриятлар ва мақсадларни танилаш, болалар учун шахсий жавобгарликни ҳис қилиш, инсонпарвар педагогик позиция, таълим-тарбия жараёнларини ижодий асосда қуриш, ўз педагогик “асар”ларининг сифати ва бошқаларга юқори талабларни белгилайди. Замонавий шароитларда ўқитувчининг индивидуал стили кўшимча кўрсаткичларга эга бўлмоқда. Ижодий ва инсонпарвар йўналишга эга бўлган ўқитувчи касб талабларидан ўзиб кетиши ва унинг ривожланиш истикболларини кўра олиши, ички ижтимоий масъулият ва жавобгарлик ҳис қилишлик, индивидуал мустақил танилашга қодир бўлиши мумкин.

Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши касбий аҳамиятли сифатларнинг эндигина таркиб топиб келаётганлиги билан тавсифланади. Уларнинг таркиб топиши индивидуалликнинг айни пайтда ривожланиб келаётганлигини кўрсатувчи ўзига хос белги бўлиб хизмат қилади. Ўқув-педагогик фаолиятнинг айнан мана шундай шароитларда талабада педагогик фаолият учун хос бўлган психик ва шахсий маҳсуллар пайдо бўлиши мумкин.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини шакллантиришда мезонлари педагогик-психологик, методик, умуммуҳандислик ҳамда ихтисослик фанлар мазмуни қуйидагилардан таркиб топади:

- мотивацион хислатларга эгаллигига кўра – касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ундовчи рағбат (энг янги билимларни ўзлаштиришга интилиш, ахборот ресурс маркази орқали янги ахборотларни олиш эҳтиёжи, илғор тажрибаларни ўрганиш эҳтиёжи, педагогик маҳоратнинг юқори даражасига эришишни кўзлаш, педагогик фаолиятда муваффақиятга эришишни кўзлаганлик, ўқитувчилар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилиш хоҳиши, педагогик жамоасидаги барча касбдошлари томонидан тан олинисига интилиш, илмий-техник тараққиётнинг асосий йўналишларини

билишга интилиш, ишлаб чиқаришда қўлланилаётган янги материаллар, техника ва технологиялар ҳақида билимларга эга бўлиш, конструкциялаш, лойиҳалаш ва бошқа шу кабилар);

- интеллектуал салоҳиятга кўра – педагогик фикрлаш (педагогик далил, ходиса, жараён ҳамда тизимларни таҳлил қила олиш; педагогик вазиятларда ижодий, мослашувчан, танқидий, тизимли, ҳаракатчан, тезкор фикрлай олиш), педагогик эрудиция, педагогик сезгирлик, педагогик зийраклик, педагогик башорат қила олиш, кузатувчанлик, педагогик тасаввур, башоратлаш, педагогик ижодкорлик, меҳнат воситалари, технологик жараённинг асослари; ишлаб чиқариш жараёни функциялари, технологик машиналарнинг умумий тузилиши, ишлаш принципи, анализ, синтез, техника ва технологиялар орасидаги умумийлик, типиклик ҳамда хусусийликни билиш ва бошқалар;

- иродавий сифатларига кўра – педагогик мулоқотда чидам ва ўзини тутиб тура олишда, педагогик фаолиятни амалга оширишда, педагогик мақсадларга эришишда, ўз фаолиятининг аҳамиятини оширишда, ўзлигини ривожлантиришда, техник фикрлашда, техник объектларни ишга туширишда, созлашда, таъмирлашда, режалаштирилган технологик жараённи охирига етказишдаги қатъийлик;

- ҳиссий сифатларига кўра – ўқувчиларнинг ўй-кечинмалари, қувонч ва ташвишларини тушуна олиш, ҳамфикрлик, мамнунлик, болажонлик, очиклик, ҳиссиёти, ўқувчиларнинг ёш-физиологик хусусиятларини эътиборга олиш, техник объектлар ҳамда амалий ҳаракатларнинг мураккаблигини ҳис қилиш, технологик жараёнларни, изланувчанлик, ихтирочилик, кашфиёт, техник ижодкорлик, шунингдек, руҳий муҳитни бошқара олиш;

- амалий кўникмаларга эгаллигига кўра педагогик қобилиятлар, педагогик кўникмалар, режалаштириш, график-чизма ишларини бажара олиши, технологик хариталарни ўқий олиш, технологик жиҳозларни бошқариш, созлаш, нуқсонларини бартараф этиш, техник объектларга ишлов бериш кўникмалари, бир ҳаракат ҳолатидан иккинчи ҳаракат ҳолатига кўчира олиши, ҳаракат ва амалларни янги вазиятларда қўллай олиши, янги ахборотлар ичида тез йўналиш олиши, ўзини касбий-ахлоқий жиҳатдан тутиши;

- ўз-ўзини бошқариш олишига кўра – фаолияти ва ўзини таҳлил қилиш, баҳолаш; фаолияти, индивидуал мулоқот методини ижтимоий-касбий соҳадаги тажрибалар билан қиёсий баҳолаш; ижодий жараёнда рефлексия қила олиш қобилияти, ўз индивидуаллигининг ривожланиши, касбий фаолияти ва хулқидаги шахсий фазилат ҳамда камчиликларини аниқлай олиш қобилияти, касбий ривожланишда давом этиш имкониятларини аниқлаш кўникмаси, унга нисбатан ўз муносабатини бошқара олиш.

Ижодкор индивидуалликнинг энг турғун белгиларидан бири сифатида унинг ўзини ижодий жиҳатдан намоён қила олиши қабул қилинган. Бўлажак ўқитувчининг ижодкор индивидуаллигини бир нечта йўналишда кузатиш

мумкин: биринчидан, умумилмий фанларни ўзлаштиришида (талаба билиш фаолияти субъекти сифатида намоён бўлишга интилади, бу мисол учун ўрганилаётган билимларни бўлажак касби билан боғлашга интилишда намоён бўлади); иккинчидан, назарий ва амалий касбий тайёргарлик жараёнида (талаба ўз ҳисларини умумлаштириш, ўзини ўқитувчи сифатида моделлаштириш, бунда мавжуд назарий қолипларга тушиб қолмасдан ўз шахсий моделини яратиши). Назарий ва методик фанлар талаба учун фақатгина таянч нуктаси, дастлабки асоси сифатида хизмат қилади. Талаба ўқув-педагогик вазифаларни ҳал қилишда ўзига хос усулларни топишга интилади. Бунда ижодкор индивидуаллик оддий олинган юқори даражадаги ўрганувчанлик билангина чегараланмайди.

Индивидуалликнинг ижодкорлик жиҳати бугунги кунда таълим муассасаларида жорий этилаётган замонавий инновацион педагогик жараёнлар билан боғлиқликда алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш мезонлари ишлаб чиқилди (5.1-расм).

Бўлажак ўқитувчи индивидуаллик сифатларининг ривожланиши уни касбий тайёрлашнинг мақсадларидан бири сифатида юзага келади.

Юқори даражада ривожланган индивидуалликка эга ўқитувчигина ўқувчиларининг индивидуаллигини шакллантириш ва ривожлантириш заруратини тушуниб етишга, бу жараённи муваффақиятли амалга оширишга қодир бўлади.

Бўлажак ўқитувчи касбий шаклланишининг юқорида кўрсатилган таркибий омилларининг яхлитлиги фикрлаш ва педагогик фаолиятнинг янги асосларда амалга оширишини таъминлайди, бу эса унинг бетакрор касбий тажрибаси аҳамиятининг ортишига олиб келади.

Ўқитувчида касбий маҳорат шакллансагина - ўқитувчининг касбий шаклланиши таркибий қисмларнинг яхлит мажмуаси сифатида амалга ошади. Олий педагогик таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш муайян шарт-шароитлар ҳамда самарали воситаларнинг мавжудлигини тақозо этади.



## Замонавий касб таълими ўқитувчиси



**5.1-расм. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш мезонлари**

Касб таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиш жараёни энг муҳим икки босқичда кечади. Улар қуйидагилардир:

1-босқич: касб таълими ўқитувчиси томонидан таълим муассасасида касбий билимлар асосларини ўзлаштириш даври (назарий билимларнинг ўзлаштириш, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилувчи ўқув-амалий машғулотлари (устахона ишлари, лаборатория машғулотлари, семинар машғулотлари, педагогик амалиёт), ҳосил бўлган кўникмаларнинг малакага айланишини таъминловчи муаммоли, ижодий изланишни талаб этувчи амалий машғулотлар (жумладан, курс ва битирув малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган машғулотлар) ва бошқалар).

2-босқич: мустақил равишда касбий фаолият ташкил этиладиган давр (мустақил таълим олиш асосида касбий малакани ошириб бориш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, шахсий педагогик тажрибаларни таҳлил этиш, турли босқичдаги (халқ таълими бўлимларининг вилоят, шаҳар, туман ҳамда таълим муассасаси негизидаги) методик бирлашмалар фаолиятида фаол иштирок этиш, ҳамкасбларининг фаолиятини бевосита кузатиш (очик дарслар асосида), педагогик ўқиш, илмий анмуман (илмий-назарий ва илмий-амалий конференция ҳамда семинар)ларда иштирок этиш, педагогларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида касбий малакани ошириш ҳамда хорижий мамлакатларда тажриба алмашиш (5.2-расм).

5.2-расмдан кўринадикки, касбий шаклланиш босқичлари нафақат касбий шаклланишнинг жараёнлилик омили, балки шаклланишнинг натижаси сифатида ўз аксини топади: бу ўринда айнан нима юзага келиши, таркиб топиши, шаклланиши ва яратилишини акс эттиради.

«Таълим» тушунчасининг моҳияти ушбу сўзнинг туб маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, шахс қиёфасини, ёки бошқача айтганда муайян кўриниш, модел, ҳақиқат (аниқроқ айтганда, муайян қиёфа-моделли тизим)ни шакллантиришга қаратилган.

Шундай қилиб, таъкидлаш мумкинки, касбий шаклланиш қандайдир билимлар мажмуасини жамлашдан иборат эмас экан.



**5.2- расм. Касб таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиш жараёнининг асосий босқичлари**

## Назорат саволлари

1. Касб таълими мазмунини модернизациялаш.
2. Касб таълими ўқитувчисининг модели.
3. Касб таълими мазмунини модернизациялаш.

## Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

## **6- Маъруза. Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари**

### **Режа:**

6.1. Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.

6.2. Касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш.

**Таянч тушунчалар:** касб таълим, касбий фаолият, функциялар, коммуникатив компонент, гностик компоненти, лойihalаштириш фаолияти, касбий таълим, методик фаолият, ташкилотчилик фаолияти, мутахассис модели, малакавий тавсифнома.

### **6.1. Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.**

Ўқитувчи фаолиятининг гностик компоненти замонавий ахборот технологиялари имкониятларини ва таълим берувчи ҳамда таълим олувчининг ахборот технологияларидан фойдаланишда фаолият турлари: ахборот-ўқув фаолияти, тажриба-тадқиқотчилик фаолияти, ахборотни қайта ишлаш, тақдим қилиш ва олишга оид фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат. Тадқиқотчилик функциясини бажариш ахборот технологияларивоситаларидан фойдаланган ҳолда таълим олувчилардан, ўқув-тарбия жараёни ҳақида ва таълим олувчилар жавоблари таҳлили, уларнинг билим, кўникма ва малакалари даражаси, бошқа турдаги ахборотларни олиш, ўқув фаолияти натижаларини коррекциялаш, компьютер педагогик тест ва психодиагностика ўтказиш, ахборот технологияларидан коммуникация воситаси сифатида илғор педагогик технологияларни омалаштириш мақсадида фойдаланиш малакалари талаб этилади, бунда АТ ўқитувчининг тадқиқотчилик вазифасини бажариши учун восита бўлиб хизмат қиладиги, бундай фаолиятни амалга ошириш учун билим, кўникма ва малакалар мажмуи зарур.

Конструктив компонент машғулотлар, синфдан ташқари тадбирларни муайян шароитларда тайёрлаш ва режалаштириш: маълум дастур, дастурий таъминот, ўқув-методик адабиёт, таълим олувчиларнинг ривожланганлик даражаси, таълим муассасасининг педагогик йўналганлиги, минтақанинг ижтимоий буюртмаси, ота-оналар манфаатлари ва ҳ.к. доирасида ишлаш билан боғлиқ фаолиятни қамраб олади. Машғулотларга материални саралаш ва тайёрлаш учун турли: ихлаш-маълумотнома тизимлари, маълумотлар базалари, инструментал дастурий воситалар, телекоммуникация воситалари каби АТ воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда компьютер педагогик дастурий воситалардан фойдаланиб ўқитишда восита сифатида тобора фаол қўлланмоқда. Қолаверса, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини автоматлаштириш

воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу билан ахборот-методик материалларнинг ўқув жараёнини ташкил қилувчилар (ўқитувчилар, тарбиячилар, методистлар, илмий мужиолар, директорлар) учун очиклиги ва фойдаланувчиларнинг ҳар тоифаси ахборот билан ўзи учун қулай шаклда тезкор таъминланади. Бундан ташқари, АКТ воситалари зарур ахборотни юритиш, сақлаш, тўплаш, таҳлил қилиш, содда элементлардан таркиб топган мураккаб матнларни (методик тавсиялар, муаллифлик дарслари конспектоари, дастурлар, ролли ва иш ўйинлари, синфдан ташқари тадбирлар ва ш.к.) конструкциялашни таъминлайди. Бу босма материаллар тайёрлаш учун зарур ахборотнинг қатъий нусхасини олиш имконини беради.

Ўқитувчининг лойиҳалаштириш фаолияти керакли маълумотларни компьютерда узоқ муддат тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш натижасида ўқувчилар ва ўқув жараёни параметрларидаги ўзгаришлар тенденциялари тўғрисида ретроспектив ахборот мавжуд бўлганда тобора сермахсул бўлади. Бу ҳолда ўқитувчи ҳар бир таълим олувчининг кейинги ривожланиши ва таълимнинг якуний натижасини ишончли пронозлай (башорат қила) олади.

Ўқитувчи фаолиятининг лойиҳалаштириш фаолияти педагогик дастурий воситалар сценарийларини ишлаб чиқиш ва уларни ё маълум дастурлаш тилидан фойдаланиш асосида, ё турли типдаги инструментал дастурий воситалар ёрдамида амалий реализациясини кўзда тутди.

Коммуникатив компонент ўқитувчи ва таълим олувчиларга биргаликда ахборот олиш, умумий муаммоларни ҳал қилишга ҳамкорлик қилиш, ўз ғоя ва шарҳларини эълон қилиш, масалаларни ҳал қилиш ва уларни муҳокама қилиш имконини берадиган телекоммуникация воситаларидан фойдаланиш шароитида фаолиятни кўзда тутди.

Ўз фаолиятининг коммуникатив компонентини такомиллаштириш учун ўқитувчи турли психодиагностик компьютер дастурларидан, шунингдек, иш мулоқоти даражасини ташхислаш учун эксперт баҳолаш дастурларидан фойдаланиши мумкин.

Ўқитувчи фаолиятининг ташкилотчилик компоненти ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ ҳаракатларни ўз ичига олади. Ахборотлаштириш воситаларидан фойдаланиб иш олиб бориш маъносила ўқитувчида техникани ишга тайёрлаш, уни педагогик жараённинг турли босқичларида моҳирона қўллаш, таълим олувчиларнинг мустақил, гуруҳда ва якка тартибдаги ишларини компьютер техникаси, шунингдек, ўқув-тарбия жараёнини бошқаришни дастурий воситалар ёрдамида ташкил қилиш малакаларини эгаллаган бўлиши керак.

Касб таълими ўқитувчисининг таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан боғлиқ касбий фаолияти турли компонентлари мазмунининг ўзига хосликлари унинг касбий фаолиятининг ҳар бир таркибий қисми ўқитувчидан маълум назарий билим ва амалий кўникмаларни талаб қилади. Е.Ю.Диканский моделига мувофиқ, фаолиятнинг конструктив таркибий қисми компьютер таълимининг дидактик

асослари ва АКТ нинг ўқув-тарбия жараёнини ахборот-методик таъминлаш ҳамда бошқариш воситаси сифатидаги имкониятларига оид билимлар; таълим жараёнининг турли босқичларида ИКТ ни педагогик жиҳатдан саводли қўллаш; таълим олувчилар билан мулоқотнинг турли вазиятлар учун оптимал услубини танлаш; АКТ дан ўқув вазиятини моделлаштириш учун фойдаланиш; объектга йўналтирилган дастурий воситаларни ёки тизимларни ўқув фаолияти маданиятини шакллантириш учун қўллаш малакаларини кўзда тутати.

Фаолиятнинг гностик компоненти учун компьютер таълимнинг назарий асосларини билиш; таълим натижаларини баҳолаш фаолиятини ташкил қилишга замонавий ёндашувларни билиш; таълим жараёнида АКТ дан фойдаланиш билан боғлиқ илғор педагогик тажрибадан хабардор бўлиш; АКТ дан шахсни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланиш малкаси; АКТ дан атрофдаги воқеликни билиш воситаси сифатида фойдаланиш малкаси; АКТ воситалари имкониятларидан таълим жараёни натижаларини қайта ишлаш ва визуаллаштириш учун фойдаланиш малкаларини талаб қилади.

Лойиҳалаштириш фаолияти таълим жараёнини қўллаб-қувватлаш учун компьютер дастурларини лойиҳалаштиришнинг психологик-педагогик жиҳатларини билиш; дарснинг электрон қисми сценарийсини ишлаб чиқиш ва уни турли типдаги инструментал воситалар ёрдамида амалга ошириш малкаларини кўзда тутати.

Коммуникатив фаолият ўқув-методик ахборот олиш ва ватанимиз ҳамда хориж педагогик тажрибасини таҳлил қилиш мақсадида телекоммуникацияларнинг имкониятларини билиш; телекоммуникацион тармоқларнинг масофавий таълимни амалга ошириш имкониятларини билиш; касбий йўналишга оид сайтларда ўқув мақсадидаги дастурлар аннотацияланган каталоглари маълумотлар базаси орқали дастурий-методик воситаларни излаш; Internet конференция ва масофавий олимпиадаларда иштирок қилиш малакаларини кўзда тутати.

Ташкилотчилик фаолияти ўқитишнинг дастурий-методик ва техник воситалари таркиби ва характеристикаларини билиш; АКТ ёрдамида таълим жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган санитар-гигиеник ва эргономик талабларни билиш; умумий вазифали дастурий ва техник воситаларни эгаллаганлик; АКТ ёрдамида ўқув-тарбия жараёнини назорат қилиш ва бошқаришни ташкил қилиш малакалари; АКТ ни интеллектуал ҳордиқни ташкил қилиш воситаси сифатида қўллаш малакаларини ўз ичига олади.

Касб таълими ўқитувчисига нисбатан олганда бу функциялар сақланиб қолади, устига устак муҳандислик, техник-технологик ва ижтимоий функциялар қўшилади. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий фаолият объектлари сифатида яхлит педагогик жараён қатнашчилари ва воситалари майдонга чиқади

**касбий таълим**- умумкасббий ва махсус фанларданназарий таълимни, шунингдек, информатика, ҳисоблаш техникаси ва компьютер технологиялари соҳасидаги турдош касблар гуруҳи бўйича ишлаб чиқариш (амалий), амалий таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан биргаликда илғор ахборот технологияларини қўллаш, уларни таълим жараёнига татбиқ қилиш билан ташкил қилади ва олиб боради;

**методик фаолият**- таълим, ўқитишнинг хусусий методикалари ва инновацион фаолият мазмунининг педагогик лойиҳаларини яратади, ўқув-методик ҳужжатларни (асосий касбий таълим дастурлари, ўқув режа ва ўқув фанлари дастурлари, қўлланма ва тавсиялар) ишлаб чиқади;

**ташкilotчилик фаолияти**- касбий таълим ва кадрлар малакасини ошириш шакллари ва методларини такомиллаштиради, касбий тмуассасалари ва ташкilotларда ташкилий-бошқарув ишларида, таълим муассасалари моддий базасини жиҳозлар ва ривожлантиришда қатнашади;

**ўқув-тарбия иши**- ёшларни касбга йўналтиради, замонавий ишчининг касбий муҳим ва аҳамиятли сифатларини тарбиялайди ва ривожлантиради;

**илмий иш** - информатика, ХТ ва КТ соҳасига муаммолар бўйича тажриба-синов ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил қилади ва иштирок этади.

Асосийсини ажрата билиш, зарур ахборотни саралаш ва уни ижодий қайта ишлаш.

Аналавийларидан қарқли ўқитиш ва тарбия усул ҳам методларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш малкаси.

Ўқув материали ва мослаштирилмаган материални таълим олувчилар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ва муайян дидактик мақсадга мувофиқ ўзгартириш малакаси.

Машғулотнинг ташкилий-педагогик ва мантиқий-психологик структурасини ижодий ва асосли кура билиш малакаси.

Алоҳида таълим олувчилар ва жамоа учун топшириқларни педагогик мақсадга мувофиқ белгилаш, улар мантиқини илгари сурилган мақсадга мувофиқ ўзгартириш (алмаштириш).

Таълим олувчилар ҳаракатлари ва уларнинг фаолиятига педагогик раҳбарлик структурасини режалаштира билиш.

Тинглаш ва суҳбат куриш малакаси.

Материални эмоционал, тушунарли ва мантиқий изчилликда баён қилиш малакаси.

Нутқ маданияти, эрудиция.

Коммуникативлик, мулоқот ва раҳбарликнинг демократик услуби.

Алоҳида таълим олувчилар, кичик гуруҳлар ва таълим олувчилар жамоалари билан, шунингдек, ота-оналар ва ўқитувчилар билан педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатлар ўрната олиш малакаси.



## **6.2. Касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш**

Ўқитувчи фаолиятини яхлит тизим сифатида ўрганиш муҳим илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади.

Уни ҳал этишда, моделлаштириш муҳим ўрин тутди. «Моделлаштириш тадқиқотчилик фаолиятининг яхлит туркумини акс эттиришга хизмат қилади. Тадқиқотчи туркум моҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқади. Зеро, у якуний модел сифатида назарияни хулоса ва ғоялар билан бойитади. Демак, моделлаштириш танланган объект туркум кўринишида тасаввур этишга имкон беради».

«Мутахассис модели» тушунчасига нисбатан турли қарашлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар мутахассис модели дейилганда, муайян соҳа мутахассисининг умумлаштирилган образи сифатида ўрганилаётган объектнинг асосий хусусиятларини акс эттирувчи тасвирий ўхшатишни тушуниш кераклигига урғу берадилар.

Моделнинг муайян вақтнинг ўзиде тасвирий шаклни аниқлаш ҳамда уни қуриш «технологияси»дан иборат эканлигини қайд этувчи қарашлар ҳам мавжуд.

Учинчи гуруҳ вакиллари эса «мутахассис модели» тушунчаси моҳиятида билим, кўникма ва малакалардан ташқари шахснинг шахсий сифатлари, маданияти ва бошқа хусусиятлари ҳам намоён бўлиши зарурлигини ёқлайдилар.

Н.Ф.Тализина томонидан, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнини моделлаштиришга нисбатан умумметодологик ёндашув ишлаб чиқилган. Моделда кутилаётган натижа ва унга эришиш йўлларининг узвий бирлиги акс этиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб, муаллиф қуйидагиларни баён этади: «Мутахассис модели муаммоси ўқув режалари каби ўқув дастурларининг ҳам мазмунини аниқлашда муҳим ҳисобланади».

Касбий тайёргарликнинг сифати қуйидаги учта асосий вазиятнинг асосланганлик даражасига боғлиқдир: ўқитиш мақсадлари (нима учун ўқитилади?), ўқитиш мазмуни (нима ўқитилади?) ва ўқув жараёнини ташкил этиш тамойилари (қандай ўқитилади?) даражасига боғлиқ бўлади.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, бу жараёнда мақсаднинг аниқ белгиланиши, мутахассис моделининг таркибий асосларини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассис модели қуйидаги учта таркибий асосдан ташкил топади:

1. Янги ижтимоий босқичга хос бўлган хусусиятлар асосида юзага келган фаолият турлари.
2. Касбий талаблари аниқ кўрсатиладиган фаолият турлари.
3. Давлатнинг ижтимоий-сиёсий тузилмаси ҳамда унинг маънавий-ахлоқий тизими моҳиятига кўра ташкил этилувчи фаолият турлари.

Юқорида келтирилган фаолият асослари маълум мутахассис учунгина эмас, балки барча мутахассисликлар вакиллари учун ҳам зарур бўлган

маҳорат (шунингдек, маълум билимлар)ни ўз ичига олади. Масалан, ўқиш маҳорати, жамоани бошқара олиш, ижтимоий фаолиятни ташкил этишга тайёрлик. Кейинги икки фаолият тури маълум касб учун қўйилувчи аниқ талаблар даражасини белгилайди.

Аmmo, олий маълумотли мутахассислар томонидан ташкил этилувчи фаолият турларига кўра барча талабларни қуйидаги учта гуруҳга бирлаштириш мумкин: 1) тадқиқотчилик фаолиятини олиб боришга имкон берувчи маҳорат; 2) умуммуҳандислик ва ихтисослик фанлари бўйича назарий ва амалий масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган маҳорат; 3) талабаларни педагогик ва методик фаолиятга тайёрлашни таъминловчи маҳорат.

Касб таълими ўқитувчиси аввало таълим мазмунини лойиҳалаштириш билан боғлиқ қуйидаги маҳоратлар тизимини эгаллаб олиши керак: ўқитиш мақсадларини (таълимий, тарбиявий ва ривожлантириш) конструктив тасвирлаш; ўқувчиларда маълум касб фаолияти бўйича билим, кўникмаларнинг шаклланиш даражасини ақс эттирувчи кўрсаткичларни аниқлаш; ушбу кўрсаткичларнинг ақс этишига имкон берувчи чизмалар, схемалар, лойиҳалар, техник-технологик ҳамда ташкилий-иқтисодий машқлар ва таълим методлари, шаклини тўғри танлаш; уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш; ўқувчилар томонидан назарий ва амалий билим ва кўникмаларнинг шакллантирилиши ва ҳоказолар борасидаги зарур маълумотларга эга бўлишни таъминловчи кўрсаткичларни аниқлаш.

Касбий шаклланиш жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг индивидуал хусусиятларини ўрганиш, ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ҳамда унинг натижаларини баҳолаш муҳимдир. Ўқув фаолиятининг зарур тарбиявий натижасини аниқлашга хизмат қилувчи маҳоратлар алоҳида тизимни ташкил этади. Маънавий дунёқараш ва унинг моҳияти ҳамда умумий маданиятлилик даражасига қўйилувчи талабларни ўз ичига олади.

Тузилиши нуқтаи назаридан мутахассис модели уни ўзгартириш ва тузатиш имконини берувчи, фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ва осон ташхис (диагностика) қилинадиган таркибий қисмларни ўз ичига олиши зарур. Икки қисмли тузилмага эга бўлган мутахассис модели энг кўп тарқалган модел ҳисобланади.

Мутахассис модели - бу ишлаб чиқариш соҳасида юзага келадиган муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини ақс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Ушбу моделни яратишда касбий фаолиятнинг маълум тури учун мувофиқ келадиган шахсий сифатлар тўплами тартибга солинади. Мутахассис моделининг турларидан бири малакавий тавсифнома ҳисобланади. Унинг мазмунида қуйидаги ҳолатлар ақс этади: турли лавозим ва турли иш жойлари учун хос бўлган касбий фаолият турлари, вазифа ва мажбуриятлар, шахсий сифатлар, билим ва кўникмалар. Бундай моделлар

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни аттестациядан ўтказиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини тузишда муҳим аҳамият касб этади.

Малакавий тавсифнома меъёрий модел деб ҳам аталади. Бу мутахассис фаолияти ва шахсига қўйиладиган умумий талабларни акс эттирувчи махсус паспортдир.

Малакавий тавсифнома борасидаги яхлит ва амалий аҳамиятга эга маълумотлар Е.М.Борисова томонидан аниқланган. Муаллиф фикрича, малакавий тавсифноманинг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Шахсий хусусиятлар.
2. Фаолиятнинг асосий соҳа ва турлари.
3. Улар фаолият олиб борувчи ташкилотларнинг турлари.
4. Улар эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар.
5. Шахсий сифатларга нисбатан қўйилувчи талаблар.
6. Касбий маҳорат қўйилувчи талаблар.
7. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг тартиби.
8. Касбий билим даражасига қўйиладиган талаблар.

Юқорида келтирилган тузилмага биноан касб таълими ўқитувчисининг малакавий тавсифномасида қуйидагилар ўз ифодасини топади:

#### **I. Фаолиятнинг асосий соҳаси ва турлари:**

а) фаолият соҳаси:

- 1) таълим;
- 2) бошқарув ва бошқалар.

б) фаолият турлари:

- 1) ўқув;
- 2) методик;
- 3) тарбиявий;
- 4) ташкилий;
- 5) илмий (раҳбарлик);
- 6) кадрлар билан ишлаш;
- 7) тадбиркорлик;
- 8) экспертлик ва бошқалар.

Улар фаолият олиб борувчи ташкилотлар:

- 1) таълим;
- 2) умумий ўрта таълим муассасалари;
- 3) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлар, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари);
- 4) олий таълим муассасалари;
- 5) олий таълимдан кейинги таълим муассасалари (малака ошириш курслари ва кадрларни қайта тайёрлаш марказлари);
- 6) таълимни бошқариш органлари;

7) ўқув курслари, махсус ўқув юртлари, бизнес марказлари, тилга жадал ўргатиш курслари.

## **II. Лавозимлари:**

- 1) касб-хунар коллежларида умумкасбий фанлар ўқитувчиси;
- 2) касб-хунар коллежларида махсус фанлар ўқитувчиси;
- 3) методист ва бошқалар.

## **IV. Шахсий сифатларга талаблар:**

- 1) психологик;
- 2) мулоҳазали;
- 3) ахлоқий;
- 4) фаолиятни ташкил этиш маҳорати ва усулларига қўйилувчи талаблар.

## **V. Лавозим бўйича амалга оширилувчи вазифаларнинг рўйхати.**

Мутахассис касбий фаолияти модели турларидан бири касбий тавсифнома (профессиограмма) ҳисобланиб, у инсоннинг шахсий сифатлари, психологик қобилият ҳамда жисмоний имкониятларига қўйиладиган касбий талаблар, шунингдек, касбий шаклланиш технологияларини муайян тартибга солувчи ҳужжатдир.

Касбий тавсифнома мутахассисга касб талабларини самарали бажариш, ижтимоий жамият учун зарур бўлган маҳсулотни олишга имкон берувчи, айти вақтда ишчи томонидан ўз шахсининг ривожланиши учун шароитлар яратувчи, мутахассиснинг шахсий сифатлари ва касбий фаолият турларининг касбнинг илмий жиҳатдан асослашга имкон берувчи меъёр ҳамда талаблар мажмуидир.

Касбий тавсифнома маълум соҳа бўйича фаолият юритувчи мутахассиснинг муваффақиятли равишда умумлаштирилган намунавий модели саналади. Бироқ айрим ҳолатларда профессиограммада «ўрта» даражадаги касбий фаолиятни бажариш вариантлари ҳам инobatга олинади. Профессиограмманинг мазмуни ва тузилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

Намунавий касбий тавсифнома қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

- 1) мутахассислик таълим йўналиши, билим соҳаси ва ихтисослик номи;
- 2) касбий таълим (таълим шакллари, ўқишга кириш шартлари, таълимнинг давомийлиги, эгалланадиган малака даражаси, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари), ўқишни давом эттириш;
- 3) касбий фаолияти (вазифаси) хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакалар;
- 4) психограмма касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат);
- 5) меҳнатнинг санитария-гигиеник шароитлари (иш тартиби, сенсомоторли ва перцептив доирадаги тиббий кўрсатмалар).

Меҳнат фаолиятининг умумий (ижтимоий, технологик, иқтисодий, санитария-гигиеник) хусусиятлари энг оммалашган касбий тавсифномада касбий фаолиятнинг мақсади, предмети, усули, натижаларни баҳолаш мезони, зарур малакавий хусусиятлари, воситаси, шарти, ташкил этилиши, меҳнат кооперацияси, меҳнат омилкорлиги, хавф-хатар турлари ва уларнинг ишчи ҳаёти ва фаолиятига бўлган салбий таъсири ёки фаолият натижаси учун фойдаси каби ҳолатлар ўз аксини топади.

Сўнгги пайтларда тақлиф этилаётган таҳлилий касбий тавсифномада «касбий фаолият ва шахсининг касбий аҳамиятли сифатлари, унинг алоҳида жиҳатлари эмас, касб (ёки касбий фаолият)нинг психологик тузилмасини умумлаштирувчи меъёрий ва морфологик кўрсаткичлар» ёритилади.

Таҳлилий касбий тавсифномада қуйидаги икки блокнинг алоҳида қайд этишнинг зарурлиги таъкидланади: 1) маълум шахсга боғлиқ бўлмаган ва ижтимоий тажрибаларга асосланувчи касбий фаолиятнинг объектив хусусиятларини тавсифлаш; 2) объектив фаолиятга симметрик, бироқ у билан мос келмайдиган психологик мазмунга эга фаолият ва унинг сифатларини тавсифлаш. Бошқача қилиб айтганда, аналитик профессиограммада касбий фаолият меъёри, психологик тузилмаси ҳамда ишчининг психологик сифатлари алоҳида қайд этилади.

Анча мураккаб турдаги профессиограмманинг таркибий тузилмаси, касбий фаолиятнинг моҳияти, шунингдек, мутахассис шахсини тавсифлаш (трудограмма ва психограмма) имкониятини берувчи тузилма билан танишамиз.

«Касбий фаолият тавсифи» (трудограмма)нинг мазмунида қуйидагилар акс этади:

1. Касбнинг йўналганлиги, вазифаси, унинг жамиятдаги ўрни ва роли (моддий маҳсулот ёки ғоялар ишлаб чиқариш, турли ижтимоий соҳаларда хизмат кўрсатиш, ахборотларни тўплаш, сақлаш ва тарқатиш)нинг инсонга йўналтирилганлиги.

2. Касбнинг кенг тарқалганлиги (ушбу касб бўйича фаолият олиб боровчи ташкилотлар).

3. Касбнинг меҳнат предмети - инсон учун меҳнатни ташкил этиш жараёнида таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар (моддий буюмлар, ижтимоий-ғоявий предметлар - маданият, ахборот, маълум шахс ёки омманинг ижтимоий онги, нотабиий буюмлар).

4. Касбий билимлар муайян йўналишда фаолиятни ташкил этишнинг турли жиҳатлари борасидаги маълумотлар тўплами сифатида.

5. Самарали натижага эришиш учун фаолият жараёнида қўлланилувчи техника, технология, ҳаракат, усул, маҳорат ва иш методлари, фаолиятлар ҳамда уларнинг кўлами, умумлаштирилган ва автоматлаштирилганлиги.

6. Меҳнат воситалари - зарур меҳнат маҳсулотини олиш йўлида хусусий мақсадни амалга ошириш, меҳнат предметига таъсир кўрсатиш мақсадида инсон томонидан фойдаланадиган ижтимоий (моддий ва маънавий) омиллар.

Меҳнат воситалари сирасига иш қуроллари, асбоб-ускуналар, компьютерлар ҳамда мантиқий фикрлаш, ахлоқий ва эстетик баҳолаш тизим ва кўрсаткичлари киради.

7. Меҳнат шароитлари: меҳнат ва дам олиш тартиби, уларни ўзгартириш имкониятлари; ижтимоий муҳит хусусиятлари; меҳнатнинг санитария-гигиеник омиллари; иш жойи, меҳнат суръати, жадаллиги ва ишнинг давомийлиги.

8. Меҳнатни ташкил этиш ва бу борада ҳамкорликка эришиш: ушбу касб учун характерли бўлган индивидуал, ҳамкорликка асосланувчи ва гуруҳли фаолият турлари: касбий муносабатлар турлари ва унда унинг иштирокчилари тутган ўрин, улар ўртасида меҳнат воситалари ва маҳсулотларнинг алмашиши; ишни бажариш меъёрлари ва муддати; лавозимлар ёки лавозимлар тартиби бўйича бўйсунтириш, касб доирасидаги ижтимоий мавқе ва мансаб.

9. Меҳнат маҳсулоти (ёки унинг натижаси): инсон томонидан меҳнат жараёнида содир этилувчи сифат ва миқдор ўзгаришлари, меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари, меҳнат натижасининг муайян даражаси (меҳнатни касб тақозоси учунгина бажарилишидан ижодий хусусият касб этишига эришилиши), қатъий тартибларнинг белгилаб қўйилиши.

10. Касбий маҳоратнинг мавжуд даражалари ва малакавий разрядлар, уларга ҳақ тўлаш тартиби.

11. Мутахассиснинг ҳулқи: психологик ва ижтимоий хавфсизлик, касбий фаолиятида қулай микромуҳитнинг мавжудлиги; ижтимоий қафолатлар, меҳнат ва дам олишга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш; меҳнат фаолиятини бажаришнинг индивидуал методини танлаш ва операцияларни индивидуал тарзда ўзгартириш ҳуқуқининг мавжудлиги, малакани ошириш, турдош касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги имтиёзлар, лавозим бўйича «ўсиб бориш» тартиби ва мутахассиснинг касбий жиҳатдан ўсишининг рағбатлантирилиши.

12. Мутахассиснинг мажбуриятлари: касбий малакани эгаллаш, касбий ҳулқ-одоб қоидаларининг мажбурийлигини билиш (касбдошлари билан муносабатда самимий, ахлоқли бўлиш); иш жараёнида касбий ва хизмат сирларини сақлаш қоидаларига амал қилиш, ҳужжатларни тўғри юриштиш; муайян чекланишлар (яъни, ушбу фаолият жараёнида маълум хатти-ҳаракатларни содир этишнинг таъқиқланганлиги); лавозим бўйича вазифалар ва мажбуриятлар (у ёки бу ташкилотда муайян лавозимга кўра мутахассиснинг қандай вазифаларни қай тарзида бажариши).

13. Касбнинг инсон ҳулқ-атвори ва яшаш тарзига кўрсатувчи таъсири.

14. Ўз-ўзини шакллантириш, физиологик-психологик ривожланиш йўналишлари, биопсихологик ўзгаришлар, касб воситасида қарор топувчи индивидуаллик, унинг шахсни ривожлантириш борасидаги имкониятлари,

касбий жиҳатдан таркиб топган муайян жамоа ҳамда ижтимоий гуруҳга мансублик.

15. Касбий фаолиятнинг салбий жиҳатлари: қийинчиликлар, касбий фаолият жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар, уларнинг турлари ва кўлами, рўй бериш эҳтимоли бўлган моддий ҳамда маънавий йўқотишлар, мураккаб вазиятларнинг мавжудлиги, вазиятнинг ўзгарувчанлиги ёки тўхталишларнинг содир бўлиши, монотонлик, вақтнинг чегараланганлиги, ахборот етишмовчилиги ёки уларнинг кўплиги; авария ҳолатларининг содир этилиш эҳтимоли, касбий касалликларни келтириб чиқарувчи ва бошқа психологик ҳолатлар; касбий жиҳатдан юқори лавозимларга кўтарилишнинг мумкин эмаслиги, паст даражадаги меҳнат самарадорлиги, мавжуд қоидаларни бузганлик учун белгиланувчи маъмурий жазо (жарималар) турлари.

Психологик тавсифнома (психограмма - мутахассиснинг маънавий-ахлоқий ва руҳий қиёфаси). Касбий фаолиятни самарали ташкил этишда ижтимоий-касбий муносабатлар, касбий жиҳатдан ўсиш, шунингдек, содир бўлиш эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун талаб этилувчи психологик сифатлари муҳим аҳамият касб этади, уларнинг сирасига қуйидагилар киради:

- 1) шахсий эҳтиёжлар, ҳаётий мақсад, вазифалар, талаблар, қизиқишлар, шахс иштирокида ташкил этилувчи муносабатлар мазмуни, кадриятли йўналишлар, психологик позиция;
- 2) касбий интилишлари, талаблари, касбий жиҳатдан ўзини баҳолаш, ўзини мутахассис сифатида англаш;
- 3) психик ҳолат ва ҳиссий (эмоционал) қиёфа;
- 4) меҳнат, уни ташкил этиш жараёни ва натижалардан қониқиш (мутахассиснинг операционал хусусиятлари);
- 5) меҳнат ва касб борасидаги психологик билимлар;
- 6) психотехнологиялар, психологик ҳаракатлар, усуллар, методлар, маҳорат ва техникаси (уларнинг, шахснинг ўзи ва бошқаларга таъсири);
- 7) касбий қобилият, касбий салоҳият, касбий жиҳатдан ўсиш имкониятлари;
- 8) касбга хос, шу жумладан, ижодий фикрлаш, касбий тажрибани бойитиш имкониятлари;
- 9) касбий жиҳатдан ўсишни режалаштириш ва ривожланиш;
- 10) психологик зиддиятлар (касбий фаолиятга мутлақо ёки муайян даражада мос келмайдиган психик сифатлар, бу ўринда касбга хос операционал зиддиятларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир);
- 11) касбий жиҳатдан ўсиш йўналишлари.

Бизнинг назаримизда касбий тавсифнома мазмунида, яна шунингдек, касбий жиҳатдан тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, алоҳида психологик сифатларини машқ қилдириш, ўзгартириш, ўрнини тўлдириш, касбий малакани ошириш ва турдош касбга йўналтириш (шахснинг индивидуал

хусусиятларини инобатга олиш асосида) масалаларининг ёритилиши мақсадга мувофиқдир.

Мутахассис шахси ва фаолиятини моделлаштиришга нисбатан ёндашувларнинг турлича бўлишига қарамай, илмий тадқиқотларда касбий педагогик тайёргарлик тизимида мутахассиснинг касбий ва шахсий камолоти, шунингдек, мутахассисни касбий тайёрлаш жараёнининг моделини яратиш муаммоси тадқиқ этилмаган.

Буюк Британиялик олим М.Розенберг ўқитувчи фаолиятининг тўққиз йўналиши ва уларга нисбатан қўйилувчи қуйидаги касбий талабларни ишлаб чиқди:

- ўқувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини билиш;
- фаолият самарадорлигини баҳолай олиш;
- ўқув дастурларини ишлаб чиқа олиш лаёқатига эгалик;
- касбий маҳоратга эга бўлиш;
- маслаҳатчи бўла олиш;
- коммуникабеллик лаёқатига эга бўлиш;
- илмий тадқиқот ишларини олиб бориш қобилиятига эгалик;
- доимий равишда касбий маҳоратни такомиллаштириб боришга эришиш;
- шахсини маданий жиҳатдан такомиллашувига эришиш.

Л.М.Митина ўқитувчилик фаолияти моҳиятига таянган ҳолда бўлажак ўқитувчини касбий-педагогик жиҳатдан тайёрлаш модели қуйидаги учта ўзаро боғлиқ йўналиш асосида намоён бўлишини қайд этиб ўтади: 1) талабанинг шахси; 2) талабанинг ўқув-ўрганиш фаолияти; 3) талаба томонидан ташкил этилувчи ижтимоий муносабатлар.

Айрим касбий тавсифномаларда, яна шунингдек, қуйидаги ҳолатлар ҳам ёритилади:

а) таълим олиш сабаблари;

б) ўқув топшириғи сифатида таклиф этиладиган ва ўқувчилар томонидан қабул қилинадиган таълимий масалалар (педагогик амалиёт жараёнида ҳар бир талаба ижобий ҳал этилиши талаб этилувчи педагогик масалаларга дуч келади);

в) таълимий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш асосида ўқиш-ўрганиш масалаларини ҳал этиш;

г) ўқув машғулотлари жараёнида ўқитувчининг аста-секин фаолиятини назорат қилиш ва ўзига баҳо бериш лаёқати такомиллашиб боради, бу ҳолат ўқувчилар фаолиятини ҳам назорат қилиш ва баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Касбий тавсифномаларда ўқитувчининг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда кўрсаткичлари етарлича тизимлаштирилмаган.

Тадқиқотда бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиш моделини унинг билим, кўникма, малакалари ва шахсий маданиятига кўра яхлит тизим сифатида яратиш масаласи тадқиқ этилди.




Юқорида келтирилган касбий-педагогик фаолиятни моделлаштиришга оид таҳлилларимиз ҳамда биогенетик, ижтимоий-генетик ҳамда маданий генетик жараёнларни қиёсий ўрганишимиз асосида касб таълими ўқитувчини тайёрлашнинг масалали-фаолиятли модели ишлаб чиқилди. Мазкур модел маданий генетик жараён негизига қурилиб, унда ўқитувчи раҳбарлигида ҳамда мустақил таълим олиш билан боғлиқ таълим шакллари асос сифатида олинди. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда замонавий таълим тури сифатида масофали таълим технологиясини ишлаб чиқдик.

Ишлаб чиқилган моделга кўра педагогик, техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар касб таълими ўқитувчисини тайёрлашда педагогик, умуммуҳандислик ҳамда мутахассислик туркуми фанлари уйғунлигини таъминлаб, касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик тайёргарлигини юқори сифат даражасига кўтаради.

Бўлажак касб таълими ўқитувчисининг касбий шаклланиши муайян индивидуал сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва шахснинг ижтимоий-маданий фаоллик даражасига боғлиқ бўлади. Тадқиқотларимиз натижаларига кўра ушбу сифатлар мотивацион, иродавий, ақлий, ҳиссий, амалий ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш лаёқати кабилардан таркиб топиши аниқланди.

Масалали-фаолиятли моделда таълим мазмуни уч даражада:

- таянч компетентлик (ўқув режасидаги барча блок фанлари учун);
- фанлараро компетентлик (ўқув режасидаги бир блок фанлари тўплами учун);
- предмет доирасидаги компетентлик (ўқув режасидаги бир юзасидан) шаклида келтирилган.



**6.2-расм. Касб таълими ўқитувчисини шакллантиришнинг масалали-фаолиятли модели**

Шундай қилиб, таянч компетентлик олий педагогик таълимнинг ҳар бир босқичи учун таълим блоклари ва ўқув фанлари даражасида аниқланади. Таянч компетентлик тартибини белгилашда касбий педагогик таълимнинг асосий мақсадларига мувофиқ ижтимоий ва шахсий тажрибанинг моҳияти, ижтимоий жамиятда касбий фаолиятни ташкил этиш жараёнида ҳаётий кўникмаларни эгаллашга имкон берувчи асосий турлар муҳим аҳамият касб этади.

Моделда келтирилган касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш давлат таълим стандартлари мутахассисларни тайёрлаш ва сифатини назорат қилиш механизми вазифасини ўтайди.

Касб таълими ўқитувчисини шакллантириш модели – таълим ва ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, мотивацион ҳислатлар, интеллектуал салоҳият, иродавий сифатлар, амалий кўникмалар, ҳиссий сифатлар ҳамда ўз-ўзини бошқара олиш сифатларини таърифловчи, касб эгасининг мустақил билим олиши ва ўзини ривожлантиришини акс эттирувчи андоза ҳисобланади.

Касб таълими ўқитувчиларининг маданий-генетик жараён маҳсули сифатида масофали таълим асосида педагогик ҳамда техник-технологик муаммоли вазиятли топшириқлар негизида тайёрланиши уларда зарурий индивидуал сифатлар ҳамда таянч компетентликни таркиб топтириш учун асос вазифасини ўтайди. Бу эса бўлажак ўқитувчи шахсининг давлат таълим стандартлари талабларига тўла жавоб берувчи етук мутахассис сифатида касбий шаклланишини таъминлайди.

### **Назарат саволлари**

1. Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функциялари.
2. Касб таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

## **7- Маъруза. Касбий таълимда инновациялар**

### **Режа:**

7.1. Касб ҳунар таълимида инновациялар.

7.2. Касб таълимини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш.

**Таянч тушунчалар:** касбий таълим, инновациялар, технология, таълим технологияси, интерфаол таълим, фаол таълим.

### **7.1. Касб ҳунар таълимида инновациялар.**

Таълим тизимида туб ислохотлар зарурлигини эътироф этиш учун ўтган асрнинг 80- йилларидан бошлаб педагогик лексиконда “Инновация” ибораси қўллана бошлади. У педагогика назарияси ва амалиётида аллақачон ўз ўрнини топган бўлсада, унинг моҳияти шу пайтгача тўлақонли ёритилмаган ҳисобланади, яъни яқдиллик мавжуд эмас.

Кенг маънода “Инновация” педагогик тизимга янгилик киритиш йўли билан таълим-тарбия жараёнини мақбуллаштириш, сифат ва самарадорлигини оширишни кўзда тутди. Педагогика тизимига киритилган янгилик сифат ва самарадорликка салбий таъсир қилиши ҳам мумкин. Биз тизимга унинг ички заҳира ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида киритилган янгиликларнигина инновация деб тушунамиз.

Педагогик тизимни такомиллаштириб, юқори сифат ва самарадорликка эришишга оид ғоя, назария, қоида, шакл, методлар ва воситалар тизимини – педагогик инновациялар сифатида қабул қилиш мумкин. Сўнгги 20-25 йил давомида педагогикага кўплаб янгиликлар киритилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мисол сифатида янги концепциялар, инвестициялар, Таълим стандартлари, Давлат таълим стандартлари ва тармоқ таълим стандартларига, тестлар, муқобил ўқув режалари, янги турдаги ўқув юртлари, технологиялар ва шу қабиларни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, педагогик жараён тизимлилик хусусиятига эга бўлиб, маълум белгиланган чегарада барқарор қоладиган компонентларни ўзига қамраб олади. Агар киритилаётган янгилик рухсат этилганидан ортиб кетса, тизим бузилиб, унинг ўрнига янги хусусиятга эга бошқа тизим ҳосил бўлади.

Педагогик жараён (tizim) ўзининг моҳиятига кўра ҳар доим технологиялашади. Технологияланиш педагогик тизимнинг ички сифати бўлиб, унинг имкониятлари қатъий қонуният ва қоидаларга бўйсунди.

Технологияда вариативликка имкон берилмайди, ундан бирор кичик компонентни олиб ташлаб бўлмайди чунки технологияда ортиқчаликнинг ўзи мавжуд эмас.

Ундаги бирор компонентни алмаштирсак, албатта натижа ўзгариб кетади.

Тизимнинг умумий назариясидан маълумки, бир пайтнинг ўзида унинг кўп параметрларини (йўналишларда) яхшилаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам тизимга янгиликларни аста-секинлик билан киритиб, унинг фойдалилигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ҳар томонлама текшириш, кейинги ўзгартиришлар ҳақида ўйлаш зарур. Таҳлилларимиз педагогик тизимни такомиллаштиришнинг қуйидагича икки: жадал ва экстенсив (ножадал) йўлларининг мавжудлигини кўрсатади. Жадал йўл, педагогик тизимнинг ички имкониятлари ҳисобига ривожлантиришни, экстенсив йўл эса қўшимча воситалар, жиҳозлар, вақт, куч, маблағ кабиларни жалб этишни назарда тутди.

Педагогик жараён кўп қиррали бўлиб, унга тарихий, илмий-педагогик, психологик, физиологик, гигиеник, ташкилий бошқарув, иқтисодий, ижтимоий, тиббий, мафкуравий, ҳуқуқий меъёрий ва шу каби нуктаи назарлардан ёндошиш мумкинлиги кўп сонли олимлар ва амалиётчилар томонидан таъкидланган. Педагогик жараённи жамият тараққиётини таъминловчи асосий омил деб қараб Ж.Ф. Йўлдошев ва С.А. Усмоновлар уни: “Ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, жараён, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси” тарзида талқин этадилар.

Бундан педагогик технология ижтимоий ҳодиса сифатида жамият тараққиётини таъминловчи устувор омил эканлиги келиб чиқади. Педагогик технологиялар моҳияти ва мазмунига кўра жамиятшунослик, психология, физиология, педагогика фанлари назарияси ва амалиёти, илғор тажрибалар, шахс ва жамият тараққиёти ҳақидаги ғоялар асосида ривожланади.

«Технология» ибораси грекча - «*techne*» - маҳорат, санъат, ва «*logos*» - таълимот, ўргатаман ёки ўрганаман маъносини англатади. У педагогикага ишлаб чиқариш соҳасидан кириб келган .


Ишлаб чиқариш нуктаи назаридан олиб қараганда, технология меҳнат объектига мақсадга мувофиқ таъсир этиб, унинг ҳолати, хусусияти, шакли кабиларни ўзгартириш санъати, маҳоратини ўзлаштириш маъносини англатади.

Педагогик нуктаи назардан олиб қараганда, у таҳсил олувчилар онги, сезилари, ҳис-туйғулари, характери кабиларга мақсадга мувофиқ таъсир этиб, уларда кўзда тутилган билим, хатти-ҳаракат усуллари( кўникма, малака) ва шахсий фазилатларни шакллантириш тизими сифатида тавсифланади. Бунда жараён иштирокчиларининг шахсий ва техник воситалар имкониятлари ҳисобга олиниши табиий ҳолдир.

Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг қонуниятлари, тамойиллари, мақсади, мазмуни, вазифалари, объектив ҳамда субъектив омил, асосий тушунча ва мезонлари кабилар ташкил этади. «Таълим технологияси» ибораси эса инглизча “*an educational technology*”- таълим бериш санъати, маҳорати маъносини англатади.

Таҳлилларимиз Фарбий Европа ҳамда АҚШда шахсга таълим-тарбия бериш ва уни ривожлантириш жараёни “Таълим жараёни” деб юритилади, шунга кўра мазкур мамлакатларда “педагогик технология” эмас, “таълим технологияси” ибораси қўлланилади.

Шунинг учун ҳам биз “педагогик жараён”, “педагогик технология”, “таълим технологиялари” ибораларидан синоним сифатида фойдаланамиз. Бундан минг йил муқаддам (870–950) йиллар) яшаб, ижод этган буюк бобокалонимиз Абу Наср Форобий бирор соҳада фаолият кўрсатиб, маълум ютуқларга эришмоқчи бўлсангиз энг аввало, қуйидаги қоидаларга амал қилишингиз зарур, деган эди:



Манбалар таҳлили тушунчасига “Педагогик (таълим) технология” турлича изоҳ берилганлигидан далолат беради. Бу ҳолат маълум маънода тўғри, чунки ҳар бир шахс унга турли нуқтаи назардан ёндошади. Лекин бир соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассислар учун яқдиллик билан қабул қилинган изоҳ албатта зарур. Ҳатто ЮНЕСКО ташкилоти берган изоҳ ҳам олимларимиз томонидан турлича талқин этилганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ҳозирги пайтда аксарият мамлакатларда, шу жумладан республикаимизда узлуксиз таълим тизимида турлича номланган технологиялардан фойдаланилмоқда. Бу технологияларнинг барчаси маълум умумийликка эга бўлиб, улар хусусий жиҳатларига биноан таснифланиши В.С. Кукушин, Г.К. Селевко., Г. Бердиев каби кўплаб олимлар томонидан кўрсатилган бўлиб, уларни чизма тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

Мустақил республикаимиз таълим соҳасидаги ислохотлар таълим-тарбиянинг самарали омилларидан кенг кўламда фойдаланиш, бу жараён катнашчилари орасида онгли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш, таҳсил олувчиларнинг шахсий хусусиятлари ва миллий менталитетини ҳисобга олишни тақозо қилади.

Бу хайрли ишга республикаимиз олимлари ва амалиётчилари ҳам баҳоли қудрат ўз улушларини қўшмоқдалар.

Биз кўп сонли педагог олимлар ва амалиётчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларга қўшилган ҳолда, таълим-тарбия ишида таҳсил олувчиларнинг онгли фаоллигини таъмин этувчи омиллардан оқилона фойдаланиш ҳозирги замон ва истиқбол талаби деб биламиз.

Фаол таълим омилларидан фойдаланиш ғоялари XIV-XVI асрларда илгари сурилган бўлиб, таҳсил олувчиларга тайёр ўқув материалларини эмас, балки уларни онгли, мустақил изланувчан фаолиятлари орқали ўзлаштиришларига эришиш зарур, ана шунда билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлар муҳим қийматга эга бўлиши кўрсатилган.

Таҳсил олувчилар шахсида мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик хис-туйғулари танқидий фикрлаш каби сифатларни шакллантиришда фаол таълим омилларидан фойдаланилади. Бундай омиллар, номидан маълум бўлиб турибдики, бу жараён таҳсил олувчи(лар)нинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини ривожлантириш, намоён этишга шарт-шароит яратиш учун қўлланилади. Сўнгги пайтларда фақат фаол таълим технологияларидан эмас, балки интерфаол таълим технологияларидан фойдаланиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Интерфаол таълим технологияларида ўқитувчи билан таҳсил олувчиларнинг ҳамкорлиги орасида ўзаро фаоллик ҳам кўзда тутилган.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида шахснинг жадал ривожланиши, моддий ва маънавий қадриятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти орқали амалга ошади. Агар таҳсил олувчи ўзининг ўқув-билиш фаолияти моҳиятини англаб етмаса, барча хатти-ҳаракатлари ташқи тазйик натижасида амалга оширилиб, ўзлаштирган билимлари расмий характерга эга бўлади.

Бундан шахс ривожланишида ирсият, таълим-тарбия, муҳит билан бирга шахсий фаолият муҳим аҳамият касб этиши келиб чиқади. Шахс фаолияти унинг ички дунёси, тафаккури кечинмалари, диққати, хаёли, ҳиссиёти билан узвий боғлиқ. Ўқитувчининг маҳорати ўқув материални педагогик қайта ишлаб, таҳсил олувчида унга нисбатан онгли муносабат пайдо қиладиган ҳолатда етказишдан иборат. Чунки шахс-мотив, ҳиссиёт, шахсий фикр ва хатти-ҳаракатлар воситасида намоён бўлади.

Демак, фаол таълим таҳсил олувчи ўқув-билиш фаолиятини онгли ташкил этиш билан узвий боғлиқ бўлиб, муаммоли изланиш, тадқиқотчилик, диалогик ва полиологик мулоқот ва муносабатлар талаб этилади.

Бу ғоялар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган ва етарли даражада тадқиқ этилмаган, педагогик муаммо сифатида эътироф этилади.

Маълумки, ҳар қандай педагогик технология таълим-тарбия қонуниятлари ва принципларига асосланиб, мазмунни янгича шакллантириш, уни таҳсил олувчилар мулкига айлантиришнинг мақбул шакли, йўл ва воситаларидан фойдаланиш, шарт-шароитларини яратиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни кўзда тутати. Бунда мақбуллик таълим-тарбия жараёни иштирокчилари томонидан имкон қадар кам зўриқиш кучлари, вақт сарф этган ҳолда ҳар томонлама мукамал билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантирилишини мақсад қилиб олмоғи зарур.

Педагогик технология турларини танлаш - шакллантирилиши кўзда тутилган билим, хатти-ҳаракат усуллари, шахсий фазилатлар,

машғулотларнинг ташкилий шакли, қўлланилаётган методлар, воситалар ва шу каби кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, таҳсил олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, ўқув материалига нисбатан танқидий ёндошиш малакаларини шакллантириш ҳамда маҳсулдор ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этишда бинар ёки интегратив дарс, ишчанлик ёки ролли ўйин, эвристик суҳбатдан фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур вазиятда таълим-тарбия методлари қўйилган мақсад билан албатта мутаносиб бўлиши керак.

Педагогик технология аниқ мақсадни кўзда тутиб маълум назария асосида ишлаб чиқилади. Педагогик технологиянинг илмий концепцияси таълим-тарбия орқали таҳсил олувчиларни ривожлантириш мақсадларига эришиш борасида фалсафий, психологик, ижтимоий педагогик ва дидактик асосларни қамраб олади.

## **7.2. Касб таълимини ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш**

Таълим натижалари ўрганувчининг педагогик жараёнлардан қандай салоҳият билан ўтганлигига боғлиқ.

Педагогик жараён моҳияти-ўқитувчининг таълим олувчи иштирокидаги фаолиятида ўз аксини топади, бунда педагог қийинчиликларни енгиб ўтиш йўлида таълим олувчига ёрдам беради. Педагогик ёрдамнинг моҳияти педагогик жараённи йўналтирганлиги, тавсифи, шахсни шакллантириш ва тарбиялашда ҳал этиладиган вазифаларни ўзида акс эттирганлиги билан ифодаланади. Педагогик ёрдам эълон қилинган, кўрсатилган, эслатилган, тушунча берилган, йўналтирилган, ҳаққонийлаштирилган, маслаҳат берилган, кенгашилган, бартараф этилган, ҳамдардлик қилинган, илҳомлантирилган, қизиқиш ва хурматни изҳор қилган, талабчанликни қўллаб-қувватлаган ҳолларда ёрдам беради.

Замонавий ўқитиш технологиялари-мажмуавий интегратив тизимлар бўлиб, улар ўзида таълим мақсадлари билан белгиланган касбий кўникма, малакалар ва шахс хислатларини ўрганувчилар томонидан эгалланиши ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган операция ва ҳаракатларнинг тартиблаштирилган тўпламини акс эттиради. Бу ўринда таълим мақсадларининг белгиланиши (кимга ва нима учун?), мазмунни танлаш ва ишлаб чиқишга татбиқ этиш (нима?), таълим жараёнларини ташкил қилиш (қандай?), таълим методи ва воситаларини белгиланиш (нималар ёрдамида?), шунингдек, ўқитувчилар малака даражаси (ким?) ҳамда эришилган натижаларни баҳолаш методи (қандай йўл билан?) га асосланиши лозим. Келтирилган мезонларнинг мажмуавий қўлланилиши ўқув жараёни моҳияти ва унинг технологиясини белгилаб беради.

Ўқитиш технологиясининг лойиҳалаш тузилишини педагогик вазифанинг қўйилиши ва уни ҳал этиш асосида кўрамыз:



### *Ўқитиш технологиясини лойиҳалаш*

Педагогик вазифанинг белгиланишида қуйидагилар инобатга олинади:

- таълим мақсадларининг таҳлили ва шу асосида ўқув предмети мазмунини аниқлаш;
- ўқув предмети мазмуни тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув унсурлари тизим кўринишида ифодалаш;
- ўқув унсурларининг ўзлаштирилиш даражаларини белгилаш;
- таълим олувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш, бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмунини ифодаловчи ўқув материални ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади;
- ўқув-моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.

Педагогик вазифаларнинг ҳал этилишини таъминловчи ўқитиш технологиясини лойиҳалашга қаратилган ўқитувчи фаолияти таълимнинг метод, шакл ва воситаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, педагог фаолияти учта асосий хусусиятлар билан тавсифланади: бошқариш тури, ахборот алмашинув жараёнининг тури, ахборот ўзатиш воситалари типлари ва билиш фаолиятини бошқариш. Ўқитиш жараёнига фаолият нуқтаи назаридан ёндашиш концепциясига асосланиб, уни ташкиллаштиришнинг қуйидаги мантикий кетма-кетлигини куриш мумкин. Дастлаб ўқув материали мазмунининг тавсифи, уни ўрганишдан кўзланган мақсад (ўзлаштириш даражалари), шунингдек, педагогик вазифанинг қўйилиш шартлари таҳлил этилади. Сўнгра, ўқитишнинг мос равишдаги методлари ҳамда таълим олувчилар билиш фаолиятини бошқариш схемаси белгилаб олинади. Шу асосда ўқитиш воситалари рўйхати тузилади. Ушбу усули билан ҳосил қилинган метод ва таълим воситалари тизими ташкилий шакллар билан уйғунлаштирилади, яъни, технология ишлаб чиқилади.

Умумлашган педагогик технологиялар маълум психопедагогик асослардан иборат «синтетик назария» сифатида қаралади (2-жадвал).

Тадбикий педагогик технологиялар олдиндан режалаштирилган натижага эришишга йўналтирилган касбий тайёргарлик жараёнини лойиҳалаш муаммосини методик жихатдан ҳал этишга қаратилади.

Бугунги кунда шахсий фаолиятли ёндошув, танқидий-ижодий фикрлаш, муаммоларни ҳал эта олиш, қарор қабул қилиш ва жамоада ҳамкорлик қилишга оид педагогик технологияларни ишлаб чиқишга эҳтиёж юзага келмоқда.

<b>Педагогик технология номланиши</b>	<b>Мақсади</b>	<b>Моҳияти</b>	<b>Механизми</b>
Муаммоли ўқитиш	Таълим оловчиларнинг билиш фаоллиги ва ижодий мустақиллигини ошириш	Таълим оловчиларга кетма-кет ва мақсадли равишда уларнинг билимларни ўзлаштириш фаоллигини оширишга хизмат қилувчи масалаларни бериш бориш	Тадқиқотчилик методлари; билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш
Мужассамлаштирилган ўқитиш	Инсоннинг ҳис қилиш хусусиятларига максимал даражада яқинлаштирилган таълим жараён тузилмасини яратиш	Машғулотларни блокларга бириктириш ҳисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш	Таълим оловчилар иш қобилияти динамикасини ҳисобга оловчи таълим методлари
Модулли ўқитиш	Таълим мазмунини шахс индивидуал эҳтиёжлари ва унинг базавий тайёргарлигига мувафиқлаштириш	Таълим оловчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлаши	Муаммоли ёндашув, таълимни амалга оширишнинг индивидуал мароми
Ривожлантирувчи ўқитиш	Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш.	Ўқув жараёнини инсоннинг потенциал имокниятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш	Таълим оловчиларни фаолиятнинг турли соҳаларига жалб қилиш
Дифференциаллашган ўқитиш	Лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларни аниқлаш учун қулай шароитлар яратиш	Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меъёр (стандарт) дан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур материални ўзлаштириш	Индивидуал таълим методлари
Фаол (мажмуавий) ўқитиш	Таълим оловчилар фаоллигини ташкиллаштириш	Бўлажак касбий фаолиятининг предметли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш	Фаол ўқитиш методлари Таълим оловчиларни ижодий фаолиятига жалб этилишининг ўйин методлари
Ўйинли ўқитиш	Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг шахсий фаолият тавсифида бўлишини таъминлаш	Ўқув ахборотларини қайта ишлаш ва ўзлаштиришга йўналтирилган мустақил билиш фаолияти	

Камолотга эришган, ҳар томонлама ривожланган авлодни тарбиялаш жараёни унинг доимий, мунтазам, изчил ва тизимли равишда тарбиялашни тақозо этади. Бу йўлда касбий таълим муассасаларида таълим жараёнини такомиллаштириш, фундаментал, касбий фанлар сингари ғоявий мазмуни талабаларга, янги жамиятнинг ҳар бир мутахассисига зарур бўлган ижтимоий дунёқарашни шакллантирувчи тасаввурлар заҳирасини ҳосил қилиши лозим бўлган ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга янгича ёндашув асосида ахлоқ малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Талаба ёшларда ягона педагогик жараёнда маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялашда қуйидаги вазифалар ҳал этилиши лозим:

- ўзбек миллий менталитети ва жаҳон цивилизацияси ютуқларига таянадиган маънавий кадриятлар тизимини мустаҳкамлаш;

- Шарқ мутафаккирлари асарларида қайд этилган комил инсон ғояси, таълимотига амал қилиш;

Касбий таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларнинг моҳияти, унинг миллий истиқбол мафкурасига асосланган, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, ватанпарварлик, фуқаровий, меҳнат, маданий-маиший, экологик ва шу сингари йўналишлар билан эришиладиган ғоявий амал ва идеалларга мос ҳолда олиб борилиши мақсадга молик масала. Бу муаммоларни амалга ошириш барча педагогларининг олдида турган юксак вазифадир.

Мустақиллик шароитида талаба-ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда қатор вазифаларни ҳал этиш талаб этилади. Жумладан:

-ҳар бир таълим олувчининг онгида давлат мустақиллиги халқнинг олий ғоявий-ахлоқий кадрияти экани, ўз ватани билан фахрланиш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ва Ўзбекистоннинг улуғ тарихий ўтмиши, бозор муносабатларига асосланган янги демократик жамият қуришда танлаб олган ўзига хос йўлини мустаҳкамлаш, ислом дини руҳи билан суғорилган олий маънавий-ахлоқий кадриятлар, халқнинг инсонпарварлик анъаналари ҳамда умуминсоний ўивилизация ютуқлари аҳамиятини тўғри тушунтириш ва уни эътиқодга айлантириш;

-таълим олувчиларда умуминсоний инсонпарварлик ахлоқи, маданияти меъёрлари, замонавий кадриятлар эҳтиёжи, ўзини юқори тутиш ва виқор сақлаш, оилавий тантаналарда ўзини кўрсатишга уриниш, хизмат вазифасидан шахсий мақсадлар учун фойдаланиш кўринишларига муросасиз бўлиш руҳини тарбиялаб бориш уларнинг юқори ахлоқ малакалари билан куроллантиришнинг гарови бўлиб ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия тарбиявий ишлар мажмуида етакчи ўрин тутди. Ахлоқ ёки одоб деганда - кишиларнинг мазкур жамият учун характерли ва муайян ижтимоий муносабатлар тизими билан тарихан боғлиқ бўлган хулқ-атворларни белгилаб берадиган қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади. Жамият томонидан белгиланадиган талаблар шахс хулқини баҳолаш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ шахс хулқининг мазмуни мамлакатда шарқона ахлоқ-одобга асосланган миллий тарбияни

амалга оширишдан иборат бўлиши лозим. Бундай жамиятни қуриш жараёни янги ижтимоий муносабатларни ҳосил қилиш билан боғлиқ. Шу маънода бугунги кун таълим тизимида амалга ошириладиган ахлоқий тарбиянинг асосий мезонлари миллий ахлоқ меъёрларини ташкил этади.

Касб таълими муассасаларида талаба-ёшлар орасида ахлоқий тарбияни амалга ошириш аввало, уларда ахлоқий тушунча ва ишонч ҳиссини яратишдан бошланиши мақсадга мувофиқ. Чунки ёшларда ахлоқий тушунча ва эътиқодни таркиб топтирмай туриб, ахлоқий одатлар, шунингдек, хатти-ҳаракат билан боғлиқ одат ва малакаларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда асосан талаба-ёшларга ахлоқ-одоб меъёр ва қоидалари мазмунига оид билим беришга катта аҳамият бериш лозим. Бунда асосан яхши билан ёмон ўртасидаги фарқ тушунтирилади. Сўнгра яхши хулқларни ҳосил қилишга қаратилган фаолият уюштирилади. Ана шу йўсинда ёшларда ахлоқий тушунчалар вужудга келади ва хулқий одатлар ҳосил қилинади.

Касб таълими муассасаларида ахлоқий тарбия муаммосини амалга ошириш учун қатор муаммоларни ҳал этишга эътиборни қаратмоғи лозим. Улар:

-ўқитиш жараёнини илғор педагогик технология ва ахборот технологияси асосида уюштириш;

-талаба ва устоз ўртасидаги ахлоқий ҳамда ақлий муносабатни қарор топтиришга эришиш;

-таълим -тарбия ишларининг катъий режа асосида олиб борилиши;

-ўқув муассасасида ижобий эмоционал муҳитни яратиш;

-таълим олувчиларнинг ўқув муассасаси ҳаёти ички тартиби қоидаларига риоя қилишларига эришишни таъминлаш. Ягона таълим -тарбия жараёнида ахлоқий тарбияни ташкил этишда суҳбат, мунозара, маъруза каби методлардан фойдаланиш, турли машқлар фаолият орқали ижобий сифатларни ҳосил қилиш мумкин.

### **Назорат саволлари**

1. Касб ҳунар таълимида инновацияларни айтиб беринг.
2. Касб таълимини ташкил этишда инновацион технологияларни изоҳлаб беринг.
3. Ўқитиш технологиясини изоҳлаб беринг.
4. Фаол таълим методларни айтиб беринг.
5. Интерфаол методларни айтиб беринг.
6. Интерфаол методлари билан фаол таълим методларини фақли жиҳатларни айтиб беринг.

## Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
2. Ишмухамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б
4. Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Амалий машғулотнинг мақсади – Тингловчиларда касбий педагогиканинг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари модули бўйича амалий кўникмаларини шакллантириш

### 1-Амалиёт машғулот.

**?** Савол: **Касбий педагогикада интеграциялар турлари ва мазмуни қуйидаги жадвалга тўлдилинг.**

№	Интеграция турлари	Мазмуни
1		
2		
3		
...		

### 2-Амалиёт машғулот.

**!** Касб таълимининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тоифалаб беринг!

№	Касб таълимининг ҳуқуқий ҳужжатлари	Касб таълимининг норматив ҳужжатлари
1		
2		
...		

### **3-Амалиёт машғулот**

**Вазифа: Касб таълим ўқитувчининг касбий фаолият функцияларини берилган, унинг мазмуни изоҳланг!**

1. Гностик -
2. Лойиҳалаш –
3. Конструкциялаш –
4. Диагностик –
5. Прогностик –
6. Коммуникатив –
7. Ишлаб чиқариш-технологик –
8. Ташкилотчилик –

### **4-Амалий машғулот**

**Вазифалар! 1. Касбий таълими фан соҳасидаги инновацияларни сананг ва изоҳланг.**

**2. Касбий таълимдаги инновациялардан ВЕНН диаграммасини яратинг!**

**3. Касбий таълимидаги инновацияларни тоифалаш жадвалида тасвирланг!**